

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУСТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

Қўлёзма  
ҳуқуқида  
УДК: 903. 024

**РАХМАТОВ АЗАМАТ АБДИМЎМИНОВИЧ**

**ЎРТА ОСИЁДА МУДОФАА ТИЗИМИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА  
ЭВОЛЮЦИЯСИ**

5A220300 – “Ўзбекистон тарихи” ихтисослиги бўйича

**Магистр  
академик даражасини олиш учун ёзилган  
ДИССЕРТАЦИЯ**

**ИЛМИЙ РАЎБАР:**  
тарих фанлари доктори  
Шайдуллаев Ш.Б.

**Термиз-2015**

## МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3-6
I-Боб. ЎРТА ОСИЁНИНГ ЭНГ ҚАДИМГИ МЕЪМОРЧИЛИК ИНШООТЛАРИ.....	7
I.1. Неолит даврида ўтрок маданиятларда меъморчиликнинг шаклланиши.....	7-9
I.2. Неолит даврида кўчманчи маданиятларда меъморчиликнинг шаклланиши.....	9-26
II – БОБ. ЎРТА ОСИЁДА МУДОФАА ИНШООТЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ.....	27
II.1. Ўрта Осиё қадимги дунёсининг минтақавий ривожланиши ва фортификациясининг шаклланиши.....	27-30
II.2. Сополли ёдгорлигининг мудофаа тизими.....	30-36
II.3. Жарқўтон ёдгорлиги меъморчилиги ва мудофаа тизими.....	36-70
III –БОБ. ЎРТА ОСИЁНИНГ ИЛК МУДОФАА ТИЗИМИ ҲАҚИДА УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР.....	71-73
III.1. Сополлитепа мудофааси жаҳондаги энг қадимги лабиринт тизими.....	71-73
III.2. Ўрта Осиёнинг бронза даври мудофаа иншоотларининг қурилиш усули ва вазифаси.....	74-76
ХУЛОСА.....	77
ИЛОВАЛАР.....	78-88
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	89-92

## **КИРИШ**

**Мавзунинг долзарблиги.**Меъморчилик давр кўзгуси, таъбир жоиз бўлса айтиш мумкинки, тарих кўзгусидир. Оиланинг пайдо бўлиши археологик жиҳатдан бир хоналик уйларнинг шаклланишида кузатилса, патриархал оила, кишлоқларнинг шаклланиши эса кўп хонали уйларнинг пайдо бўлиши билан боғланади. Ибодатхоналарнинг қурилиши диннинг шаклланганлигини кўрсатса, арklarнинг қурилиши синфий муносабатларнинг ўрнатилганлигини тасдиқлайди.

Ўзбекистон тарихига эътибор берсак биз айтган фикр яққол ўз тасдиғини топади. Тарихимиздаги энг улуғвор давр Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даври бўлса, ўша даврда қурилган бинолар миллат ва халқ фаҳрига айланиб бўлган.

Меъморчиликнинг айрилмас қисми бўлган мудофаа деворлар тизимини, фортификацияни ўрганиш ҳарбий тарих ва мамлакатнинг қудрати тарихини ўрганиш демакдир. Демак, меъморчилик қудрат белгиси ҳамдир.

Ҳар бир халқ ёки миллат ўз қудрати тарихини билишини истайди ва бу қудратли тарих уларга фахр туйғусини уйғотади, Ватанига, халқига садоқат туйғусини уйғотади.

Диссертация Ўзбекистон ҳудудида меъморчиликнинг пайдо бўлиши ва мудофаа тизимининг шаклланиши муаммосига бағишланди. Қудратли тарихимизнинг ибтидоси даврини ўрганишни мақсад қилдик.

**Тадқиқотнинг даврий чегараси.**Диссертация Ўрта Осиёда меъморчиликнинг пайдо бўлишидан бошлаб фортификациянинг шаклланишига қадар бўлган даврларни, демак неолит давридан бошлаб то сўнгги бронза давригача бўлган даврларни қамраб олган.

**Мавзунинг ўрганилиш даражаси.**Меъморчиликнинг пайдо бўлиши, фортификация тизимининг шаклланиши алоҳида мавзу сифатида тизимли ўрганилмаган бўлсада, бу соҳа бўйича археологик манбалар йилдан йилга ортиб бормоқда. Айниқса бу боради Жанубий Туркманистон ҳудудида олиб

борилган ишлар диққатга сазовардир. Неолит даврига оид Жойтун, Карадепе, Даштли, Анау, Номозгоҳ ёдгорликларининг ўрганилиши Ўрта Осиё халқлари тарихида меъморчиликнинг шаклланиши ва фортификациясининг пайдо бўлиши ва эволюциясини ўрганиш имкониятларини берди<sup>1</sup>.

Айниқса, кейинги йигирма йил ичида Ўрта Осиёнинг шимолий минтакаларида кўчманчи чорвадор халқларнинг уй қурилишлари тизими бўйича олинган маълумотлар диққатга сазовар бўлди<sup>2</sup>.

Саразм ёдгорлигининг топилиши ва фанга киритилиши Ўрта Осиё халқлари меъморчилиги тарихи ва фортификацияси учун янги маълумотлар берди<sup>3</sup>.

Айниқса, А.Асқаров ва у яратган археология мактабининг Жанубий Ўзбекистон, В.М. Массон ва В.И. Сариянидининг Жанубий Туркменистон худудларида олиб борган тадқиқотлари Ўрта Осиёда фортификация тизими учун энг ноёб манбаларни берди. Сополлитепанинг лабиринт тизимиغا асосланган мудофаа тизими, Гонурнинг қудратли мудофаа тизими ва унга ўрнатилган ярим ой шаклидаги бурчлари, Жарқўтон саройидаги бетакрор “қалдирғоч қанотли мудофаа” тизими нафақат Ўрта Осиё, балки Жаҳон халқлари тарихига янгилик сифатида кириб келмоқда<sup>4</sup>.

**Илмий иш мақсади.** Ўрта Осиёда меъморчиликнинг пайдо бўлиши ва фортификация тизимининг шаклланиш жараёнларини ўрганиш.

---

<sup>1</sup>Сарияниди В.И, Кошаленко Г.И. Средняя Азия в раннежелезном веке // Археология СССР. Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. - М.: 1985. - С. 202-237; Сарияниди В.И. Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб. - Ашгабат, 2002. – 279 с.; Сарияниди В.И. Энеолитическое поселение Геоксюр (Результаты работ 1956-1957гг // Тр. ЮТАКЕ, Т. X. Ашгабат, 1960. – С. 34-48.; Массон В.М. Основные направления культурно-исторического процесса // Становление производства в эпоху энеолита и бронзы. М., Наука, 1981. - С. 31-48. Массон В.М. Первые цивилизации. - Л.: 1989. – С. 291. Массон В.М. Поселение Джейтун. - Л., 1971. – С. 324. Массон В.М. Средняя Азия и Древний Восток. - М.: -Л., 1962. – 423 с. Массон В.М. Формирование раннеклассовых обществ и вопросы типологии древних цивилизаций // Древний Восток и античный мир. - М.: МГУ, 1980. - С. 12-40. Массон В.М. Экономический и социальный строй древних обществ. - Л., Наука, 1976. - С. 184.

<sup>2</sup>Виноградов. Древние охотники.Б. 172-177; Виноградов, Мамедов. Первобытный Лявлякан. Б. 225-228. Гулямов, Асқаров, Исламов. Б. 160-170. Джуракулов, Мамедов. Геология. Б. 122-123.

<sup>3</sup> Исаков А. Саразм. К вопросу становления раннеземледельческой культуры Зарафшанской долины. Душанбе-1991; Бобомуллоев С.Б. Верховья Зарафшана во II тыс. до н.э. Душанбе-1998; Аванесова Н.А. Новые материалы эпохи бронзы Зарафшанской долины. «Археологические исследования в Узбекистане-2001 год» стр. 20-21; N. Avanesova, S. Sajdullaev, A. Ėrkulov. Gzam-ein neuer bronzzeitlicher Fundort in der Sogdiana. “Archaeologische mitteilungen aus Iran und Turan”. Berlin-2001. p. 63-72.

<sup>4</sup> Асқаров А.А, Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд. – 1993. – 187с.; Сарияниди В.И. Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб. - Ашгабат, 2002. – 279 с.

**Илмий тадқиқотнинг вазифалари.** Илмий тадқиқотни амалга ошириш жараёнида қуйидаги вазифаларни бажариш мақсад қилиб олинган:

- археологик тадқиқот натижаларида тўпланган материаллар асосида нашр қилинган илмий ишларни илмий ўрганиш асосида неолит, энеолит ва бронза даврига оид бўлган меъморчиликка оид манбаларни қайта ишлаш;

- Мудофаа тизимига асос бўлган қадимги халқлар тасаввурлари ва қарашларни ўрганиш;

- мазкур тадқиқотлар натижаларига илмий ёндошиш ва уларни таҳлил қилиш;

- илмий изланиш натижаларини ва илмий хулосаларни янги илмий-методологик жиҳатдан ўрганиш;

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация иши бўйича амалга оширилган илмий натижалар ва хулосалардан бакалавр-тарихчи талабалар учун “Ўлкашунослик”, “Ўзбекистон тарихи”, “Ўрта Осиё археологияси” фанларидан талабаларнинг курс ишлари, мустақил ишлари ёзишлари ҳамда Сурхон воҳаси тарихига оид семинар ва мустақил таълим машғулотларига тайёргарлик кўришда кенг фойдаланиш мумкин.

**Илмий тадқиқотнинг янгилиги.** Биринчидан, Ўрта Осиёнинг илк меъморчилиги ва фортификацияси бўйича тўпланган моддий манбалар ушбу диссертацияга жамланди, иккинчидан жамият тараққиёти ва меъморчилик узвий тараққий этган, меъморчилик унинг иникоси сифатида намоён бўлган, учинчидан фортификация энг аввал энеолит жамоалари қишлоқларида пайдо бўлган, сўнг монументал иншоотларнинг мудофаа тизими сифатида шаклланган, кейинги босқичи эса илк шаҳарларнинг таркибий қисми сифатида унинг энг характерли жиҳати сифатида намоён бўлган, тўртинчидан Ўрта Осиёда меъморчилик ва фортификация маҳаллий анъаналар асосида шаклланган ва тадрижий ривож топган.

**Илмий тадқиқот объекти ва предмети.** Ўрта Осиёда жойлашган қадимги Жойтун, Карадепе, Анау, Номозгоҳ, Саразм, Сополлитепа, Жарқўтон,

Гонур, Тоголок ёдгорликларида амалга оширилган археологик тадқиқотлар натижасида тўпланган маълумотлар ҳамда ибтидоий даврлар моддий маданияти манбаларини солиштириш асосида янги фикр ва маълумотлар тўпланди.

**Тадқиқот ишининг манбаси.** Ўрта Осиё халқлари меъморчилиги ва мудофаа деворлари мажмуаси бўйича бажарилган илмий тадқиқотлар, археологик ёдгорликлардан олинган манбалар ва шу мавзуга оид археологик илмий нашрлар, мақолалар магистрлик ишининг манбаи бўлиб хизмат қилди.

**Тадқиқот мавзусининг назарий услубий асоси.** Магистрлик диссертация ишини ёзишда археологик манбаларга асосли ёндашиш устуворлик қилди. Археологик манбалардан фойдаланиш ва уларни таққослаш усули қўлланилди. Натижада, асосли равишда Ўрта Осиё халқларининг илк меъморчилиги ва фортификацияси бўйича янги маълумотлар олинди.

**Тадқиқот ишининг тузилиши.** Тадқиқот иши кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ва археологик манбаларда ифодаланган илк меъморчилик ва фортификация шаклланган ёдгорликлар планлари тасвирланган иловадан иборат.

## I – БОБ.

### ЎРТА ОСИЁНИНГ ЭНГ ҚАДИМГИ МЕЪМОРЧИЛИК ИНШООТЛАРИ

I.1. Неолит даврида ўтроқ маданиятларда меъморчиликнинг шаклланиши.

Жойтун макони Туркманистонда эмас, балки бутун Ўрта Осиёдаги энг машхур неолит даври ёдгорликларидан бири ҳисобланади. У Ашхобод шаҳридан 25 км шимолда, унча баланд бўлмаган тепалик устида жойлашган. Бу ибтидоий қишлоқ бир неча уйдан ташкил топган бўлиб, уйларнинг майдони 25—30 кв. м ни ташкил этади, улар пахсадан қурилган. Пахса лойига майдаланган сомон қўшилган бўлиб, у деворнинг мустаҳкамлигини оширган. Уйлар тўғри тўртбурчак бўлиб, бир хоналикдир, ҳар бирида алоҳида ўчоқлар бор. Уйларнинг сатҳи ва деворлари сомонли лой билан сувалиб, оҳра билан бўялган. Уларнинг ёнида омборхона, сарой ва хўжалик учун зарур ўралар ҳам бор. Ҳар бир уйда 5—6 кишидан иборат оила яшаган. Жойтун қишлоғида 30 га яқин уй бўлиб, уларда 150—180 киши истиқомат қилган деган фаразлар бор.

Жойтун харобаларидан буғдой, арпа излари, ёрма тош, тош болталар, парракчалар, ўроқлар, қурол сифатида ишлатиладиган ўткир учли тошчалар, тешгич пармалар, қирғичлар, сигментқуроллар, трапециялар, нуклеуслар, камон ўқларининг учлари - пойконлар топилган.

Айни вақтда мунчоқлар, урчуқ, тақинчоқлар, ҳатто шахмат-шашка доналарига ўхшаш буюмлар ҳам топилган. Жойтундаги уйлардан лойдан ишланиб, пиширилган одамлар ва ҳайвонларнинг ҳайкалчалари топилган. Маконда сопол идишларнинг парчалари кўп учрайди.

Жойтунликлар милоддан олдинги VI-V мингйилликларда яшаб, асосан деҳқончилик, чорвачилик, қисман эса овчилик билан шуғулланганлар. Уларда она уруғи ҳукм суриб, хўжаликда аёлларнинг мавқеи баланд бўлган. Жойтун -

Ўрта Осиёдаги илк деҳқончилик маданиятининг энг қадимги ва энг нодир ёдгорликларидан бири ҳисобланади<sup>5</sup>.

Қадими тепа Жойтун сингари неолит даврига мансубдир. Қадими тепа Ашхобод областининг Қаахқа районидаги Чаач қишлоғидан 7 км жанубда жойлашган. Бу ёдгорликда 100 м<sup>2</sup> жой очилган. Ундан ўчоқлари бўлган тўғри тўртбурчакли уй ва хўжалик аҳамиятига эга бўлган хоналар топилган. Уйларнинг деворлари пахсадан кўтарилган бўлиб, уларнинг поли оҳакланган, уларда қизил оҳра излари ҳам учрайди. Уларнинг поли ганч билан сувалган. Маданий қатламлардан ўроқ, ранда, ретушли паррак, ҳовонча ва унинг дастаси, бигиз, ёрма тош, одам ва ҳайвон ҳайкалчалари ва бошқа буюмлар топилган, Қадими тепа яқинидаги Чағилли тепадан ҳам донга ишлов берадиган ҳар хил тош қуроллар топилган.

Қадими тепанинг 3 хонасидан тош қуроллар билан бирга қўлда ясаб пиширилган сопол идишлар ва уларнинг парчалари топилган. Қадими тепадаги 2 хонадан ҳам сопол идишларнинг парчалари, учриндилар, нуклеуслар, тешгичлар, ўроқ, қирғич, бигиз, тош пичок, ҳовонча дастаси ва бошқа нарсалар топилган. Шунингдек Қадими тепадан яна лойдан, сополдан ишланган шахмат донасини эслатувчи буюм, суяк игна, оҳакли мрамардан тайёрланган тақинчоқлар ҳам топилган<sup>6</sup>.

Қадими тепадан косалар, тоғорачалар ҳам топилиб, унинг безаклари Жойтундан топилган идишлар беагага ўхшаб кетади.

Қадими тепадан топилган шахмат тошлари, сопол буюмлар, тош қуроллар ва бошқалар ўз характери жиҳатидан Жойтун, Чопонтепа, Памажтепа, Тўғолоқтепа, Шанидар Б-1 ва Яқин Шарқдаги бошқа жойлардан топилган буюмларга ўхшайди. Шу жиҳатдан Қадими тепа ёдгорлиги неолит даврига мансуб бўлиб, Жойтун маданиятининг ўрта босқичига тўғри келади.

---

<sup>5</sup>Массон В.М. Поселение Джейтун. - Л., 1971. – С. 324.

<sup>6</sup>Массон В.М. Основные направления культурно-исторического процесса // Становление производства в эпоху неолита и бронзы. М., Наука, 1981. - С. 31-48.



Уй-жой, топилган буюмларнинг хусусиятига қараб, қадими тепаликлар ўтроқ ҳаёт кечириб, илк деҳқончилик билан шуғулланганлар, чорва боққанлар деган хулосага келиш мумкин.

Шундай қилиб, Туркменистоннинг жанубидаги Жойтун, Қадими тепа, Тўғолоктепа каби ёдгорликлар Ўрта Осиёдаги энг қадимий илк деҳқончилик маданиятининг дастлабки марказларидан бири ҳисобланади ва меъморчиликнинг бошланиши шу ёдгорликлар мисолида ўрганилган.

I. 2. Неолит даврида кўчманчи маданиятларда меъморчиликнинг шаклланиши.

Жонбосқалъа уйлари. Жонбос-4 ёдгорлиги Оқчадарё ҳавзаси Жонбосқала ён тақрида жойлашган. 1939 йили С.П.Толстов томонидан очилиб, тадқиқ этилган. Ёдгорликдан қимматли археологик манбалар – турли тош буюмлар, ҳайвон, парранда, балиқ суяк қолдиқлари, сопол буюм парчалари ҳамда уй-жой қолдиқлари топилиб, аҳамияти жиҳатидан ҳозирги кунгача таянч ёдгорлик ҳисобланади. Жумладан, макондаги уй-жой қолдиғи 24x17 м ўлчамли, айлана шаклда умумий майдони 320 м<sup>2</sup> бўлган синчли, чўпқори уйники бўлиб, ўртасида катта ўчоқ, атрофидан тартибли равишда жойлашган бир неча майда ўчоқлар қолдиғи топилиб, бу уйда 100-125 киши, яъни она уруғ жамоаси яшаганлиги аниқланган.

Толстов ёдгорлиги Оқчадарё ҳавзаси Жонбосқала ён тақри жанубий қисмида (Жонбос-4 ёдгорлиги паст қисмида) жойлашган бўлиб, 1976 йилдан эътиборан А.В.Виноградов томонидан ўрганилган. Маданий қатлами яхши сақланган, ундан кўплаб турли тош буюмлар, ҳайвон, парранда, балиқ суяклари қолдиқлари (суяк қуроллар ҳам), сопол буюм парчалари, хуллас, 12000 дан ортиқ ашёлар топилган. Айниқса, учта уй-жой қолдиғи ҳамда хўжалик участкалари топилиши ёдгорлик моддий маданияти хусусиятини аниқлашда жуда муҳим бўлди. Турар жойлар тузилиши жиҳатидан Жонбос уйига ўхшаш, лекин булар тўғри бурчакли шаклда, умумий майдони 110-120 м<sup>2</sup> дир.

Лавлакан уйлари. Қизилқум ички худудлари. 1965-1972 йиллар

мобайнидакомплекс равишда Лавлакан, Қарақата, Бешбулоқ, Мингбулоқ чўкмаси ўрганилиб, мингдан ортиқ ибтидоий маконлар топилган<sup>7</sup>. А.В.Виноградов археологик манбаларни илмий таҳлил этиб, уларни учта хронологик босқичга ажратди: 1. Мезолит-илк неолит. Бу маконлардан унча катта бўлмаган, мезолит анъанавий услубларини мужассамлаштирган тош буюмлар коллекцияси топилган (мил. ав. VII мингйиллик); 2. (Неолит I). Илк неолит. Бу ёдгорликларда геометрик шаклдаги қуроллар нисбатан кўп эмас, Калтаминор типигадаги ўқ-ёй пайконлари умуман учратилмаган (мил. ав. VI-V мингйилликлар); 3. (Неолит II) Ўрта (ривожланган) ва неолитнинг сўнгги босқичлари – Калтаминор типигадаги ўқ-ёйлар жуда кўплаб учрайди (мил. ав. IV мингйиллик ва III мингйилликнинг 1-ярми). Бу минтақада маданий қатлами қисман сақланган Лавлакан-26 маконининг топилиши муҳим бўлди.

Лавлакан-26. Лавлакан ботиғида жойлашган бўлиб, 1965-1972 йиллар мобайнида А.В.Виноградов томонидан атрофлича ўрганилган. Маданий қатламдан археологик манбалар билан бирга уй-жой қолдиғи ҳам аниқланган. Бу синчли уй бўлиб, маданий қатлам қисман бузилганлиги туфайли унинг шакли ва ўлчамини тўла аниқлаш имкони бўлмаган.

Қуйи Зарафшон воҳаси уйлари. Мавжуд учта (шимолий, ўрта, жанубий) қадимий ўзанда топилган ибтидоий маконларнинг аксариятида маданий қатлам сақланмаган. Фақат Учаши-131 (Дарёсой), Дорбазақир-1, Дорбазақир-2 (Мохандарё-Хўжайли) каби маконларда маданий қатламнинг яхши сақланганлиги бу воҳа неолит даври моддий маданиятини ёритиш имконини берди.

Учаши-131. Қуйи Зарафшоннинг шимолий ўзани таркибий қисми бўлган Дарёсойнинг юқори оқимида жойлашган, 1968 йили А.В.Виноградов томонидан очилган. Макондан 13000 дан ортиқ тош буюм топилган. Ўрта Осиё бўйича энг қадимги (илк неолит) ҳисобланувчи жойтун сополига ўхшаш сопол буюм парчаларининг топилиши воҳа моддий маданиятини аниқлашда муҳим бўлди. Шунингдек, тадқиқот жараёнида ўз жиҳатларига кўра Толстов, Лавлакан-26,

---

<sup>7</sup>Виноградов. Древние охотники.Б. 172-177; Виноградов, Мамедов. Первобытный Лявлякан. Б. 225-228.Гулямов, Аскарлов, Исламов. Б. 160-170.Джуракулов, Мамедов. Геология. Б. 122-123.

Дорбазақир-1 уй-жойларига жуда ўхшаш 3 та уй-жой қолдиғи ўрганилган.

Дорбазақир-1. Жанубий (Мохандарё-Хўжайли) ўзанининг Катта Тузкон кўли шимоли-ғарбий соҳилида жойлашган. Я.Ғ.Ғуломов бошлиқ Моҳандарё отряди томонидан 1950 йилларда ўрганилган. Макон 3 маданий қатламли бўлиб, улардан 4670 дона тош буюм, 946 та сопол буюм парчаси, шунингдек, кўплаб ҳайвон, парранда, балиқ суяк қолдиқлари ҳамда тош ва чиганоқлардан ясалган тақинчоқлар топилган. 3-маданий қатламдан тўғри бурчакли шаклда, майдони 80 м<sup>2</sup> бўлган синчли, қалама уй-жой қолдиғи топилган<sup>2</sup>. Учала маданий қатлам ҳам бир даврга тааллуқли<sup>8</sup>.

Дорбазақир-2. Бу макон ҳам Дорбазақир-1 маконига яқин жойлашган бир маданий қатламли ёдгорлик бўлиб, маконда 208 м<sup>2</sup>майдон тадқиқ этилиб, 584 дона тош буюм, 335 дона сопол буюм парчалари топилган. Бу ашёвий далиллар воҳа неолит даври моддий маданиятини ўрганишда муҳим манбадир.

Чорбақти воҳаси уйлари (ёдгорликлари). Чорбақти воҳаси Дарёсой ва Моҳандарё оралиғида жойлашган Зарафшон қадимий ўзани бўлиб, 1978 йилги комплекс тадқиқотлар асосида аниқланган (Чорбақти-15А, 29, 33А, 35, 45, 47, 51, 55 ва бошқ.). 1984 йили 60 дан ортиқ мезолит-неолит даври маконлари топилиб, тадқиқ этилган. Ёдгорликларнинг асосий қисми неолит даврига мансуб бўлиб, маданий қатламлари сақланмаган, жойланиши эса майда кўллар (чўкмалар) қирғоқлари билан боғлиқ экан. Бу маконлар ўз моддий маданиятлари билан Қалтаминор жамоаларига тааллуқли эканлиги тадқиқотлардан маълум бўлган.

Оёқагитма макони. Қуйи Зарафшон қадимги шимолий ўзани таркибий қисми ҳисобланувчи Оёқагитма ҳавзаси шарқий қисмида жойлашган бўлиб, 1995 йили Ўзбек-Польша халқаро қўшма экспедицияси томонидан очилган. Макон учта маданий қатламдан иборат. Улардан беш мингдан ортиқ ашёвий далиллар, шунингдек, ўчоқ қолдиқлари топилган. Бу ёдгорлик ҳам ўз моддий маданияти жиҳатидан Қалтаминор жамоалари маданиятига мансуб<sup>9</sup>. Шунингдек, Қизилқум худудида қимматбаҳо тошлар (феруза)дан тақинчоқлар ясалган устахоналар

<sup>8</sup>Гулямов Я, Аскарлов А, Исламов У. История первобытного Зарафшана. Ташкент, 1964.

<sup>9</sup>Хужаназаров М, Шимчак В. Аягкетма новый памятник эпохи первобытного общества. Самарканд, 2003

борлиги ҳам тадқиқотлар жараёнида аниқланган. Хуллас, археологик тадқиқотлар асосида Қуйи Зарафшон воҳаси неолит ёдгорликларини хронологик жиҳатдан қуйидаги уч босқичга бўлиш мумкин: 1. Илк босқич:Учаши-131 ҳамда Дарёсой ва Фарбий Оёқгитма атрофидаги бир қатор ёдгорликлари (мил. ав. VII-VI-V мингйилликнинг 1-ярми); 2. Ўрта босқич:Дорбазақир 1,2; Мохандарё ҳамда Чорбақти воҳаси ёдгорликлари (мил. ав. V мингйиллик охири-IV мингйиллик); 3. Сўнгги босқич:Шарқий Оёқгитма ҳамда Мохандарё атрофидаги бир қатор ёдгорликлар (мил. ав. IV мингйиллик охири - III мингйиллик).

А.В.Виноградов Калтаминор ёдгорликлари моддий маданиятини атрофлича ўрганиб, бу маданиятни хронологик жиҳатдан қуйидаги 3 та тараққиёт босқичига бўлди: 1. Дарёсой босқичи – илк неолит (Учаши-131, 29, 84, 85, 159, Хўжагумбаз-5, Оёқгитма 322, Қарақата 23): мил. ав. VII аср охири-V минг йиллик ўрталари; 2. Жонбос босқичи – ривожланган неолит (Жонбос-4, Толстов макони, Лавлакан-26, Дорбазақир-1,2, Оёқгитма ёдгорликлари): мил. ав. V мингйиллик охири-IV мингйиллик ўрталари; 3. Сўнгги неолит босқичи: (Шарқий Оёқгитма, Мохандарё ёдгорликлари):мил. ав. IV мингйиллик охири-3 мингйиллик.

Юқорида зикр этилган тадқиқотлар асосида топилган археологик ашёвий далиллар Калтаминор жамоалари моддий маданиятининг асосий хусусиятларини белгилайди. Хусусан, Калтаминор тарихий-маданий жамоалари тош индустрияси аслида парақали индустриядир. Парақали қисмида геометрик шаклдаги (трапеция, параллелограмма, учбурчак, сегмент) қуроллар салмоғи ҳам сезиларли тақдим этилган. Шунингдек, қадама қуроллар, қирғичлар, тешгичлар, санчқилар, ўқ-ёй пайконлари, суяк қуроллар ҳам моддий маданиятни белгилашда муҳим омиллардандир. Калтаминорликлар сопол буюмлари масаласига келганимизда(барча сопол буюмлар қўлда ясалган ва бунда маҳаллий тупроқлардан фойдаланилган), юқорида Учаши-131 сополлари жойтунликлар сополлари билан бир қаторда, Ўрта Осиё миқёсида энг дастлабки сополлар бўлганлиги борасида сўз борган эди. Калтаминорликларнинг кейинги тараққиёт босқичлари сопол буюмлари жойтунликлар сополидан фарқли ўлароқ нақшлар чизилмасдан, балки кесма ёки муҳр уришдек услубда ҳар хил геометрик шаклда

амалга оширилган. Бу нақшлар сопол пиширилгунга қадар юмшоқ лойга ботириб туширилган. Идишларнинг таг қисми тухумсимон ёки ясси шаклда бўлган.

Калтаминор маданияти тадқиқотлари жараёнида неолит даври жамоалари уй-жойлари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар олинган (Жонбос-4, Толстов, Учаши-131, Дорбазақир-1ва 2, Лавлакан-26). Уларнинг турар жойлари ер юзида чайла ҳолатида, тўғри бурчакли ёки суйри шаклда синчли, чўпқори асосда қурилган. Турар жойлар устига қалин тўр тарзида ходалар ташланиб, қамиш ёки хайвон терилари билан ёпилган. Бу уйлар она уруғи жамоалари умум уйлари дидир. Одатда, ён деворлар бўйлаб бир тартибда қатор кичик ўчоқлар бўлган, бу ўз даврига хос жуфт оилалар ўчоқлари ҳисобланган. Ўчоқлар асосан чайлаларнинг ичида эмас, ташқарисида бўлган. Сополдан ясалган аёллар ҳайкалчалари топилиши ҳам ўз даврига хос диний топинишларни билдиради. Бу маълумотларнинг барчаси Калтаминор жамоалари уруғчилик тузуми ижтимоий хусусиятларини, шунингдек, маънавий дунёсини билиб олишимизда муҳимдир. Хусусан, Калтаминор жамоаларининг дафн маросимлари билан боғлиқ бўлган қабрлар топиб ўрганилиши жуда қизиқарлидир (Тумек, Кичикжик, Толстов ва Каскажал (жануби-ғарбий Устюрт) каби ёдгорликлар)<sup>10</sup>.

Тадқиқотлар кўрсатишича, қабрга жасадлар елкаси билан узаласига ётқизилган ҳолда, бош қисми эса шимоли-шарқий йўналиш бўйича қўйилиб, турли чиғаноқлар ва суякдан ясалган безаклар билан безаб тикилган кийимларда дафн этилган. Қабрлардаги жасад атрофи тупроқларида ангоб (оҳра) қолдиқлари учрайди. Қабрлар бир кишини дафн этишга мўлжалланган. Бир кишилиқ мезолит-неолит қабрлари Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларида, жумладан, Устюрт, Шарқий Каспийбўйи, Жануби-ғарбий Туркменистон, Тожикистон ҳудудларида ҳам ўрганилган<sup>11</sup>. Шубҳасиз, бу маълумотлар неолит жамоалари маънавий маданиятини ифодалайди.

Калтаминор жамоалари тирикчилик асослари ўзлаштирма хўжалиқ, яъни термачилиқ, овчилик, балиқчиликдан иборат бўлган.

<sup>10</sup>Виноградов, Итина, Яблонский. Новые памятники Калтаминорского общества. М., 2000. Б. 7-78

<sup>11</sup>Виноградов, Итина, Яблонский. ....Б. 7-78.

Калтаминор тарихий-маданий жамоалари қўшни минтақалардаги ўзига тенгдош маданиятли жамоалар билан яқиндан ўзаро маданий алоқадорликда бўлганликлари тадқиқотлар жараёнида аниқланган. Бу алоқадорликлар уларнинг моддий маданияти, хусусан, меҳнат қуроллари, сопол буюмлари, турар жойлари, дафн маросимлари, хўжалик асослари, ижтимоий тузуми каби жиҳатларда намоён бўлади. Жумладан, С.П.Толстов ва А.В.Виноградов ўз тадқиқотларида микролит қуролларга ишлов бериш услублари, сопол буюм шакл ва нақшлари (геометрик, тўлқинсимон)ни асос қилиб олган ҳолда, қўшни Шарқий Каспийбўйи (Жабал, Дам-дам-чашма 1,2, Қайлу), Жанубий Туркменистон Копеттоғ этаги Жойтун маданияти, шунингдек, Олд Осиё, Эрон, Ироқ (Мерчарх, Зарзи, Жармо) ҳудудлари жамоалари билан маданий алоқада бўлганликларини келтирганлар<sup>12</sup>.

Сўнгги тадқиқотлар асосида Ўрта Зарафшон воҳаси Сазагон неолит маданияти ва Жануби-ғарбий Қизилқум Калтаминор жамоалари маданиятининг ўзаро маданий алоқалари борасида ҳам қимматли маълумотлар тўпланган<sup>13</sup>. Калтаминор маданиятининг келиб чиқиши масаласига тўхталганимизда, даставвал Жойтун, Калтаминор ва Жабал туридаги Каспийбўйи неолити маданиятлари илдизи ягона бўлиб, бу жараёнда Яқин Шарқ жамоалари муҳим роль ўйнаганлиги ҳақидаги илмий фикрга дуч келамиз<sup>14</sup>. Тўғри, А.В.Виноградов Каспийбўйи мезолитининг Калтаминор маданияти шаклланишидаги ўрнини инкор этмаган ҳолда, бу етарли манба бўла олмаслигини таъкидлаган. Фикримизча, Калтаминор маданияти шаклланишида Яқин Шарқ маданиятларининг сезиларли таъсири бор, лекин Шарқий Каспийбўйи сўнгги палеолит, мезолит ёдгорликлари, қолаверса, сўнгги тадқиқотлар асосида Зарафшон воҳасида, хусусан, Қизилқумда топилган қатор палеолит ва мезолит ёдгорликлари сингари маҳаллий маданият илдизларини ҳам унутмаслик лозим<sup>15</sup>.

Сазагон маданияти (Ўрта Зарафшон) уйлари.Ўрта Зарафшон воҳаси Қоратепа тоғ массиви шимолий ёнбағирларига тарқалган неолит жамоалари

---

<sup>12</sup>Толстов. По следам древнего Хорезма. М., 1954.

<sup>13</sup>Джуракулов М, Холматов З. Мезолит Зарафшанского оазиса. Самарканд, 1994.

<sup>14</sup>Массон В.М. Поселение Джейтун; Виноградов. Древние охотники Нижнего Амударьи .Б. 161.

<sup>15</sup>Хужаназаров М, Сайфуллаев Б. Аяггагетма: находки, каменные индустрии. Самарканд, 2005.

маданияти ҳисобланади. Ўрта Зарафшон воҳаси неолит даври ёдгорликларини ўрганиш тарихи икки босқичга бўлинади. 1. Бу босқичга 1930-1940 йилларда қўлга киритилган топилмалар, хусусан, Б.Н.Костальскийнинг Самарқанд яқинидаги Дарғом канали атрофидан топган тош буюмлар коллекцияси, шунингдек, 1950-йилларда геолог Г. Полишчук томонидан Тим қишлоғи атрофи, Қудуқчайсой ён бағирларидан топилган микролит қуроллари киради. Гарчи бу топилмалар тасодифий характерда бўлса-да, Ўрта Зарафшон воҳаси неолит даври моддий маданиятини ўрганишда муҳим омил бўлиб, айниқса, Қоратепа тоғ массиви шимолий ён бағрида кенг қўламли археологик тадқиқотлар ўтказилишига туртки бўлди. 2. 1960-йиллар 2-ярмидан то ҳозирги кунга қадар Самарқанд Давлат университети археологик экспедицияси (дастлаб 1966-1968 йиллари Д.Н.Лев раҳбарлигида; 1969 йилдан буён ҳозирги кунгача мунтазам равишда М.Жўрақулов раҳбарлигида) ўз тараққиётини Қоратепа тоғ массиви шимолий ён бағрида амалга ошириб келмоқда.

Шу кунгача олиб борилган тадқиқотлар туфайли 30 дан ортиқ неолит ёдгорликлари аниқланиб, Сазағон-1,2, Жангал-1, Тепақул-3,4,5 каби маконларда бевосита археологик қазилар ишлари бажарилган. Натижада, бу минтақада ўрганилган кўп сонли маконларнинг умумий хусусиятлари аниқланиб, Сазағон маданияти номи билан фанга киритилди<sup>16</sup>. Айни кунларда ҳам Сазағон маданияти мажмуасига мансуб ёдгорликларда археологик тадқиқотлар давом эттирилмоқда. Воҳа неолит даври моддий маданиятини ўрганишда ЎзР Фанлар академияси Археология институти ходимлари томонидан 1986 йили Оҳалик, 1989 йили Замичатош (Севасой) неолит ёдгорликлари ўрганилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Замичатош ёдгорлиги. Самарқанд шаҳридан жануб томон 40 км масофада Севасой ён қайири Катта харсангтош ўнгирида жойлашган (Самарқанд-Китоб автомагистрал йўлидан 4 км). Харсангтош жанубий қисми ҳисобланувчи бу ўнгирич томонига 4 м, кенглиги эса 10 м ҳажмга эга. Макон 1989 йили ЎзР ФА Археология институти палеолит отряди ходимлари томонидан очилган. Маконда

---

<sup>16</sup>Джуракулов, Холматов. МезолитЗарафшанского оазиса. Самарқанд, 1994..

хаммаси бўлиб 30 м<sup>2</sup> майдон сатҳи ўрганилиб, 2 та маданий қатлам (40-60 см қалинликда бўлган) аниқланиб, 1-маданий қатламдан ўчоқ қолдиғи, 40 донадан ортиқ (чақмоқтош, халседон, кварцит каби материаллардан тайёрланган) тош буюмлар, кўплаб ҳайвон суяғи қолдиғи топилган. 2-маданий қатламдан нисбатан камроқ – 21 дона тош буюм топилган бўлса-да, лекин суякдан ясалган бир нечта қурол учратилгани аҳамиятлидир. Макон ўз тош индустриясининг микролитли хусусияти билан Сазағон маданиятига тааллуқли ҳисобланади.

Оҳалик (Оғалик) ёдгорлиги. Самарқанд шаҳридан жануб томон 18 км масофада Қоратепа тоғ массиви шимолий ён бағри Оҳаликсойнинг ўнг ён қайирида жойлашган. Маҳаллий аҳоли “подшо тоши” деб атайдиган харсангтош ўнгирида жойлашган. Макон 1986 йили ЎзР ФА Археология институти палеолит отряди ходимлари томонидан очилган. Ҳаммаси бўлиб 18 м<sup>2</sup> майдон сатҳи ўрганилиб, 2 та маданий қатлам аниқланди. Маданий қатламлар оралиғи 50-60 см бўлиб, 2-маданий қатламдан ўчоқ қолдиғи топилган. Иккала қатламдан ҳам топилган археологик ашёвий далиллар – тош буюмлар (486 дона), сопол буюм парчалари, суякдан ясалган қуроллар ўз типологияси бўйича Сазағон неолит жамоалари моддий маданиятига хосдир. Бу иккала ёдгорлик ҳам ўз моддий маданияти жиҳатидан Сазағон маданиятига мансубдир.

Сазағон-1 ёдгорлиги. Самарқанд шаҳридан 27 км жанубдаги Сазағон қишлоғи юқори қисми, Сазағонсой ён қайирида жойлашган (Самарқанд вилояти, Нуробод тумани). Маконни 1967-1968 йилларда Д.Н.Лев ўрганган. 1969 йилдан эътиборан бу ердаги тадқиқотларни М.Ж.Жўрақулов давом эттирган. Тадқиқот жараёнида ёдгорликлар маданий қатлами қисман бузилганлиги аниқланган. Ҳаммаси бўлиб 2,5 мингдан ортиқ археологик ашёвий далиллар тўпланган. Макон тош индустрияси ўзининг бир қатор хусусияти билан Ўрта Осиё тоғ мезолит-неолит маданиятлари жумласига кириши, тош қуролларнинг ясалиш услубларида Самарқанд сўнгги палеолит макони анъаналари сақланиб қолганлиги ҳам тадқиқотлардан маълум бўлди.

Сазағон-2 макони. Сазағон-1 ёдгорлигидан сой бўйлаб 2,5 км юқорида қайир сатҳида жойлашган бўлиб, 1966 йили Самарқанд Давлат университети



археологик экспедицияси томонидан очилган. М.Жўракулов 1971, 1976-1982 йиллар мобайнида макон маданий қатламини ўрганган. Ҳаммаси бўлиб 764 м<sup>2</sup> маданий қатлам ўрганилиб, ундан 5 мингдан ортиқ тош буюмлар коллекцияси, қисман сопол буюм парчалари, ҳайвон суяги қолдиқлари, тақинчоқлар топилган. Шунингдек, ибтидоий одам қолдиғи ҳамда уй-жой қолдиғи ўрганилди.

Жангал-1. Эгрикулча қишлоғидан сой бўйлаб 2,5 км юқоридаги ён қайирда (Сазағон-1,2 ёдгорликларидан 3 км шимоли-шарқ томонда) жойлашган, 1986 йили СамДУ археологик экспедицияси томонидан очилган. 1986-1989 йиллар мобайнида М.Жўракулов ва Н.Холматовлар томонидан тадқиқ этилиб, бу ерда 200 м<sup>2</sup> маданий қатлам ўрганилган, 5 мингга яқин турли археологик манба тўпланган. Шунингдек, яхши сақланган нақшли сопол буюм парчалари топилгани, уй-жой қолдиғи аниқлангани ҳам муҳим бўлди. Макон тош индустрияси ўз хусусиятларига кўра Сазағон маданиятига тааллуқли эканлиги аниқланди<sup>17</sup>.

Тепакул-3 макони. Тепакул қишлоғидан сой бўйлаб 2,5 км юқорида Тепакулсой ён қайирида жойлашган, 1989 йили СамДУ археологик отряди (раҳбар М.Жўракулов) томонидан очилган. 1989-1996 йиллар мобайнида 400 м<sup>2</sup> майдонда маданий қатлам ўрганилиб, беш мингдан ортиқ археологик манбалар тўпланган, улар орасида тош буюмлар, ҳайвон суяги қолдиқлари, сопол буюм парчалари бор.

Тепакул-4 макони. Тепакул-3 маконидан сой бўйлаб 250-300 метр юқоридаги кўшни қайирда жойлашган, 1995 йили СамДУ археологик экспедицияси илмий ходимлари томонидан М.Жўракулов раҳбарлигида ўтказилган археологик қидирув жараёнида аниқланган. 1996-2000 йиллар мобайнида 200 м<sup>2</sup> дан ортиқ маданий қатлам ўрганилиб, тўрт мингдан ортиқ археологик ашёвий буюмлар топилди. Макон тош индустрияси ўз хусусиятлари билан Сазағон маданиятига мансубдир<sup>18</sup>.

Сазағон маданиятига мансуб ёдгорликларнинг барчаси Қоратепа тоғ массивидан Зарафшон водийси томон оқиб тушувчи сой ён қайирларида жойлашган. Асрлар давомида олиб борилган хўжалик ишлари сабабли, маконлар

---

<sup>17</sup>Джуракулов, Холматов. Жангал.

<sup>18</sup>Жўракулов, Холматов. Тепакул.

маданий қатламлари қисман бузилган. Сазағон тош индустрияси асосини учирма-парақали индустрия ташкил этади. Сазағон жамоалари парақадан қурол ясаш услубларини яхши ўзлаштирган бўлсалар-да, бироқ меҳнат қуролларининг асосий қисмини тош синиқларидан ясаганлар. Индустриянинг парақали қисмида эса микропарақалар салмоғи катта (68%). Бу жараён, ўз навбатида, моддий маданият хусусиятини белгилашда муҳим омил ҳисобланади. Парақа қуроллари ўз шакли ва ишлов берилиш услублари жиҳатидан Калтаминор жамоалари (қуёи Зарафшон) қуролларига жуда ўхшаш, лекин Сазағон маданиятида геометрик шаклдаги қуроллар деярли йўқ ҳисоби, парақадан ясалган ўқ-ёй пайконлари эса учратилмаган.

Тош қуролларнинг яна бир хусусияти шундан иборатки, уларда сўнгги палеолит, мезолитга хос анъанавий услублар сақланиб қолган. Бу хусусият понасимон қуроллар, йирик ҳажмли учбурчасимон пайконлар, архаик кўринишли энли парақалар, тик баланд иш қиррасига эга бўлган қирғич қуролларда намоён бўлган. Асосий қуроллар – қадама ва рандасимон қуроллар, икки тарафлама ишлов берилган камон учлари, қирғичлар, тешгичлар, силлиқланган болталар, шунингдек, йирик ҳажмли плиткасимон қирғичлар бўлиб, қайроқтош қуроллари (чоппинг, чоппер) ҳам учрайди. Суяк қуроллардан игна, жуволдиз кабилар қизиқарлидир. Учратилган сопол буюм парчалари асосида улар ўз ясалиш услублари, шакли ва нақшлари бўйича Калтаминор жамоалари сополига ўхшашлигини айтиш мумкин. Чиганоқлардан, тошдан ясалган турли тақинчоқларнинг топилиши ҳам қизиқарлидир.

Сазағон-2, Жангал-1 маконларидан суйри, айлана шаклида уй-жой қолдиқлари топилган. Сазағон-2 макони тадқиқоти жараёнида тўпланган антропологик маълумотлар ҳисор, жойтун жамоалари хусусиятларига бирмунча яқин.

Сазағон маданияти ўзида, бир томондан, Ўрта Осиё пасттекислик минтақаси (Калтаминор жамоалари), иккинчи томондан, Ўрта Осиё тоғ минтақаси (классик Ҳисор маданияти) неолит жамоалари моддий маданияти хусусиятларини мужассамлантиргани ҳолда, ўзига хос маданият хусусиятларига эга бўлган оралик,

мустақил янги неолит даври маданиятидир. Сазағон маданияти тош индустрияси парақали қисми, сопол буюмлари билан Калтаминор жамоалари, тоғ маданиятига хос бўлган понасимон қуроллар, баланд, тик ишчи майдониға эға бўлган қирғичлар, тутковул типидаги тешгич қуроллар, олд томониға ёнлама ишлов берилган ўзақлар, қайроқтош қуроллари (чоппинг-чоппер) мавжудлиги билан классик тоғ неолити (Хисор) жамоалари маданиятиға яқин. Марказий Фарғона неолит маданиятиға ўхшашлик уларнинг тош индустрияси парақали қисмида микропарақалар салмоғи кўплиги (68%; 80-90%) ҳамда тоғ неолитиға хос қуролларнинг учраши билан изоҳланади. Бу хусусият асл маънода Сазағон ва Марказий Фарғона маданиятлари Ўрта Осиё тоғ неолити маданиятлари сафиға киришини белгилаш билан бирға, улар жумласида алоҳида мустақил маданиятлар эканлигини қайд этиш имконини ҳам беради. Сазағон маданиятининг хронологик чегараси мил.ав. VIII-VII-III мингйилликлар билан белгиланади.

Сазағон маданиятининг келиб чиқиш илдизи маҳаллий характерға эғалиги, яъни Самарқанд сўнгги палеолит макони моддий маданияти асосида шаклланганини қайд этиш лозим. СамДУ археологик экспедицияси 2000 йили Ўрта Зарафшон воҳаси Қоратепа тоғ массиви шимолий ёнбағирлари – Сазағонсойнинг (Сазағон қишлоғи марказида) ўнг қирғоғидаги Олмабулоқ чашмаси ён қайиридан палеолит давриға мансуб ёдгорликни топиб ўрганиши бу масалани ойдинлаштиришда яна бир муҳим манба бўлди.

Сазағон маданияти жамоаси хўжалик асосларига тўхталсак, ҳамон уларнинг турмушида ўзлаштирма хўжалик асосий роль ўйнаганини кўрамиз, бироқ топилган баъзи манбалар (Сазағон-2, Тепакул-3) дастлабки ишлаб чиқариш хўжаликлари бўлган чорвачилик ва деҳқончиликнинг кашф қилинганлигини кўрсатмоқда. Хусусан, топилган кўп сонли ёрғучоқлар, қадим тош қуроллар, кели сингари меҳнат қуроллари бундан далолат беради. Сўнгги йилларда йиғилган археологик манбалар Саразм энеолит ва бронза даври маданиятининг келиб чиқиш илдизларини Сазағон маданияти билан боғлашға асос бўлиши мумкин.

Устюртнинг неолит даври уйлари– Устюрт ясси тоғлиги жануби-шарқий қисмидаги ибтидоий давр маданият излари нисбатан яхши ўрганилган. Бу

тўғридаги дастлабки маълумотлар XX аср бошида М.В. Баярунас тадқиқотлари жараёнида қўлга киритилган археологик манбалар ҳисобланади. Кейинги тадқиқот ишлари Е.Бижанов, А.В.Виноградов, В.Шолоховлар томонидан ўтган асрнинг 50-60-йилларида бажарилган бўлиб, бунда мезолит-неолит даври моддий маданиятига оид қимматли манбалар қўлга киритилган ва давр хусусиятлари атрофлича тадқиқ этилган<sup>19</sup>.

Ибтидоий маконларнинг асосий қисми йирик ҳавзасимон чўкмалар ҳамда ўзансимон воҳалар ён қирғоқлари бўйлаб жойлашган. Хусусан, Чурук, Айдабал, Оқтайлоқ, Истай каби йирик чўкмалар атрофида узоқ муддатли ҳамда вақтинча фойдаланилган маконлар топилган. Маконларнинг деярли ҳеч бирида маданий қатлам сақланмаган.

Устюрт неолит маконлари тош буюмлари парақали, микролитли (геометрик шаклдаги) индустриядир. Лекин илк неолит ёдгорликлари моддий маданиятида тош учириндиларидан ясалган қуроллар салмоғи кўпроқ. Е.Баженов бу археологик манбаларни таҳлил этиб, уч тараққиёт босқичини ажратади: 1. Мезолит сўнгги босқичлари ва илк неолит даврига мансуб ёдгорликлар Оқтайлоқ-1, Чурук-2,7, Сулама ва бошқалар бўлиб, мил. ав. VI-V мингйилликлар биринчи ярмига оиддир. 2. Ривожланган неолит даври ёдгорликлари Оқтайлоқ-4,5, Қўшхотин, Дахли, Сумбетимер ва бошқалар (мил. ав. V-IV мингйилликлар бошлари). 3. Неолит сўнгги босқичлари маконлари Чурук гуруҳи, Сам-1,4, Қўшбулоқ, Каскажал, Оқтумшук ва бошқалар бўлиб, мил. ав. IV мингйиллик -III мингйиллик бошларига тааллуқлидир. Сопол буюмларга горизонтал ўйма нақшлар солинган. Кўплаб чиғаноқлардан ясалган тақинчоқлар топилгани ҳам муҳимдир.

Тадқиқотлар кўрсатишича, Устюрт неолит жамоалари қўшни Шарқий Каспийбўйи, Жойтун, жануби-ғарбий Қизилқум жамоалари билан яқиндан ўзаро маданий алоқада бўлишган. Шунингдек, Устюрт неолит жамоалари ўз жойлашиш минтақаларидан келиб чиқиб, бир томондан, Жанубий Урал, Ғарбий Қозоғистон худудлари, иккинчи томондан эса, Оролбўйи, Қизилқум ва Шарқий Каспийбўйи

---

<sup>19</sup>Баженов. Неолитические памятники. Б. 18-79.

худудлари ўртасида боғловчи бўғин ролини ўйнаганлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас. Албатта, маълум маънода Устюрт неолит жамоалари моддий маданияти шаклланишида бу ҳолатнинг ҳам таъсири бўлган. Устюрт неолит жамоалари моддий маданиятлари илдизи маҳаллий мезолит жамоалари (Шарқий Каспийбўйи мезолит ёдгорликлари) маданиятлари бағридан ўсиб чиққанлиги эътироф қилинмоқда. Уларнинг хўжалик асослари, машғулотлари эса овчилик, термачилик, яъни ўзлаштирма хўжаликдан иборат бўлган<sup>20</sup>.

Марказий Фарғонанинг неолит даври уйлари. Номланишидан кўриниб турганидек, бу Фарғона водийсида кенг тарқалган маданият ҳисобланади. Мезолит сўнгги босқичлари ва неолитда воҳанинг пасттекислик минтақалари ибтидоий жамоалар томонидан жадаллик билан ўзлаштирилган. Бу Ўрта Осиёнинг бошқа пасттекислик минтақалари каби инсон яшаши учун қулай иқлимий шароит юзага келиши билан боғлиқдир. Воҳа табиий-ландшафт нуқтаи назаридан тоғ, тоғ ён бағирлари ва пасттекисликларга бўлинганки, бу хусусиятнинг ўзи ибтидоий жамоалар моддий маданиятлари шаклланишида муҳим роль ўйнаган. Хусусан, неолит жамоалари кўпинча пасттекислик минтақалари кичик сув ҳавзалари (ҳозирги кунда чўкинди ҳолатида – Узункўл, Шарқўл, Ашиққўл ва ҳ.к.) атрофларида яшаганлар. Марказий Фарғона тош даври моддий маданияти тўғрисидаги дастлабки маълумотлар ўтган асрнинг 50-йиллари ўрталарига тўғри келади. 1963-1964 йилларда Ю.А.Заднепровский томонидан воҳада 21 та ибтидоий давр макони аниқланган. Воҳа неолит жамоалари моддий маданияти тадқиқоти асосан XX асрнинг 60-70 йилларида Ў.Исламов, В.И.Тимофеевлар томонидан амалга оширилган. Ҳозирги кунда Фарғона воҳаси бўйича 120 дан ортиқ неолит ёдгорликлари маълум. Бу ёдгорликлар мажмуаси, моддий маданияти хусусиятларига кўра, Марказий Фарғона маданияти сифатида фанга киритилган<sup>21</sup>.

Марказий Фарғона маданияти ёдгорликлари воҳанинг турли жойлари: жанубий (Замбар, Тайпак гуруҳи, Сигирчилик, Янгисув-1,2); Марказий (Янгикадам гуруҳи, Доразкўл, Хонобод-1-3), Шимолий (Мадяр гуруҳи), Шимоли-шарқий

---

<sup>20</sup>Баженов. Неолитические памятники.

<sup>21</sup>Исламов, Тимофеев.

(Сариксув, Мингбулоқ), Шимоли-ғарбий (Бувайда)дан топиб ўрганилган. Бу ёдгорликларнинг характерли хусусияти шундаки, уларнинг барчаси унча катта бўлмаган маконлар ҳисобланиб, маданий қатлами умуман сақланмаган. Тадқиқотлар бу маконлар овчиларнинг қисқа муддатли манзилгоҳлари бўлганлигини кўрсатди.

Марказий Фарғона маданияти тош индустрияси парақали, микропарақали индустриядир. Маданият илк даври маконларида тош қуроллар кўпчилиги тош учириндиларидан ясалган бўлса, кейинги босқичларда аксарият қуроллар парақалардан ясалган, 80-90% ни микропарақалар ташкил этади. Бу хусусият Ўрта Осиё миқёсида биронта мезолит, неолит маданиятида учратилмайди. Тош учириндиларидан ясалган қирғич, тешгич, кескич сингари қуроллар асосий ускуналар ҳисобланади. Шунингдек, бу ёдгорликларнинг тош индустриясида тоғ неолити маданиятига хос элементлар – ён томон олд қисмига ишлов берилган ўзаклар, понасимон қуроллар, тўмтоқланган ён қиррага эга бўлган ўткир учли қуроллар, оз сонли бўлса-да, қайроқтош қуроллар мавжудлиги моддий маданият хусусиятини белгилашда жуда аҳамиятлидир. Геометрик шаклдаги микролитлар деярли учрамайди. Марказий Фарғона маданияти маконларида сопол буюм парчалари учратилмаган, лекин кўп миқдорда турли хил тақинчоқлар топилган. Тақинчоқлар кичик, юпқа қайроқтошлардан ясалган бўлиб, уч қисмида тешикчаси бор. Бу тақинчоқлар Сазағон ҳамда Қуйи Зарафшон воҳаси Калтаминор жамоалари тақинчоқларига ўхшаш.

Марказий Фарғона неолит жамоалари ҳали ишлаб чиқаришнинг хўжалик асосларига ўтишмаган, уларнинг асосий машғулотлари термачилик, овчилик, яъни ўзлаштирма хўжалик бўлган. Бу жамоалар қўшни минтақалар неолит жамоалари билан яқиндан ўзаро маданий алоқада бўлганликлари тадқиқотларда аниқланган. Жумладан, қўшни тоғ неолити Ҳисор жамоалари ҳамда Ўрта Зарафшон воҳаси Сазағон жамоалари моддий маданияти яқинлиги қайд этилган. Хусусан, Марказий Фарғона маданияти билан тош индустриялари юқорида зикр этилган тоғ неолити хусусиятларини мужассамлаштирганлиги ҳамда тош индустрия парақали қисми

микрорақалари салмоғи нисбати билан бир-бирларига яқин. Шу сабабли ҳам, Сазағон маданияти асосий тадқиқотчилари бу икки маданиятни Ўрта Осиё тоғ неолити маданиятлари жумласида ўзига хос мустақил маданиятлар эканлигини алоҳида таъкидлаганлар. Бу икки маданиятни яна бир хусусият бир-бирига яқинлаштирадигани, бу уларнинг тарқалиш чегараси тоғ ёнбағирларида бўлганлиги ва оралиқ ҳолатни эгаллаб, ўзларида, бир томондан, Ўрта Осиё тоғ минтақаси, иккинчи томондан, Ўрта Осиё пасттектислик минтақаси маданиятлари элементларини мужассамлаштиргани билан ҳам белгиланади. Аниқроғи, бу икки минтақа маданиятлари ўзаро алоқадорликларини ўз моддий маданиятларида намоён этадилар.

Марказий Фарғона маданияти маҳаллий Обишир мезолит маданияти асосида шаклланганлигини қайд этиш лозим.

Хуллас, мазкур тадқиқотлар асосида неолит даври моддий маданиятининг асосий хусусиятлари, хронологик чегараси, ижтимоий тузуми элементлари, диний-ахлоқий тушунчалари, ўзаро маданий алоқадорликлари ва келиб чиқиш илдизлари, хўжалик асослари каби масалаларни ойдинлаштиришда муҳим манбалар қўлга киритилган. Даставвал бу давр ижтимоий тузумига тўхталамиз. Бу борада тадқиқотлар жараёнида ўрганилган уй-жойларнинг тузилиши, майдони сатҳи, улардаги ўчоқлар тартиб билан жойлашганлиги ва ҳолати тараққиётнинг уруғчилик босқичи ҳамда унинг замирида дастлабки жуфт оилалар кўринишлари пайдо бўла бошлагани тўғрисида фикр юритиш имконини беради. Шунингдек, аёлларнинг лойдан ясалган кичик ҳайкаллари кўплаб учраши уруғда она мавқеи устун бўлганлигини кўрсатади. Диний эътиқод, маросим тушунчалари борасида эса умум уруғ жамоа уйлари ўртасидаги сўнмас оловли катта ўчоқлар топилиши, қоятош расмлари мавжудлиги ҳамда қабр тадқиқотлари, яъни жасаднинг жойланиш ҳолати, атрофидан топилган ашёвий далиллар, қизил ранг (охра)лар қимматли маълумотлар беради.

Ибтидоий жамоаларнинг ўзаро маданий алоқадорликлари масаласи қадимги жамият тарихининг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб, доимо

тадқиқотчилар диққат марказида бўлган. Хусусан, неолит жамоалари моддий маданияти ўрганилиши жараёнида ҳам бу борада қимматли маълумотлар тўпланган. Неолит жамоалари ҳам чегараланган ҳолда яшамасдан, бир-бирлари билан яқиндан ўзаро маданий алоқадорликда бўлганлар, бир-бирларининг у ёки бу жиҳатларини ўзлаштирганлар. Бу ҳақда Ўрта Зарафшон воҳаси Сазағон маданияти тадқиқотлари жуда яхши маълумотлар берди. Хусусан, Сазағон жамоалари ўз моддий маданияти жиҳатлари (тош индустрияси парақали қисми, микропарақалар салмоғи билан ҳамда тоғ неолитига хос понасимон қуроллар, баланд, тик ишлов майдонига эга бўлган қирғичлар, ён олд кўринишига ишлов берилган ўзаклар, қайроқтош қуроллар ва ҳ.к.) билан Марказий Фарғона маданиятига жуда яқин. Ўз навбатида, моддий маданиятида, бир томондан, Ўрта Осиё тоғ минтақаси Ҳисор маданияти (қайроқтошли индустрия элементлари, понасимон қуроллар, тутқовул типигаги учкур иш майдонига эга бўлган қуроллар каби тоғ неолитига хос қуроллар), иккинчи томондан эса, Калтаминор жамоалари маданиятлари (тош индустрия парақали қисми, сопол буюмлар, тош қуроллари ясаладиган хом ашё, плиткасимон қирғичлар ва ҳ.к.) баъзи хусусиятларини мужассамлантирганликлари тадқиқотларда аниқланган. Калтаминор жамоаларининг Яқин Шарқ, Шарқий Каспийбўйи неолит жамоалари ҳамда Жойтун маданияти билан, Марказий Фарғона маданиятининг кўшни Ҳисор ёки Сазағон маданияти билан яқиндан маданий алоқада бўлганликлари тўғрисида ҳам ишонарли манбалар мавжуд.

Тадқиқотлар кўрсатишича, Калтаминор, Марказий Фарғона жамоалари хўжалик асосларини ўзлаштира хўжалик ташкил этган. Сазағон жамоаларида эса ўзлаштира хўжалик ҳукмрон мавқеда бўлган бўлса-да, юқорида зикр этилган далиллар асосида ишлаб чиқариш хўжалиги дастлабки кўринишлари пайдо бўла бошлаган, деб айта оламиз.

Ибтидоий жамият тарихининг энг долзарб муаммоларидан яна бири бу маданиятлар келиб чиқиши илдизлари масаласидир. Ватанимиз ҳудудида неолит жамоалари маданиятлари келиб чиқиши жараёни маълум бир



йўналишда бормасдан, балки кўп қиррали бўлиб, тўлалигича маҳаллий маданиятлар негизида шаклланган. Хусусан, Сазағон маданияти Самарқанд юқори палеолити макони бағридан, Марказий Фарғона маданияти – Обишир маданияти бағридан, Калтаминор маданияти эса Шарқий Каспийбуйи палеолит, мезолит маданиятлари, қолаверса, Қизилқумдан топилган янги палеолит, мезолит ёдгорликлари иштирокида келиб чиққан. Шунингдек, маданиятлар шаклланиши жараёнида қўшни минтақалар жамоалари баъзи элементларининг маданий алоқадорлилик нуктаи назаридан иштироки масаласини ҳам эътиборга олиш лозим (масалан, Яқин Шарқ ҳудуди жамоаларининг Шарқий Каспийбўйи, Жойтун, Калтаминор жамоаларига таъсири масаласи: геометрик шаклдаги микролитлар, сопол буюм хусусиятлари ва ҳ.к.).

Ватанимиз ҳудудининг неолит даври хронологик чегараси масаласига келсак, тадқиқотлар кўрсатишича, у мил. ав. VII-III мингйилликлар бошлари билан белгиланади. Неолит даври бошланғич чегараси, юқорида зикр этилганидек, ишонарли манбаларга эга. Бироқ давр сўнгги босқичлари моддий маданияти бўйича манбалар нисбатан кам. Марказий Фарғона неолити сўнгги босқичларига оид яхши маданий қатламли, стратиграфик маълумотларга эга бўлган ёдгорликлар ҳали ўрганилмаган. Ўрта Зарафшон воҳаси Сазағон маданияти сўнгги босқичлари (Жангал-1, Тепакул-3) моддий маданияти воҳанинг Саразм энеолит ва бронза маданияти шаклланишига асос бўлиши мумкин. Калтаминор маданияти сўнгги босқичлари борасида археологик манбалар кам, шу сабабли бу минтақаларни илк бронза маданиятлари билан бевосита генетик боғловчи бўғинни топиш, илмий асослашда қийинчиликлар мавжуд. Тўғри, бронза даври илк босқичлари моддий маданияти Сувёргон маданияти (қамишли босқичи)<sup>22</sup>, Қизилқум ички ҳудудлари бронза даври маконлари<sup>23</sup>, Қуйи Зарафшон воҳаси Замонбобо

---

<sup>22</sup>Виноградов. Древние охотники. Б. 172-177; Итина.

<sup>23</sup>Виноградов, Мамедов. Первобытный Лявлякан. Б. 225-228.

маданияти мисолида ўрганилган<sup>24</sup>. Бироқ Қамишли материаллари жуда оз сонли бўлиб, Ички Қизилқум бронза даври маконлари ишончли маданий қатламга эга эмас. Замонбобо маданияти хронологик чегараси эса сўнгги тадқиқотлар асосида анча кейинга сурилди (мил. ав. II мингйиллик охирлари).

Неолит сўнгги босқичлари жамоалари моддий маданияти бўйича манбаларнинг камчилиги масаласини тадқиқотчи олимлар мавжуд иқлим шароити ўрнига кескин қуруқ ва иссиқ иқлим муҳити (мил. ав. III мингйиллик охири-II мингйилликлар:Тубалак иссиқлиги) келганлиги билан шарҳлашмоқда<sup>25</sup>. Иқлим қуруқ бўлганлигидан намгарчилик камайиб, Зарафшон ўзанлари ўз сувини Амударёга етказиб бера олмай қолди, кўллар қуриди ёки ботқоқликка айланди, чанг-тўзон кўтарилиб, Қорақум, Қизилқум, Устюрт ҳудудларида ибтидоий жамоалар сони кескин камайди. Келгуси тадқиқотлар, шубҳасиз, ибтидоий жамоалар бу янги табиий иқлим шароитига мослашган ҳолда ўзига хос моддий маданиятлар яратганликларига асосланиб, неолит сўнгги босқичлари муаммоларини ойдинлаштиришга оид янги манбалар бериши мумкин.

---

<sup>24</sup>Гулямов, Аскарлов, Исламов. Б. 160-170.

<sup>25</sup>Джуракулов, Мамедов. Геология. Б. 122-123.

## II – БОБ. ЎРТА ОСИЁДА МУДОФАА ИНШООТЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ

### 2.1. Ўрта Осиё қадимги дунёсининг минтақавий ривожланиши ва фортификациясининг шаклланиши

Саразм ёдгорлиги. Бу маскан Тожикистон республикасига қарашли Саразм қишлоғида жойлашган. У Зарафшон дарёсининг Туркистон ва Зарафшон тоғ тизмалари оралиғидан чиқиб, кенг водийга юз тутган биринчи ва энг қадимги ўтроқ деҳқончилик маданиятига тегишли аҳоли пункти бўлган.

“Саразм” суғдшунос олим В.А.Лившицнинг фикрига кўра, “сари-замин» яъни ернинг бошланиши, аниқроғи Зарафшон водийси-ҳавзасининг бошланиши маъносини англатади<sup>26</sup>. Саразм маданияти номи билан фанга кирган бу ёдгорлик археологик материаллар комплексига кўра, Ўрта Осиёнинг жанубий минтақалари - Капеттоғ тоғ этакларида энеолит даврида таркиб топган Номозгоҳ маданияти қабилаларининг бу заминга кўчиб келган бир гуруҳ уруғ жамоаларига тегишли эди<sup>27</sup>.

Саразм қишлоқ маконида олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, қадимги Саразм милоддан аввалги IV-III ва II минг йилликнинг ўрталаригача Ўрта Осиёнинг йирик металлургия марказларидан бири бўлиб келган.

Қадимги Саразмни археологик тадқиқот ишлари билан шуғулланган А. Исоқовнинг хабар беришига қараганда, бу жойда ҳаёт энеолитнинг ривожланган босқичидан то илк бронза даврига қадар (яқин 1,5 минг йил) давом этган. Бизнингча, ёдгорликнинг бузилиб кетган энг юқори қатламлари материалларига кўра, бу жойда ҳаёт ривожланган ва сўнгги бронза даврида ҳам давом этган. Ёдгорликнинг умумий майдони 90 га. У катта ва кичик, ҳар хил баландликдаги 10 та тепаликлардан иборат. Ёдгорликни анчагина қисми аҳолининг ҳовли-жой ва томорқалари туфайли бузилиб кетган.

7 йил давом этган тадқиқот даврида 4 та объектда кенг кўламли қазилма

---

<sup>26</sup> Исаков А. Саразм. К вопросу становления раннеземледельческой культуры Зарафшанской долины. Душанбе-1991. стр. 5.

<sup>27</sup> Исаков А. Саразм. К вопросу становления раннеземледельческой культуры.... стр.100-102.

ишлари олиб борилди ва 10 та нуқтада эса қадимги қишлоқ ҳаётининг давомийлигини ўрганиш учун шурфлар қазилди. Натижада, қадимги қишлоқ ҳаётининг 4 та тарихий босқичи аниқланди. Биринчи босқич (Саразм I) милоддан аввалги 3500-3300 йил билан белгиланса. Унинг тўртинчи босқичи (саразм 4) милоддан аввалги 2300-1900 йиллар билан белгиланди<sup>28</sup>. Бу саналар шартли ва баҳсли бўлиб, ёдгорликнинг бузилиб кетган юқори қатлами материаллари ичида Чуст маданияти керамикасига ўхшаш рангли сопол парчалари ҳам учрайди. Бунга А. Исоқовнинг ўзи ҳам ишора қилиб ўтади<sup>29</sup>.

Саразм I даври уй-жой комплекслар “мудофаа” деворлари билан ўраб олинган. Шу даврга оид уруғ-оила жамоасига тегишли хилхона очилган. Хилхонанинг марказий қабри аёлга тегишли, ундан рангли накшинкор сопол парчалари, мис ойна, олтин ва кумушдан ясалган тақинчоқлар, лазурит ва сердалик тошлардан ясалган мунчоқлар топилган. Саразм I даври материаллари кўп жиҳатдан Жанубий Туркманистоннинг қадимги геоксюр воҳаси материалларига ўхшаб кетади. Саразм 2 даври уй-жойлар комплекси тор кўчалар билан ажратилган кўп хонали ҳовли-жойлардан иборат. Уй-жой комплекслари орасида доира шаклида қурилган оилавий топиниш маскани-алтарлар учрайди. Қадимги қишлоқнинг икки жойида эса оташпараслик ибодатхоналари қолдиғи очиб ўрганилган. Ибодатхона деворларига қизил рангда нақш берилган ва ибодатхона қоқ ўртасида квадрат шаклида алтар жойлашган. Саразм керамикаси геоксюр сополларидан фарқли ўлароқ, сиртига оч қизил рангда ангоб берилган. Баъзан ангоб устида ранг-баранг нақш солинган сопол парчалари ҳам учрайди. Саразм 3 даврида ижтимоий характердаги монументал бинолар пайдо бўлади. Уй-жой комплексларининг ҳовли майдонларида баъзан кулолчилик хумдонлари ва металл эритиш ва меҳнат қуроллари ишлаб чиқариш устахоналари учрайди. Бу босқичда ишлаб чиқаришнинг қатор соҳаларида хунармандчиликнинг турли йўналишлари бўйича ихтисослашув жараёни жадал кечади. Кулолчиликда ичи ва сирти

---

<sup>28</sup>Исаков А. Саразм. К вопросу становления раннеземледельческой культуры.....стр.112-113.

<sup>29</sup>Исаков А. Саразм. К вопросу становления раннеземледельческой культуры...стр. 115.

пардозланган сополлар кескин камаяди. Уларнинг ўрнини маҳаллий анъанавий шаклдаги нақшлар эгаллайди. Маҳаллий нақшлар ёрдамида ибодатхоналарнинг деворларини безаш одати вужудга келади. Маҳаллий хом ашё базасида металл эритиш ва металлдан турли хил қуроллар ясаш кучаяди. Тошга ишлов бериш, тошдан меҳнат ва ҳарбий қуроллар ясаш ривожланади. Бу босқичда саразмликлар ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида туб ўзгаришлар содир бўладики, бу давр тараққиётини Анов маданиятининг Номозгоҳ 5 босқичи билан қиёслаш мумкин. Иқтисодий ва маданий алоқалар доираси кенгаяди. Бундай юксалиш Саразм 4 босқичида ҳам давом этади. Гарчи, А. Исоқов ўз кузатувларига асосланиб, бундай хулоса чиқаришга ботинмаган бўлсада, аммо, Саразм 4 даврига оид Зарча Халифа<sup>30</sup>, Сазағон<sup>31</sup> ва Жом<sup>32</sup> мазорларидан топилган Сополли маданиятига тегишли бронза буюмлар ва кулолчилик маҳсулотлари Саразм металлургия марказининг Саразм 4 даврида ҳам юксак халқаро мавқеидан ҳамда қадимги деҳқончилик ва чорвачилик минтақалари аҳолиси ўртасида иқтисодий савдо алоқаларининг юксак даражада эканлигидан гувоҳлик беради. Афсуски, Саразмнинг ўзида бу давр маданий қатламлари давр тақазоси билан ёмон сақланган. Саразм маданиятига тегишли қадимги деҳқончилик жамоалари Зарафшон водийсида кам учратилсада, аммо, бу реал тарихий ҳақиқат Ўрта Осиёда минтақавий ривожланиш жараёнларининг ўтроқ деҳқончилик жамоалари фойдасига кенгайиб бораётганлигидан далолат берар эди.

Бронза даврига келганда (милоддан аввалги II минг йиллик) ибтидоий ажодларимиз ҳаётида туб ижтимоий-иқтисодий ва маданий ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришларнинг илдизи милоддан аввалги III минг йилликнинг охири чорагида ҳар икки дунёда, яъни қадимги деҳқончилик ва овчи-балиқчи қабилалар жамоаларида бир вақтда юз беради. Калтаминор маданиятининг

---

<sup>30</sup> Бобомуллоев С.Б. Верховья Зарафшана во II тыс. до н.э. Душанбе-1998; его же, Раскопки гробницы бронзового века на верхнем Зерафшане. *Stratumplus*, №2. СПб.-1999.

<sup>31</sup> Аванесова Н.А. Новые материалы эпохи бронзы Зарафшанской долины. «Археологические исследования в Узбекистане-2001 год» стр.20-21.

<sup>32</sup> N. Avanesova, S. Sajdullaev, A. Ėrkulov. Gzam-ein neuer bronzzeitlicher Fundort in der Sogdiana. "Archaologische mitteilungen aus Iran und Turan". Berlin-2001. p. 63-72.

сўнггида, аниқроғи Орол бўйи энеолит даври ёдгорликлари- (саксаул мавсумий макони) да чорвачилик хўжалиги таркиб топа бошлайди<sup>33</sup>. Анов маданиятининг Номозгоҳ 5 босқичида эса илк шаҳарлар қад кўтара бошлайди. Қадимги деҳқончилик қабилалари жамоаларида иқтисодий-хўжалик соҳасидаги юксалишлар ижтимоий табақаланишга юз тутиб, Қадимги Шарқ цивилизациясининг янгидан янги маҳаллий марказлари пайдо бўла бошлайди.

Мана шу ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар натижаси сифатида қадимги деҳқончилик маданияти минтақаларининг чегараси Ўрта Осиёнинг шимолий-шарқий томон кенгаяди, яъни бирин-кетин Мурғоб водийсида<sup>34</sup>, Бактрияда<sup>35</sup> Қадимги Шарқ цивилизациясига хос шаҳарсозлик маданиятининг янгидан-янги ўчоқлари таркиб топади. Жумладан, қадимги Бактриянинг шимолий сарҳадлари ҳисобланган жанубий Ўзбекистонда суғорма деҳқончилик ва юксак даражада ривожланган хунармандчилик хўжалигининг бронза даврига оид Сополли маданияти шаклланади.

## II.2. Сополли маданияти ёдгорликларининг муҳофаа тизими.

Сополлитепа ёдгорлиги. Милоддан аввалги II минг йилликнинг биринчи ярмида Мурғоб воҳасини қадимги деҳқончилик жамоалари томонидан ўзлаштирилиши ва ушбу маконда Аучиндепа, Келелидепа, Гонурдепа каби қатор аҳоли пунктларини пайдо бўлиши Авестода “Маури” деб номи зикр этилган вилоятни таркиб топишига олиб келади. Унинг ўтроқ аҳолиси эса маргуш номи билан тарихда ўз ўрнини топади. Айни замонда худди шундай тарихий жараён Мурғобдан шимолий-шарқда, шимолий Афғонистоннинг Ахча дарё қуйи ҳавзаларида (Дашли воҳаси) ва Жанубий Ўзбекистоннинг Уланбулоқсой ва Бўстонсой ҳавзаларида ҳам юз беради. Бу заминда Сополлитепа ва Жарқўтон каби ўтроқ аҳоли пунктлари қад кўтаради. Авестода

<sup>33</sup>История Узбекской ССР, том I. Т.: 1967. стр. 46.

<sup>34</sup>Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы. Москва-1959; Сарияниди В.И. Некрополь Гонура и Иранское язычество. Москва-2001; его же, Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб. Ашгабат-2002.

<sup>35</sup> Сарияниди В.И. Древние земледельцы Афганистана. Москва-1977; Аскарлов А. Сапаллитепа. Т.: 1973; его же, Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Т.:1977.

“муқаддас Бахди” деб номи зикр этилган ушбу маданий-хўжалик вилояти – Қадимги Бактрия, унинг ўтроқ аҳолиси эса бохтарийлар эди. Шундай қилиб, бронза даврида Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларида Бактрия ва Марғиёна қадимги Шарқ цивилизациясининг иккита маҳаллий ўчоғи, янги маданий-хўжалик марказлари ташкил топиб, деҳқончилик минтақаларининг ҳудудий чегараси кенгайди, маргуш ва бохтар элатлари шакллана бошлади.

1960 йилларда жанубий Ўзбекистонда (Шимолий Бактрияда) жойлашган Шеробод чўлининг ўзлаштирилиши муносабати билан замонавий техника ёрдамида бу ҳудудда янгидан-янги давлат хўжаликлари ташкил этила бошлади. Бу ишлардан огоҳ бўлган археологлар отряди ҳам Шеробод чўлида иш бошлади.

Археологик қидирув давомида Кушонлар даврига оид бир қанча археологик ёдгорликлар топиб ўрганилди. Бу ёдгорликлар орасида қадимги деҳқончилик маданиятининг ноёб ёдгорлиги Сополлитепа ҳам бор эди.

Сополлитепа Амударёдан 2,5-3 кмлар чамаси шарқда, Пашқурт микровоҳасидан Шеробод чўлига олиб чиқувчи Кўҳитанг дараларидан бирининг бошида отилиб чиққан Қайнарбулоқ асосида таркиб топган Уланбулоқсой ёқасида жойлашган. Ана шу сой сувлари базасида мил. авв. II минг йилликнинг 2-чорагида Уланбулоқсой қуйи ҳавзасида қадимги бободехқонларимизнинг қишлоғи қад кўтаради. Ана шу қишлоқ харобалари маҳаллий аҳоли орасида Сополлитепа деб ном олган<sup>36</sup>.

Сополлитепада 1969-74 йилларда ушбу сатрлар муаллифи раҳбарлигида кенг кўламли археологик қазишма ишлар олиб борилади<sup>37</sup>. Археологик кузатувларга кўра, ёдгорлик майдони ўз даврида анча катта бўлган. Бизгача, унинг фақат марказий қалъа қисмигина сақланган. Қалъа атрофидаги ёдгорлик майдони пахта экин далалари учун бузиб ташланган. Бузилган майдонда сочилиб ётган сопол парчалари, тош ёрғучоқлар, урчуқтош ва ҳайвон суяклари, турли хил меҳнат қуроллари парчаларини сочилиб ётишига қараганда,

<sup>36</sup>Аскарлов А. Сапаллитепа. Изд. “Фан”, Т.: 1973. с.5-6.

<sup>37</sup>Аскарлов А. Ўша асар. с.9-171.

Сополлитепанинг умумий майдони ўз даврида 4-5 гектардан кам бўлмаган.

Археологик қазишма ишлари унинг бизгача сақланган марказий қисмида олиб борилди. Ёдгорлик фавкулудда ноёб ва уй-жой мажмуаларининг меъморий қурилиши ҳамда мудофаа иншоотларининг мукамаллиги билан аждодларимиз муҳандислик илмининг юксак намунаси бўлиб чиқди.

Ёдгорликнинг қалъа қисми квадрат шаклида бўлиб, майдони 82x82 м, атрофи уч қатор мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Деворларнинг калинлиги 2 м.дан ортиқ. Деворлар мураккаб меъморий режа асосида қурилган. Қадимги муҳандисларнинг ғоясига кўра, дастлаб мудофаа тизими тузоқ усулида ишланган бўлиб, аниқ ўлчамдаги коридорсимон блокларга бўлинган. Ташқи блоклар даҳлиз типидagi хоналар орқали ичкаридаги уй-жой комплекслари билан бирлаштирилган. Ички блоклар мудофаа тизимида қалқон ролини ўйнаган. Ташқаридан қараганда гўё улар қалъа ичига олиб кирувчи дарвозаларни эслатади. Улар квадрат шаклдаги қалъанинг ҳар томонида биттадан жойлашган. Аслида қалъага кириш дарвозаси битта, қалъанинг жанубий томонида жойлашган. Қалъа майдони ва унинг яқин атрофи тўлиқ очилгач, унинг режаси маълум бўлди.

Қазишмалар давомида олиб борилган стратиграфик кузатувларга кўра, уй-жой комплекслари учта хронологик қурилиш босқичларидан иборат эканлиги аниқланган. Мудофаа тизимини ташкил этган ички ва ташқи блоклар аслида махсус мудофаа мақсадида қурилган бўлсада, Сополлитепанинг кейинги босқичларида улардан ҳар хил мақсадларда (уруғ хилхонаси, уй-жой хоналари, кулолчилик устахоналари) фойдаланилган.

Режага кўра, қалъанинг ички майдони бир-бирларидан тор кўчалар билан ажратилган 8 та уй-жой комплексларидан иборат бўлган. Бу уй-жой комплексларининг алоҳида бир уруғ – жамоасининг турар-жой массиви сифатида шаклланиши Сополлитепада кузатилган учта қурилиш даври давомида юз берганлиги кузатилган. Дастлаб уй-жой комплекслари қалъа ички деворига ёпиштириб қурилиб, кузатилган учта қурилиш давомида улар қалъа марказий майдони билан боғланган тор кўчалар бўйлаб кенгайиб борган.



Қазишмалар жараёнида топилган турли хил археологик материаллар таҳлили ҳамда ёдгорликнинг аниқ режасига кўра, Сополлитепа 8 та бронза даври патриархал уруғ – жамоаларининг қишлоғи бўлган<sup>38</sup>.

Авесто тили билан айтганда, Сополлитепани 8 та нманаларни бирлаштирган вис сифатида тасаввур этиш мумкин. Ҳар бир уруғ – жамоасининг, яъни катта патриархал оиланинг патриархи – нманатиси, уларни (нманаларни) бирлаштирган висни (қишлоқ уруғ- жамоасининг) виспатиси бўлган. Ҳар бир патриархал уй-жой комплекслари кўп хонали уйлардан (ўчоқ мўрили даҳлиз, ўчоқ ва сандалли ётоқхона, оилавий алтар, ғалла омбори, тўқимачилик дастгоҳига мўлжалланган кенг ва узун хона) ташкил топган бўлиб, бундай катта патриархал оила Сополлитепа нманаларини ташкил этган.

Қалъа марказий майдонида ҳайвон суяклари, сопол парчалари, қалин кул қатлами – уюми ҳосил бўлганлиги, кейинроқ қалин маданий қатлам уюми текисланиб, унинг усти қалин сомонли лой билан сувалиб, кенг супага айлантирилганлиги аниқланди. Бу майдон, ҳар қалай, жамоа йиғинларини ўтказадиган мажлис (анчумана) майдони бўлиши мумкин.

Сополлитепа аҳолиси Жанубий Ўзбекистон худудининг энг қадимги деҳқонлари эди. Бу ердан топилган жуда бой ва хилма-хил материаллар таҳлили, уларнинг бошқа ўлка ва тарихий маданий вилоят ёдгорликлари билан қиёсий ўрганиш Сополлитепа аҳолисининг қадимги Бақтрияга қўшни Марғиёнадан деҳқончиликка қулай янги ерлар қидириб келиб ўрнашган қабилалар эканлигини кўрсатади. Чунки, Қадимги Бақтрияда, жумладан, унинг шимолий вилоятлари ҳисобланган Ўзбекистон ва Тожикистон худудларида энеолит ва илк бронза даврига тегишли қадимги деҳқончилик маданияти ёдгорликлари ҳозиргача топилмаган. Бу ўлкада ўрганилган неолит даврининг Ҳисор маданияти эса, тоғ минтақаларига хос овчи ва термачи уруғ жамоаларига хос ёдгорликлар эди.

Сополлитепани қазиш вақтида хом ғиштдан қурилган кўп хонали уй-жой

---

<sup>38</sup>Аскарлов А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Изд. “Фан”, Т.: 1977. с. 13-32.

қолдиқлари, тошдан, бронзадан, суякдан ясалган турли хил шакл ва кўринишдаги меҳнат ва ҳарбий қуроллари, уй-рўзғор асбоб-ускуналари, хўжаликда, кундалик ҳаётда, ов вақтида, зироатчилик ва хунармандчиликда ишлатиладиган қуроллар, нафис, хушбичим, икки ярусли хумдонда яхши пиширилган турли хил сопол идишлар, турли тақинчоқ ва безаклар, уруғ ва кабила муҳрлари, лух, камиш ва кўға, буғдой ва арпа поядан тўқилган саватчалар, терини ошлаш меҳнат қуроллари, тош ва бронзадан ясалган идишлар топилдики, уларнинг ишланиш техникасига қараб Сополлитепа аҳолисининг ўз даврида қанчалар юксак маданий-хўжалик ривожига, санъат даражасида юксакликка эришган, ихтисослашган хунармандчилик тармоқлари соҳиблари бўлганлигидан гувоҳлик беради. Қуролчилик, заргарлик, тўқимачилик санъат даражасига кўтарилган. Ғўза навли пахтачилик, ипакчилик, боғдорчилик ривожланган. Суғорма деҳқончиликдан юқори ҳосил олишган.

Сополлитепа аҳолиси дастлаб ҳаётдан кўз юмган уруғдошларини ўзлари яшаган уй-жой хоналари поли остига, аёлларни кўп ҳолларда ўчоқ қаршисига, эркакларни эса хонага кириш эшиги остонаси олдига, мудофаа ва хона деворлари остига кўмганлар<sup>39</sup>. Кейинроқ ҳар бир квартал доирасида жамоа хилхоналари пайдо бўлган.

Сополтепа қабрлари ёдгорлик ҳудудий доирасида жойлашганлиги туфайли, улар ўзга этнос ўғрилари томонидан ўғирланмаган. Шу боис, Сополлитепада топилган 138 та қабрларга ўз даврида нима қўйилган бўлса, уларга қўйилган барча артефактлар тўлалигича сақланган.

Қабрлар асосан айвонли лаҳат тузилишида бўлиб, қабрларнинг айвони доимо шарқда, унинг ғарбий девори остида лаҳатга кирувчи эшиги бўлган. Қабр тўрисида мурдалар ётқизилган. Қабр лаҳатининг айвон томонига эса сопол идишларда турли хил овқатлар, марҳум ва марҳумага тегишли шахсий буюмлари, меҳнат ва уй-рўзғор асбоблари, аниқроғи ҳаётлик давридаги касб-

---

<sup>39</sup>Асқаров А. Сапаллитепа. Изд. “Фан”, Т.: 1973. с. 42-70; Его же. Асқаров А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Изд. “Фан”, Т.: 1977. с. 38-46.

қорига, жинсига тегишли буюмлар қўйилган. Чунки, улар абадий ўлимга ишонмаганлар, “нариги дунё” тушунчаси уларда кучли бўлган кўринади. Шунинг учун бўлса керак, қабрга ўлган кишини ўз шахсий мулки ва уруғдошлари келтирган идиш-товоклардаги овқатлар билан кузатганлар. Қабрлардаги ашёвий далилларнинг таркибига қараб, марҳумнинг дуродгор уста, мато тўқувчи, кулол, подачи, овчи, зироатчи, жангчи, табиб, чилангар, доя, мубод (қоҳин), бой ва камбағаллигини аниқлаш мумкин бўлган. Баъзи қабрларда бедарак йўқолган жамоа аъзосининг руҳи кўмилган. У ҳолда қабрга бедарак йўқолган шахснинг схематик ҳайкалчаси (лой, матодан ясалган фигура) ёки бойроқ бўлса, унинг ўрнига қўй ёки эчки кўмилган. Бундай қабрлар фанда “кенотаф” деб аталган. Кенотаф қабрларда лаҳатга қўйилган ашёвий далиллар фақат дафн маросимига қатнашган уруғдошлар томонидан сопол идишларда келтирилган овқатлардан иборат бўлган. Шу боис, кенотаф қабрларда сопол идишлардан бошқа ҳеч бир ашё деярли учрамайди.

Қабрда эркаклар ўн томони билан, аёллар эса чап томони билан, она қорнида ётган ҳолатда, оёқ-қўллари букилган, бошлари шимолга, шимолий-ғарбга қаратилиб кўмилган. Қабрлардан топилган ашёвий далилларнинг бойлиги ёки камлиги, уларнинг ҳаётлик давридаги жамоада тутган ўрни ва мавқеидан келиб чиққан.

Сополлитепа аҳолиси оташпарастлар бўлган. Олов уларда асосий сиғиниш, топиниш объекти бўлган. Уй-жой комплексларида учрайдиган мўрилли ўчоқ ва сандал кулхоналари бундан гувоҳлик беради. Зардуштийликда (унинг илдизи оташпарастликда) олов қаторида ер, она замин муқаддас бўлгани боис, оташпараст қоҳинлар мурдаси хумларга солиб кўмилган. Уларнинг фарзандлари эса, қорни кенг, думалоқ хумчаларга солиб кўмилган.

Сополлитепа даврида ҳайвон ва қуш, илон ва бошқа судралиб юрувчи жонзодларга тотем сифатида сиғиниш излари учрамайди. Аммо, уларнинг тошга, терракота ва металлга ишланган сиймолари (шакли-шамойили) тумор, тош мунчоқ нақшлари, катта патриархал оила (нмана) ва қишлоқ (вис) муҳрларида рамзий маънода учрайди. Масалан, Сополлитепада илон, бургут,

туя, тўқай мушуги, архар, тоғ такаси, шер, тўнғиз каби жонзотлар, турли хил гиёҳлар тумор ва жамоа муҳрларида кенг акс этган. Сополлитепада ҳатто 8 уруғ - жамоасини бирлаштирувчи бронзадан ишланган вис (қишлоқ жамоасининг) муҳри топилган. Унинг бир томонида 4 хил илон тасвирланса, иккинчи томонига 4 та ёввойи йиртқич (тўнғиз, шер, тўқай мушуги ва тоғ такаси) сурати туширилган.

Сополлитепада ҳаёт тахминан икки юз йил давом этган. Қишлоқ аҳолиси йилдан-йилга кўпайиб борган. Ер ва экинзорлар учун сув танқислиги сезила бошлагач, Сополлитепа аҳолисининг бир қисми янги ерлар қидириб, ҳозирги Шеробод дарёси қуйи ҳавзаларига келиб жойлашадилар. Бу жой тоғ дараларидан оқизиб келинган унумдор тупроқ ҳисобига ҳосил бўлган кенг ва текис экинбоп қоқ ерлар бўлган. Бу жойларни Шеробод дарёсининг қуйи ирмоғи-Бўстонсой сув ресурслари базасида суғориш мумкин бўлган. Ҳозирги кунда маҳаллий аҳоли бу жойни Жарқўтон деб аташади.

### **II.3. Жарқўтон ёдгорлиги меъморчилиги ва мудофаа тизими.**

Бўстонсойнинг соҳилида бундан 3,5 минг йил аввал Жарқўтон кўҳна қишлоғи қад кўтаради. Унинг катта қисми ҳозирги кунда пахта ва сабзавот экин майдонларига айлантирилган. Ўзлаштирилиши қийин бўлган қолган қисми Бўстонсой чап соҳили бўйлаб, жарликлар туфайли сақланиб қолган.

Ёдгорликнинг бизгача етиб келган тарихий топографиясига кўра, у икки қисмдан иборат: мудофаа деворлари билан ўралган кўҳандиз, унга туташиб кетган “шаҳристон” майдони<sup>40</sup>. Уларнинг жанубида, қадиги ариқ изининг орқа томонида, бир неча табиий тепаликларга жойлашган некропол (қабристон) жойлашган<sup>41</sup>. Шаҳристон майдонида 20 га яқин катта ва кичик ҳажмдаги тепаликлар кузатилади. Улар устида ётган сопол парчалари, тош ёрғучоқ ва бошқа меҳнат қуролларининг сочилиб ётишига қараганда, уларнинг ҳар бири бир уруғ жамоасига тегишли уй-жой қолдиқлари эканлигидан гувоҳлик берар

<sup>40</sup> Аскарлов А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Изд. “Фан”, Т.: 1977. с. 46.

<sup>41</sup> Аскарлов А., Абдуллаев Б. Джаркутан. (К проблеме протогородской цивилизации на юге Узбекистана). Изд. «Фан», Т.: 1983, с. 8-9.

эди.

Ёдгорликда археологик қазишма ишлари ушбу сатрлар муаллифи раҳбарлигида 1973 йилда бошланиб, унинг шогирдлари ва касбдошлари томонидан ҳозиргача давом этади. Унинг ўрганиш ишида турли йилларда чет эллик мутахассислар ўзбек археологлари билан ҳамкорликда қатнашди. Топилган артефактларнинг даврий санасини аниқлашда немис, француз илмий лабораториялари хизматидан фойдаланилди.

Қазишма ишлари кўхандизда, “шаҳристон” ҳудудий доирасида, унинг қабристон қисмида олиб борилди. Жарқўтонда олиб борилган кенг кўламли қазишмалар, стратиграфик шурфлашлар, хронологик кузатувлар таҳлиliga кўра, ёдгорликда ҳаёт 500-600 йилдан кам бўлмаган. Шу давр ичида юз берган ҳаёт динамикаси кузатилди. Жарқўтоннинг оддий қишлоқ жамоасининг маконидан Республика ҳудудидаги энг қадимги илк шаҳар даражасига ўсиб чиқиш жараёнлари кузатилди. Унинг 3 гектардан кам бўлмаган кўхандиз (Арки аъло) майдонидан шаҳар сардорининг (ҳокими) монументал сарой қолдиқлари<sup>42</sup>, металл эритиш ва металлдан меҳнат ва ҳарбий қурооллар ишлаб чиқариш устахонаси (чилангарлик устахонаси), уй-жой комплекслари очиб ўрганилди. Унинг қалин мудофаа девори, қалъага кириш дарвозаси ўрганилди.

“Шаҳристон”да олиб борилган археологик қазишмаларнинг гувоҳлик беришича, ҳар бир тепаликда жойлашган уй-жой комплекслари мудофаа деворлари билан ўраб олинган бўлиб, қалъа майдонидаги уй-жойлар баландлиги 1—1,5 метргача хом ғиштлардан кўтарилган платформа устига қурилган. Аммо, “шаҳристон” майдонида қад кўтарган 15 га яқин тепаликлар эса ўрта асрларга хос ягона яхлит девор билан ўраб олинмаган.

Кўп йиллик изланишлар давомида Жарқўтон ёдгорлигини ҳақиқатда Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги илк шаҳар эканлигини исботловчи жуда бой ашёвий далиллар топилдики, улар ҳақида ҳикоя қилишдан аввал қадимги Шарқ шаҳарларининг шаклланиши учун зарур бўлган ижтимоий-иқтисодий

---

<sup>42</sup> Аскарлов А., Ширинов Т. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Самарканд-1993, с.99-104.

омиллар ҳақида эслатиб ўтишни жоиз деб ҳисоблаймиз.

Тарихий таҳлил тақозасига кўра, ўтмиши узоқ, тарихи ва маданияти бой ўтроқ халқнинг дастлабки давлатчилиги заминада шаҳарсозлик маданияти ётади. Бу хулоса ер қуррасида, биринчи бор энг қадимги давлатлар ташкил топган қадимги Шарқ минтақалари мисолида илмий жиҳатдан исботланган<sup>43</sup>.

Қадимги Шарқ цивилизациясининг илк бор ватани ҳисобланмиш Месопотамияда мил. авв. IV минг йилликнинг охири ва III минг йиллик давомида, яъни бундан 5-5,5 минг йил аввал Шумер, Лагаш, Ур, Суза каби шаҳарлар ташкил топган. Ана шу шаҳарлар базасида митти давлатлар шаклланиб, улар тарихда шаҳар-давлатлар номи билан машҳурдирлар<sup>44</sup>. Қадимги шаҳар-давлатларининг ташкил топишида ўтроқ аҳолининг деҳқончилик ва хунармандчилик хўжаликлари асосий иқтисодий омил бўлиб, улар дастлаб, атроф аҳоли жойларининг хўжалик маркази, туман, вилоят ёки маълум бир ўлканинг сиёсий ва диний ўз-ўзини идора этувчи табақалашган жамоаларининг ижтимоий бошқарув маркази, яъни илк давлати бўлган. Шаҳарларнинг ташкил топишида асосан аҳолининг ўтроқ хўжалик ҳаёти ва у билан боғлиқ яна уч омил мавжудлиги тарихан зарур ҳисобланади. Уларнинг биринчиси – қулай табиий шароит, сув ва бошқа географик омиллар, иккинчиси – ҳосилдор суғорма деҳқончилик ва уни таъминловчи агротехникадир. Булар қадимги шаҳарларнинг пайдо бўлишидаги иқтисодий омиллар ҳисобланади. Учинчиси, ана шу иқтисодий омиллар асосида вужудга келган табақалашган жамиятнинг диний, ҳарбий ва сиёсий жиҳатдан бошқарув тизими туғилишига шароит етилган бўлиши керак, яъни иқтисодий ҳаётда юз берган туб ўзгаришлар (деҳқончиликда сунъий суғориш тизимининг кашф этилиши, дарёлардан магистрал каналлар орқали янги ерларга сув чиқариш, ерни ишлашда омов ва ҳайвон кучидан фойдаланиш, хунармандчиликнинг тўқимачилик соҳасида йигирув ва тўқув дастгоҳининг кашф этилиши,

---

<sup>43</sup>Масон В.М. Алтын-Депе. Ленинград-1981, с. 119-128.

<sup>44</sup>Adams R. Heartland of Cities. Chicago, 1982; Чайлд Г. Древнейший Восток в свете новых раскопок. Москва. 1956, с. 162; Дьяконов И.М. Города-государства Шумера. История древнего мира. Том I. Москва, 1983. с. 49-63, 64-74; Варга Д. Древний Восток. Будапешт, 1979, с. 10-44.

кулолчиликда чархнинг ва мураккаб икки ярусли хумдоннинг кашф этилиши, металл эритиш ва қуйиш технологиясининг кашф этилиши, уй ҳайвонларидан транспортда фойдаланишга ўтиш, қурилишда режа асосида уй-жой ва монументал бинолар қуришга ўтиш, атроф-муҳит ҳақида тўпланган билимлар асосида астрономия, астрология, қуёш соати, календар, мураккаб ҳисоблаш системасини ихтиро этиш ва бошқалар) туфайли ижтимоий ҳаётда табақаланиш юз беради. Ана шу табақаланиш жараёни маълум нуқтага етгач, жамиятни бошқариш зарурияти туғилади. Бу ижтимоий омил эди. Қачонким, бу уч омил диалектик яхлитликда мавжуд бўлиши учун тарихий шароит туғилгандагина қадимги шаҳарлар ва улар базасида шаҳар-давлатлар пайдо бўлади<sup>45</sup>.

Ана шу уч омил Ўрта Осиёда, жумладан, жанубий Ўзбекистонда, Сурхондарё вилоятининг Шеробод чўли ҳудудида, мил. авв. II минг йилликнинг ўрталарида, Жарқўтон ёдгорлиги мисолида мавжуд эди.

Одатда, жаҳон фанида қабул қилинган илмий ишланмага кўра, бир аҳоли яшаш жойини қадимги шаҳар деб аташ учун юқорида зикр этилган омилларнинг этилиши талаб этилади. Улар қуйидагилар: ҳудуди 5-6 га ва ундан кам бўлмаган майдонда аҳолининг зич жойлашган бўлиши, аҳоли жойлашган майдоннинг чор атрофи қалин мудофаа деворлари билан ўраб олинган бўлиши, шаҳар юқори табақа ва ҳокимларининг турар-жойлари оддий фуқаролар турар-жой массивларидан ажралиб туриши, шаҳар ҳокимининг баланд пойдевор (платформа) устига қурилган монументал қасри, яъни шаҳар ўрдаси бўлиши, шаҳар майдонида, яъни шаҳристонда шаҳар аҳолисининг барча қатламлари учун хизмат қилувчи муқаддас диний марказ-маҳобатли ибодатхона мажмуаси ташкил топган бўлиши, шаҳар иқтисодий асосини қўп тармоқли ихтисослашган хунармандчилик ва савдо-сотик ташкил этган бўлиши, шаҳар рамзи ва белгиси ҳисобланмиш шаҳар муҳри ва туғросининг мавжудлиги ва бошқалар.

Ўзбекистон ҳудудида ўрганилган қатор ёдгорликлар жумласига кирувчи Жарқўтон ёдгорлиги ана шу талабларнинг барчасига жавоб берувчи энг

---

<sup>45</sup>Аскарлов А., Ширинов Т. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Самарканд-1993, с. 14-24.

қадимги ва ягона шаҳар қолдиғи ҳисобланади<sup>46</sup>. Юқорида таъкидлаганимиздек, Жарқўтонда 1973 йилдан то ҳозиргача археологик қазишма ишлари давом этмоқда. Шу давр ичида майдони 100 гектардан кам бўлмаган бу қадимги шаҳар икки қисмдан - кўхандиз (шаҳар ўрдаси, Арки аъло) ва унинг шартли “шаҳристон” деб аталган қисмидан бир неча турар-жой массивлари, кўп тармоқли шаҳар хунармандчилигининг объектлари, оташпарастлар ибодатхонаси, ўрда майдонидан шаҳар ҳокимининг маҳобатли сарой комплекси, металл эритиш печлари ва бошқалар топиб ўрганилди. Узоқ йиллар давомида мунтазам олиб борилган қазишмалар жараёнида юксак даражада ривожланган кулолчилик ва бронза металлургияси корхоналари, заргарлик, чилангарлик устахоналари, пахта ва ипак хом ашёси маҳсулотларига асосланган тўқимачилик қолдиқлари топиб ўрганилди<sup>47</sup>.

Жарқўтон ҳудудида олиб борилган кенг кўламли изланишлар унинг даврий санасини аниқлаш ва ушбу масканда юз берган тарихий жараённи бир неча босқичларга бўлиб ўрганиш имкониятини берди. Шунга кўра, Жарқўтондаги қадимги шаҳар ҳаёти уч босқичга, яъни жарқўтон (мил. авв. 1500-1350 йиллар), кўзали (мил. авв. 1350-1200 йиллар) ва мўлали (мил. авв. 1200-1000 йиллар) босқичларига бўлинди<sup>48</sup>. Кейинроқ, Жарқўтоннинг қарама-қаршисида, Бўстонсойнинг ўнг соҳилида ўрганилган ёдгорликлар муносабати билан мўлали босқичини икки фазага, яъни мўлали (мил. авв. 1200-1000 йиллар) ва бўстон (мил. авв. 1000-900 йиллар) фазаларига бўлиб ўрганиш имконияти туғилди<sup>49</sup>. Шундай қилиб, Жарқўтон ёдгорлиги материаллари мисолида Ўзбекистон ҳудудида умумий майдони 100 гектардан кам бўлмаган энг қадимги шаҳар - давлат тарихи ўрганилди.

Жарқўтон ҳудудий жиҳатдан нафақат, Ўрта Осиёда, балки Ўрта Шарқ минтақасида ўрганилган бронза даврининг энг йирик қадимги шаҳар харобаси

---

<sup>46</sup>Аскарлов А., Ширинов Т. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Самарканд-1993, с.46-132.

<sup>47</sup> Аскарлов А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Изд. “Фан”, Т.: 1977. с.13-57.

<sup>48</sup>Аскарлов А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Изд. “Фан”, Т.: 1977. с. 89-105.

<sup>49</sup> Раҳманов У. Керамическое производство эпохи бронзы южного Узбекистана. Автореф. канд. дисс. Самарканд,1987, с. 16-17.



эди. У Термиз шаҳридан 60 км чамаси шимолда, Шеробод дарёсининг қадимда Амударёгача суви бориб етган, ҳозирда эса сувсиз тўқайзорга айланган Бўстонсой ёқасига жойлашган. Сув оқимиға кўра, дастлаб, Бўстонсойнинг чап соҳили ўзлаштирилган. Бўстонсой соҳилида жойлашган бу шаҳар шимол ва ғарбдан кенг сой ўзани билан чегараланган, шарқдан эса унинг ҳудудий чегараларини белгиловчи бирор аниқ чизик кузатилмайди. Унинг шарқий чегарасини пахта майдонида тупроққа қоришиб ётган сопол парчалари ва тошдан ишланган меҳнат қуроллари сочилиб ётишидан билиш мумкин, холос. Жарқўтон ўрдаси. Жарқўтон ўрдасини ўраб олган мудофаа деворининг қалинлиги 3 м., унинг мудофаа қудратини ошириш учун маълум масофада квадрат шаклда қурилган буржлар билан мустаҳкамланган.

Кўхандизнинг микрорельефига кўра, унинг ички қисмида баланд-пастликлар кўзга ташланади. Бу дўнгликлар турар-жой массивлари, пастликлар эса кўча ва “гузарлар” майдони бўлиб чиқмоқда. Кўхандизга кириш дарвозасидан унинг ички майдониға кенг йўл кетган. У (йўл) 25-30 метр чамаси масофада ғарбға ва шарққа айрилади. Ғарбға томон кетган йўл кўхандизнинг жанубий ғарбида жойлашган баланд дўнгликка бориб тақалади. Ана шу дўнгликда қазималар ўтказилганда, у монументал бино қолдиғи бўлиб чиқди. Иншоот квадрат шаклда, ўлчами: 42х42 м. Бино ташқи деворининг қалинлиги 4 м. Девор ташқи томондан 13 та квадрат шаклда қурилган мудофаа буржлар билан мустаҳкамланган. Биноға кириш дарвозаси унинг жанубида, у иккита бурж оралиғида жойлашган.

Бу бино Жарқўтон ҳукмдорининг қасри бўлиб, у ўзининг маҳобатли кўриниши билан бошқа иншоотлардан тубдан ажралиб туради. Ҳукмдор қасри ичидаги хоналар жуда оддий, улар ташқи девор ости бўйлаб жойлаштирилган. Саройнинг ўрта қисмида эса яқин 20 квадрат метр жойни эгаллаган супа борлиги аниқланди.

Марказий йўлдан шарққа томон кетган иккинчи йўл бошқа бир дўнгликка бориб тўхтади. У жойда ҳам қазим ишлари олиб борилганда, бронза хом ашёсини рудадан ажратиш олиш ва турли хил меҳнат қуроллари ишлаб чиқариш

билан боғлиқ металлургия устахонаси очилди. Бу ўз кўлами ва сақланиш даражасига кўра, Жарқўтондан унгача топилган металлургия устахоналаридан фарқ қилар эди. Дарҳақиқат, Жарқўтонда 40 йил давомида олиб борилган казишмалар давомида юзлаб бронза меҳнат ва ҳарбий қуроллари, зеби-зийнат безаклари, уруғ, жамоа тотемлари акс эттирилган муҳрлар, жамоа сардорларининг ижтимоий нуфузидан далолат берувчи тамға ва туморлар топилганки, улар метал эритиш ва металдан меҳнат қуроллари ва ҳарбий асбоб-анжомлар ишлаб чиқариш устахоналарида ясалган. Масалан, Жарқўтондан топилган шаҳар ибодатхонасини казиш вақтида, унинг хўжалик-хизмат қисмидан маҳсус чилангарлик устахонаси очилган. Устахонанинг шарқий девори остида узунаси 2,5 метрли супа устида 5 та металл эритиш ўчоқлари (печлари), уларнинг харобаларида сопол қозон (тигел) парчалари учратилди. Ўчоқларнинг деворлари узоқ олов ҳароратида кўкимтир шлакка айланиб кетган. Бундай печ-ўчоқлар Жарқўтонда кўплаб учратилган. Аммо, арк майдонидан топилган металлургия устахонаси юқоридагилардан тубдан фарқ қилувчи бутун бир металл эритиш ва меҳнат қуроллари ясаш цехи эдики, бундай кашфиёт Ўрта Осиё археология тарихида учратилмаган ноёб объект эди.

Металлургия устахонаси худудида бир-бирига яқин қилиб қурилган 2 та, икки ярусли металл эритиш печлари очилди. Печларнинг ҳар иккаласини ҳам оловхонаси ва оловхоналардан юқorigа кўтарилган тарновсимон аланга йўллари, у аланга йўллари устига қурилган ўчоқлар сақланган эди. Биринчи печда алангахона деворлари айланаси бўйлаб 7 та, иккинчи печда эса 5 та металл эритиш ўчоқлари топилди. Оловхона деворлари ва ўчоқлар кучли иссиқ ҳарорат туфайли кўкимтир шлакка айланиб кетган.

Печларнинг оловхонаси овал шаклида, алангахоналар эса доира шаклда қурилган. Бирининг оловхонасининг ўлчами 130x110 см, иккинчисиники - 110x105 см. Оловхоналарда қалинлиги 1 метргача кул қатлами сақланган. Оловхона деворлари ва ўчоқлар кучли иссиқ ҳарорат туфайли кўкимтир шлакка айланиб кетган. Алангахона ўчоқларида тош кукуни аралаштириб ясалган

сопол қозон (тигел) парчалари топилган. Сопол қозонларда мисни қалайга аралаштириб бронза метали олинган. Печларнинг бизгача тўлиқ сақланмаган алангахона тузилиши ҳақидаги тасаввуримизга кўра, ўчоқлар жойлашган иккинчи яруснинг (алангахонанинг) устки қисми аркасимон том билан ёпилган бўлиши керак, чунки, у хонада кучли иссиқ ҳароратни сақлаб туришга хизмат этган.

Печларни қазииш жараёнида топилган ашёвий далилларга қараганда, ҳар иккала печларда, бир вақтни ўзида 12 та қозон-тигелларда металл эритиш мумкин бўлган. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, печларда бир вақтни ўзида 25-30 кг атрофида соф бронза хом ашёсини олиш мумкин бўлган. Бу узок ўтмишимиздаги бобокалонларимизнинг ишлаб чиқариш имкониятларини ҳисобга олганда, ибтидоий жамоачилик даври учун бу жуда катта ютуқ эди. Журналистлар таъбири билан айтганда, бу топилма бронза даврининг “металлургия заводи” эди.

Жарқўтон шаҳристони. Жарқўтоннинг “шаҳристон” деб аталган қисми кўхандиздан жануб ва шимолий-шарққа томон чўзилиб кетган 15 га яқин тепаликлардан иборат. Ана шундай тепачалардан 5 таси аркнинг шимолий-шарқий томонида қад кўтарган. Ҳозиргача, тепачаларнинг 6 тасида катта ва кичик ҳажмдаги қазиишмалар ўтказилган. Ёдгорликни ўзлаштирилиш даври санасини аниқлаш учун 10 дан ортиқ тепачаларда шурфлар солинди.

Маълум бўлишича, Жарқўтоннинг арк қисми, унга жанубий ва жанубий-шарқий томондан туташ майдонлар биринчи навбатда ўзлаштирилган. Айнан шу жойлардаги тепаликлардан иккитасида (тепа 5 ва тепа 6) олиб борилган кенг кўламли археологик қазиишмалар ажойиб натижалар билан яқунланди.

5 - тепа туб маънодаги турар-жой массиви бўлиб, унинг уч минг квадрат метрли майдони тўлиқ очилди. Натижада, 50 га яқин хоналар ва уларнинг поли остидан (ўчоқли хоналарнинг ўчоқ қаршисидан (қабр №31), хоналарнинг кириш эшиклари остонаси остидан (қабр №№13,17,18,19,23,35,39,41,43) ва айрим хоналарнинг деворлари остидан (қабр №№1,3,11,21,22,29,44,45) қабрлар очилди. 5-тепада очилган уйлар 1,5 метр қалинликдаги платформа устига

қурилган бўлиб, улар кўп хонали ҳовлилардан иборат бўлган. Ҳар бир ҳовлида ўчоқларни жойлашишига қараганда, камида икки-уч жуфт оила яшаган кўринади. Платформа устига қурилган ҳовли-жойлар дастлаб мудофаа девори билан ўраб олинган. Кейинроқ эса девор ташқарисидаги бўш майдонлар ҳам секин-аста ўзлаштирила бошлаган. 5-тепа майдони дастлаб, бир неча патриархал жуфт оилалар томонидан ўзлаштирилган. Уларнинг уй-жойлари атрофи мудофаа деворлари билан ўраб олинган платформа устига қурилган. Улар кўп хонали хонадонлардан иборат бўлиб, улардан бири мудофаа деворининг жанубий-шарқий бурчагига жойлашган. Уни қазиб жараёнида айвонли лаҳат тузилишидаги қабила оқсоқолининг қабри топилди. Қабр топилган хонадон 4 хонали уй бўлиб, унинг ётоқхонасининг ғарбий деворида мўрили ўчоқ жойлашган. Хонага қудуқли хона орқали қилинган. Қудуқли хонадан, унинг жанубий девори бўйлаб, шарқ томонга кетган тор йўлакча орқали учинчи хонага, яъни оила алтархонасига ўтилган. Алтарли хонадан жанубда оила омбори жойлашган. Ушбу тўрт хонали уй жануб ва шарқ томондан платформа айланаси бўйлаб ўтган мудофаа деворига ёпиштириб қурилган. Унга кириш эса, унинг ғарбига жойлашган ҳовли орқали бўлган<sup>50</sup>.

Мана шу уй-жой комплексининг эгаси, унинг қабридан топилган ашёвий далиллар таркибига кўра, ҳаётда бой турмуш тажрибасига эга заргарлик ва металлургия ҳунармандчилиги соҳасининг билимдон пиру-устози, ўз жамоасининг диний ва дунёвий сардори бўлган. Чунки, бу қабр жамоа турар-жой массивидан топилган 46 та қабрлардан фарқли ўлароқ, жуда бой (50 дан ортиқ) ва у ердан топилган буюмлар хилма-хил эди. Топилган буюмларнинг 17 таси унинг касбига тегишли шахсий буюмлар бўлса, қолганлари унга қабиладошлари томонидан олиб келинган идишлардаги овқат қолдиқлари эди.

Қадимги аждодларимиз диний тасаввурига кўра, одамзод ўлсада унинг руҳи ўлмайди. Энди у бошқа танада нариги "дунёда" яшайди ва ўз касбини у ерда давом эттиради. Шунинг учун унинг қабрига унга тегишли буюмлардан кўшиб кўмиш одат ҳисобланган. Шунингдек, қабрдан 30 дан ортиқ турли хил

---

<sup>50</sup>Асқаров А. Энг қадимги шаҳар. Т.: "Маънавият".2001. 11-бет.

сопол идишлар топилди. Уларда ҳайвон суяклари ёки қорайиб кетган қўйик овқат қолдиқлари бўлиб, қадимий одатларга кўра, марҳум руҳи нариги "дунёга" толиқмай, дадил етиб бориши керак, деб тушинилган. Қабрга қўйилган идишлар сони марҳумнинг ҳаётлик чоғида жамоадаги ижтимоий мавқеи ҳақида гувоҳлик беради. Демак, қабрда қанча идиш кўп бўлса марҳумнинг ҳаётлигидаги ижтимоий ўрни ҳам шунча юқори бўлган, дейиш мумкин.

Энди, марҳум шахсий мулкани таркибига келсак, 5 кв.м.дан кўпроқ жойни эгаллаган бу қабр, 50 ёшлардаги эркак шахси бўлиб, у ўнг ёни билан оёқлари букилган ҳолда ғужанак қилиб ётқизилган. Унинг қулоқ бўшлиғида бронза халқа, ияги яқинида ҳукмдорлик белгиси-АСО (жезл) нинг зўғатали бронза қисми (зўғатада унинг ёғоч дастасидан парча сақланган), унинг яқинида 6 та буюм (бир бўлак лазурит хом ашёси, 3 та тош қайроқчалар, бронзадан ишланган порма ва болғача) бир жойда жам эди. Улардан сал нарида бронза ханжар ва бронза коса, марҳумнинг оёқ томонини 30 дан ортиқ турли хил сопол идишлардан ташқари, 2 та бронза коса, сурмадон ва 2 та тўноғич эгаллаган эди. Қабр ашёларининг таркиби унинг ҳаётлик чоғида профессионал заргар ва металлург бўлганлигидан далолат беради. Чунки, қабр айвонидан 3 та археологик бутун тигел парчалари топилиб, улар ушбу қабрга алоқадор ўспирин мазорига, сардор шогирдига тегишли эди. Қабр топилган хонани қазиш вақтида, деярли полга яқин маданий қатламдан мергелий тошидан ишланган муҳр ҳам топилганини ҳисобга олсак, ушбу уй-жой комплекси, жамоа оқсоқолига тегишли эканлигига ҳеч бир шубҳа қолмайди.

Демак, 5-тепа номи билан ўрганилган ушбу турар-жой массивини бошлиғи (кад худоси) бир вақтни ўзида нафақат бир жамоанинг диний ва дунёвий сардори, балки заргарлик ва металлургия соҳасининг пиру-устози бўлган кўринади. Чунки, катхудот ҳовлисида оташпарастликка тегишли муқаддас сув рамзи-қудуқ ва олов рамзи-алтархонанинг жойлашиши, унинг диний раҳнамо сифатида белгиси бўлса, сардор қабрининг ўчоқ (муқаддас олов) қаршисида жойлашиши, унинг кадхудот эканлигидан аломат эди. Қабрдаги махсус ашёвий

далиллар эса, унинг хунармандчиликнинг маълум бир йўналиши бўйича пиру-устозлигидан далолат беради.

5-тепада олиб борилган казишмалар жараёнида маълум бўлдики, ушбу тепалик бир неча қурилиш даврида шаклланиб борган. Дастлаб унинг шимолий-ғарбий қисми ўзлаштирилган. У бир неча уй-жой комплексларини бирлаштирган катта патриархал оилага тегишли бўлиб, патриарх турар-жой комплексида катта патриархал оиланинг олов култи билан боғлиқ алтархонаси жойлашган. Давр ўтиши билан ушбу турар-жой массиви майдони ҳар томонга кенгайиб, уни уч (ғарбий, шарқий ва жанубий) томондан ўраб олган мудофаа деворлари ўз вазифасини ўтаб, ҳатто унинг устида ҳам уй-жой комплекслари ва янги диний объектлар қад кўтаради. Ана шундай объектлардан бири мудофаа иншоотининг жанубий ва шарқий линияси харобалари устида қурилган, кўзали қурилиш босқичига тегишли жамоавий ибодатхона бўлиб, у алтар, ибодатхона зали ва унга туташ тош йўлакчадан иборат. Ибодатхона зали бузиб ташланган шарқий мудофаа девори устида қад кўтарган. Зал полига зичлаб майда (тухум катталигидаги) тошлар териб чиқилган. Зал ибодатхона деворлари вайронага учраб, хонада фақат алтарнинг кулга тўла, думалоқ резерувари сақланган холос. Зал марказида диаметри 1,5 м., чуқурлиги 1 м.дан кам бўлмаганли думалоқ шаклли алтар жойлашган. Алтар деворлари оловда қизариб пишиқ ғишт рангига кириб кетган. Ибодатхонага, унинг жанубий-шарқий томонидан кенглиги 70 смли тош йўлакча келиб тақалган. Тош йўлакча жанубий мудофаа девор устига қурилган хоналар оралаб, ғарбга томон кетган. Унинг узунлиги 25 м. У ғарбий девор чегарасидан ўтгач йўқолган. Тош йўлакча, полига тош терилган хона ва унинг қоқ ўртасига жойлашган кулга тўла алтар 5-тепаликнинг иккинчи қурилиш даврида қад кўтарган жамоавий ибодатхона комплекси сифатида 5-тепанинг мўлали босқичида ҳам фаолият кўрсатган бўлиши мумкин.

Юқорида тавсиф этилган жамоавий ибодатхонанинг бош объекти доира шаклидаги кулга тўла алтар бўлиб, у кўзали даври жамоавий ибодатхонанинг муқаддас оташкадаси бўлган. Ибодатга келган жамоа аъзолари муқаддас тош

йўлакча орқали муқаддас залга кириб, оташкада атрофида тегишли расм-русмларини ўтказиб, кўнгли таскин топгач уйга қайтган. Муқаддас тош йўлакчанинг ҳар икки томонига параллел қалин (кенглиги 80 см) девор барпо этилган бўлиб, у деворлар фундаменига ҳарсанг тошлар териб чиқилгани аниқланди. Бу параллел деворлар 3 жойда перпендикуляр деворлар билан бўлиниб, тош йўлакча уларни оралаб ўтган. Жанубий параллел девор орқасида юпқа плита тошлардан қурилган (узунаси 4 м. кенглиги 0,70 см) 2 та тош яшиқлар очилди. Тош яшиқлар усти тошлар билан ёпилган эди (расм.). Ҳар бир яшиқда оловда қуйиб, деярли кукунга айланган кул аралаш одам суяк парчалари учратилди. Яшиқлардан бирининг тош қопқоғи синдирилган. Яшиқлар ичида ёмғир ва қор сувларидан ҳосил бўлган тоза лойқа қатлами учратилди. тоза лойқа қатлами остидан эса оппоқ кул аралаш куйган суяк қолдиқлари ва икки парча даштликлар сополи топилди.

Тош яшиқда бундай топилмаларни учраши ушбу қурилма чорвадор ўзга этник гуруҳларга тегишли эканлигидан далолат беради. Тош яшиқларнинг иккинчиси устидан перпендикуляр девор кесиб ўтган. Эҳтимол, бу девор мўлалли ёки бўстон даврига тегишли бўлиши мумкин. Чунки, девор лойи ичида Сополли маданиятининг сўнгги босқичлари сопол парчалари учрайди. Ушбу жамоавий ибодатхона ва унинг атрофини қазиб вақтида шу нарса маълум бўлдики, тош яшиқлар, ибодатхона комплекси ва тош фундаментли деворлар кўзали даврига тегишли бўлиб, айнан шу даврда қадимги деҳқончилик жамоалари қишлоқ ва шаҳарларига шимолнинг дашт чорвадорлари кириб келадилар ва сиёсий-ҳарбий устунликни қўлга киритиб, маҳаллий аҳолининг диний-маънавий руҳиятига ўз таъсирини ўтказа бошлайдилар. Бу ҳақда кўзали даврига келиб таъқиқланган турар-жой масканларида ўзга этник гуруҳларнинг қабрларини пайдо бўлиши, ҳатто маҳаллий аҳоли яшаш маконларида Андронова маданиятига хос кучукчалар қабрини учраши бундан далолат беради. Яна бир далил, ушбу тепа майдонида, тош яшиқлардан бир неча метр нарида чуқур тош ҳовуз очилди.

Ховуз майдони 2x3 м. резеруарининг ички деворига зич қилиб сомон лой билан дарё тошлари териб чиқилган, остига эса йирик плита тошлар терилган. Ховузнинг чуқурлиги 1 м.га яқин. Тошлар юзасида олов излари яққол кўзга ташланади. Ховуз деворининг юқори қисми унинг ичига йиқилиб, ховуз ичи куйган тошлар, тупроқ аралаш кул, сопол синиқлари ва бошқа чиқиндиларга тўла. Бу жойни чорвадор орийлар жасади куйдирилган “крематория” сифатида талқин қилиш мумкин. Демак, тош яшиқларга кўмилган даштликлар жасади айнан мана шу “крематория”да куйдирилган бўлиши мумкин.

5-тепанинг шимолий-шарқий қисмидан кулолчилик устахонасининг излари очилди, яъни кулолчилик чархининг тагтоши (расм...) ва ер ости хом ашё омбори топилди. Омбор тубида сопол идишлар яшаш учун тайёрлаб кўйилган лой хом ашёси сақланган экан. Тепаликнинг шу қисмидан металлургия устахонаси, яъни металл эритиш кўраси (печи) ва сопол қозон (тигел) парчалари, шунингдек устахона майдонидан йирик тош сандон ва унинг атрофида зарба изли бир неча тош болғалар учратилди. Булар 5-тепаликнинг мўлали ва бўстон босқичларига тегишли эди.

Жарқўтон ибодатхонаси. Кенг кўламли археологик қазималар шаҳристон майдонининг 6-тепасида ҳам олиб борилди<sup>51</sup>. Бу жойдан илк зардуштийлик динининг монументал ибодатхонаси очилди. Оташпарастлар ибодатхонаси комплекси кўхандиздан 350 метрлар чамаси жанубий-шарқда, жарқўтоннинг энг баланд қисмида қад кўтарган. Чунки, қадимги меъморлар, унинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрнига кўра, ўз даврида, унга қайси томондан нигоҳ ташламасин, унинг маҳобатли салобати аниқ кўзга ташланиб туришини ҳисобга олганлар. Чунки, кўхандизда жойлашган ҳукмдорнинг кошона қасри-қароргоҳи ўзининг монументал бўй-баста билан қадимги шаҳарнинг кун ботарида савлат тўкиб турса, худди ана шундай бошқа бир монументал бино-оташпарастлар ибодатхонаси, унинг кун чиқар томонида шаҳар ва атроф аҳоли пунктлари жамоаларининг муқаддас саждагоҳи сифатида кўзга ташланиб турган. Бу

---

<sup>51</sup> Аскарлов А., Ширинов Т. Равниня городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Самарканд-1993, с. 7-24, 47.



монументал икки иншоот, бир томондан қадимги шаҳарнинг диний ва дунёвий бошқарув тизимидаги асосий шаҳарсозлик маданиятининг кўрки бўлса, иккинчи томондан, ушбу йирик аҳоли пунктининг шаҳар деб аталишига мазмун ва маъно берган муҳим икки омил эди.

Кейинги йилларда Ўрта Осиёнинг қатор археологик ёдгорликларида ибодатхона, диний марказ ва муқаддас саждагоҳ деб аталган монументал характердаги иншоотлар очилган. Булар, Олтинтепада диний марказ мажмуаси<sup>52</sup>, Дашли-3 да ибодатхона<sup>53</sup>, Саразмда диний саждагоҳ маркази<sup>54</sup>, Мурғоб воҳасида Тўғолоқ ва Гонур ибодатхоналари<sup>55</sup> деб аталган. Жарқўтон ибодатхонаси эса ана шулар қаторидаги қуёш ибодатхонаси эди.

Жарқўтон ибодатхонаси тўғри тўрт бурчак шаклда (44,5 х 60 м.), томонлари ёруғликка мослаштирилиб қурилган. Чор атрофи ҳам ғиштли қалин (4,5 м.) мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Функциясига кўра, у икки қисмдан, яъни муқаддас саждагоҳ ва ибодатхона қошидаги хўжалик-хизмат қисмидан иборат. Комплексининг муқаддас саждагоҳ қисми унинг шарқий томонини (35 х 35 м.) эгаллаган.

Ибодатхонаниннг муқаддас қисмида ёпиқ коридорлар, мажусий оташпараст мубодлар хонаси, муқаддас кулхона, супали кутиш зали, кенг ва баланд тагкурси (Платформа) майдони ва унинг устида 4 колоннали айвон остида бош оташгоҳ, очиқ ҳовли ва унда тор (80 см) тош йўлакча ва йўлакча томонлари бўйлаб қудуқ ва доира шаклида ишланган алтарлар жойлаштирилган. Тош йўлакча очиқ ҳовлининг шимол томонида жойлашган оташгоҳга бориб яқунланади. Йўлакчаниннг ғарбга томон бурилган тормоғи эса очиқ ҳовлининг ғарбида жойлашган муқаддас кулхонага кириш эшиги олдида тўхтаган.

Ибодатхонага кириш дарвозаси комплексининг жанубий томонида, унинг хўжалик-хизмат қисми томонига жойлашган. Илоҳий эътиқоди бўйича руҳини

---

<sup>52</sup>Массон В.М. Алтын-Депе. Ленинград-1981, с. 56-80.

<sup>53</sup>Сарианиди В.И. Древние земледельцы Афганистана. Москва-1977, с. 34.

<sup>54</sup> Исаков А. Саразм (К вопросу становления раннеземледельческой культуры Зеравшанской долины. Раскопки 1977-1983 гг.) Душанбе- 1991, с. 72-73.

<sup>55</sup>Сарианиди В.И. В поисках страны Маргуш. Москва-1993, с. 245-292; Его же. В поисках страны Маргуш. Москва-1993, с. 293-356.

пок этишга келган зиёратчиларни дарвоза қаршисидаги очик ҳовлида ибодатхона хизматчилари кутиб олишган. Зиёратчилар ўз навбатида келтирган нарзи-ниёзларини уларга топшириб (чунки худди шу очик ҳовли шимолий томонида ибодатхонанинг нарзи-ниёз сифатида оладиган ғалла омбори жойлашган бўлиб, казишма вақтида у хонадан қорайиб кетган бир талай буғдой донлари учратилди), ўзлари ибодатхона хизматчилари кузатувида, ибодатхонанинг жанубий мудофаа девори ости бўйлаб кетган усти ёпик коридорга киришган. Коридорга кираверишда, ерга, бўғизига қадар кўмилган сопол баркашдаги қандайдир суюк ичимликдан (эхтимол, хаома бўлса керак) танаввул қилишиб, гўёки ўзларини ички аъзоларини поклашган. Сўнг, зиёратни давом эттирганлар. Зиёратчилар ёпик коридор охирида пиллапоя орқали очик ҳовлига кўтарилиб, унинг ўртасига ётқизилган тош йўлакча орқали ҳовлининг шимолий қисмида жойлашган йирик оташгоҳ томон йўл олишган. Уни тавоф қилишгач, сўнг саждагоҳнинг энг баланд қисми - кенг супа устига қурилган бош оташкада - алтар томон йўл олган. Таъкидлаш жоизки, очик ҳовлидан ўтган тош йўлакчанинг ўнг томонида муқаддас қудуқлар, чап томонида эса қатор алтарчалар жойлашган.

Муқаддас саждагоҳ худудий доирасидаги ибодатлар муқаддас олов ёниб турган бош оташгоҳда яқунланган. Зиёратчилар бош оташгоҳ жойлашган кенг супа майдонида бош оташгоҳни тавоф қилиб бўлгач, ибодат яқунланган. Ибодат яқунлангач, зиёратчилар аста-секин, бош алтар майдонининг жанубий-ғарбий бурчагида, киши назари тушмайдиган тор (кенглиги 80 см) йўлакча орқали ибодатхонани тарк этишган. Айнан шундай манзара Эроннинг мил. авв. VIII асрга тегишли муқаддас Барде Нишонда ва Масжиди Сулайман ибодатхоналарида ҳам кузатилади. Бу ибодатхоналарнинг бош оташкадага олиб борувчи зинапоялари тантанали характерга эга бўлиб, ибодат яқунлангач, зиёратчилар тантанали зинапояларга параллел қилиб қурилган тор ва оддий йўллар орқали саждагоҳдан чиқиб кетишган.

Таниқли эроншунос археолог олим Р. Гиршман ибораси билан айтганда, зиёратчиларнинг ибодатхонадан чиқиб кетиш йўллари шунчалар оддийки,

“ибодатхонада уларда бир марта юрган зиёратчи, ибодат жараёнида бошқа фойдаланмаган”<sup>56</sup>.

Жарқўтон ибодатхонасининг муқаддас платформада қад кўтарган марказий култ объектининг қурилиш режаси ва функционал характери Эроннинг юқорида номлари зикр этилган ибодатхоналарга яқин туради<sup>57</sup>, яъни Эрон зардуштийлик ибодатхоналарининг тарихий илдизлари Жарқўтон ибодатхонасига бориб тақалади. Таъкидлаш жоизки, кенг платформа майдони (70x40x6 м.) эга бўлган ибодатхоналар Пасаргадах ва Мидиянинг бошқа ибодатхоналарида ҳам учрайди<sup>58</sup>.

Очиқ ҳовли майдонида учратилган тош йўлакча, кудуқ ва алтарчалар ибодатхонага илоҳий характер бағишлайди.

Муқаддас платформа майдонида жойлашган Чахартак остидаги бош алтар билан очиқ ҳовли ўртасида квадрат шаклида чуқир хона очилиб, у қалин тоза кул қатлами билан тўлгазилган эди. Унинг кул қатламини кўздан кечирилганда, у ердан кўплаб сополдан ишланган алтар чироқлари (переносной алтар) ва сопол бақалларнинг парчалари топилди. Бу хона муқаддас кулхона бўлиб, у ибодатхона алтарларида ёнган олов куллари сақланадиган махсус жой бўлган. Муқаддас кулхонадан топилган бақал парчалари эса, ибодат маросимлари давомида қандайдир муқаддас ичимлик (Хаома) ичиш ибодат удумларининг ажралмас қисми бўлганлигидан далолат беради. Ибодатхонанинг хўжалик-хизмат қисмидан топилган муқаддас хаома шаклидаги сопол идиш эса, фаразимизни тўғри эканлигини тасдиқлайди.

Муқаддас кулхонанинг шимолий ва жанубий томонларида биттадан хоналар очилиб, уларнинг бирини шимолий деворида ўчоқ ва унинг деворлари бўйлаб эса супа жойлашган. Бу хонани мубодлар хонаси деб атадик.

Муқаддас саждагоҳнинг шимолий-шарқий бурчагида жойлашган 8 та супали зал эса, амалда бош оташгоҳни зиёратчилар гуруҳи тавоф қилишаётган

---

<sup>56</sup>Гиршман Р. М. Религия Ирана от VIII в. до н.э. до периода ислама. “Культура Востока. Древность и средневековье. Ленинград-1978; Его же. Происхождение «Чахартака». Культура Востока. Древность и средневековье. Ленинград- 1978. с.69.

<sup>57</sup>Гришман Р.М. Terrasses Sacrees de Bard-eNechanderet Masjed-ISolomanb. Paris- 1976. с.67.

<sup>58</sup>Всеобщая история архитектуры. «Архитектуры древнего мира». Том I, Москва-1970, с.311.

кезларда навбат кутиб ўлтирган зиёратчилар учун кутиш зали вазифасини ўтаган. Уларга кириш эшиги ибодатхонанинг мудофаа деворлари ости бўйлаб кетган коридор орқали бўлган.

Ибодатхонанинг шарқий мудофаа деворини шимолий қисмида доира шаклда қурилган ягона бурж жойлашган. Унга коридор томондан мудофаа девори ичига жойлаштирилган квадрат шаклдаги хона орқали ўтилган. Ушбу бурж оташпарастларни ибодатга чақириш буржи бўлса ажаб эмас.

Энди, ибодатхона қошидаги хўжалик-хизмат қисмига келсак, у комплексни тўртдан бир қисмини ташкил этади. Ибодатхонанинг хўжалик-хизмат қисмидан, юқорида эслатиб ўтилган ғалла омборидан ташқари, бронзадан митти буюмлар тайёрлаш устахонаси, бедарак йўқолган жамоа аъзолари яқинлари томонидан берилган буюртма хайкалчалар тайёрлаш устахонаси, муқаддас ичимлик тайёрлаш "цеҳи" ва уларни сақлаш омборлари топилди. Бу ишлаб чиқариш пунктлари ва уларга тегишли ашёвий далилларга қараганда, жарқўтонликларнинг дафн маросими билан боғлиқ бўлган барча урф-одатларнинг амалий ечими оташпараст мубодлар назоратида бўлиб, уларнинг фаол иштирокида дафн маросимлари бажарилган.

Ибодатхона қошида хўжалик-хизмат комплексининг ташкил этилиши эса, ажждодларимизнинг маънавий олами ва диний тасаввурларидан келиб чиққан бўлиб, улар қуёш култи билан боғлиқ илоҳий қарашларнинг маълум қонун ва қоидаларига, тартиб ва мафкуравий тизимига бўйсундирилган. Ибодатхоналар қошида махсус ишлаб чиқариш – хўжалик бўлимининг ташкил этилиши эса, Қадимги Шарқда зардуштийлик ибодатхоналарининг ажралмас таркибий қисми бўлиб келган<sup>59</sup>.

Сополлитепа ва Жарқўтонда олиб борилган археологик дала тадқиқотларимиздан маълумки, Сополли маданиятида дастлаб қабрларни ҳовли-жой ичига, уйларнинг поли остига ёки уларнинг деворлари тагига ва хонага кириш эшиги остонаси остига кўмиш кенг тус олган. Шунингдек, баъзи ҳолларда катта патриархал оила истиқомат қилаётган ҳовлининг харобага

---

<sup>59</sup>StronachD.B. TepeNush-i Jan: Excavation in Iran. Oxford-1972, p. 296.

айланган қисми уруғ жамоаларининг хилхоналарига айлантирилган. Бундай ҳолларда қабрларга қўйилган меҳнат ва ҳарбий қурооллар кундалик ҳаётда фойдаланиб келинган яроқли қурооллардан иборат бўлган.

Бу манзарани кўп йиллик фаолиятимиз давомида Сополлитепа маданиятининг дастлабки (сополли ва жарқўтон) босқичларида бевосита кузатдик. Кўмиш маросими билан боғлиқ бу урф-одат ушбу маданиятнинг кўзали босқичидан эътиборан тубдан ўзгарди. Чунки, айнан худди шу даврда катта патриархол оила оташкадаларидан ташқари бутун бир шаҳар ёки шаҳар-давлат масшабда хизмат қилувчи монументал ибодатхоналар пайдо бўлдики, эндиликда улар жамиятни бошқариш тизимидаги асосий омиллардан бирига айланди, туғилиб келаётган дастлабки синфий жамиятнинг мафкуравий маркази, аҳолига руҳий мадад ва таскин берувчи бош саждагоҳ ташкил топди.

Дарҳақиқат, археологик материалларнинг қиёсий таҳлилига кўра, Жарқўтон ибодатхонаси милoddан аввалги XIV асрда қадимги қалъа ўрнида қад кўтарган. Айнан шу даврдан бошлаб жарқўтонликлар ҳаётида туб ўзгаришлар юз берди. Эндиликда ҳаётдан кўз юмган одамларни улар яшаган хоналарга кўмиш барҳам топди. Шаҳар ташқарисида алоҳида барча учун тенг қабристонлар пайдо бўлди. Масалан, Жарқўтон шаҳар харобасининг жанубида, юқорида таъкидлаганимиздек, қадимги шаҳардан ташқарида, бир неча табиий тепаларни эгаллаган, умумий майдони 20 га дан кам бўлмаган қабристон ташкил топди. Уларда ўтказилган археологик изланишлар натижасида, қўлга киритилган ашёвий далилларга қараганда марҳумларни яшаб турган ўз ҳовли - жойларига кўмиш урф-одати жарқўтон босқичининг сўнгги давларида барҳам топган. Шунинг учун бўлса керак, биринчидан, Жарқўтон ва шу маданиятга тегишли бошқа ёдгорликларда очилган уй-жой массивларининг бирортасида ҳам на кўзали, на мўлали, на бўстон комплексларига оид биронта ҳам қабр учратилмади. Иккинчидан, Сополли маданиятининг сополли ва жарқўтон босқичларида бирор кимса оламдан ўтса, анъанавий урф-одатга кўра, унинг қабрига, унинг ҳаётлик давридаги касби-кориға тегишли меҳнат ва ҳарбий қуроолларини қўшиб кўмиш одат бўлган. Ундан ташқари дафн маросимиға

катнашган ҳар бир оила номидан сопол идишларда марҳум қабрига суюқ ёки кўйиқ овқат қўйилган. Мана шу анъанага кўзали босқичидан бошлаб, қатъий равишда баъзи бир тузатишлар киритилди, яъни агар қабрга қўйилган меҳнат ва ҳарбий қуролларини авваллари асли қўйилиб келган бўлса, эндиликда улар ўрнига у қуролларнинг ибодатхона қошида тайёрланган махсус митти нусхалари қўйиладиган бўлди. Эҳтимол, бу ўзгаришлар у вақтда меҳнат қуроллари асосан бронзадан ясалгани учун металл хом ашёсини иқтисод қилиш билан боғлиқ бўлгандир. Эҳтимол, бу ўзгариш заминидан қандайдир диний ғоявий маъно ётар? Ҳар қалай, бу ўзгариш айнан ўша давр оташпарастлар мафкурасида патриархал оилавий оташқадаларнинг умумшаҳар ибодатхонаси даражасига ўсиб чиқиш жараёнида содир бўлди. Учинчидан, умумшаҳар ёки маълум бир воҳа миқёсида монументал бош ибодатхонасининг шаклланиши муносабати билан оташпарастлар мафкура оламида қандайдир ўзгаришлар юз берди. Масалан, марҳумни "нариги" дунёга кузатиш билан боғлиқ маросимлар эндиликда, ибодатхона мубодлари назоратида бўлиб, улар тартибга солган меъёрий ўлчамларда ўтказилган. Чунки, ибодатхонанинг хўжалик-хизмат қисмини қозиш вақтида марҳумни дафн этиш билан боғлиқ баъзи бир масалалар ечимини ибодатхона ўз зиммасига олган кўринади. Бундай хулосага келишимизга қуйидаги далиллар ишора қилади:

1) Ибодатхонага кириш дарвозаси қаршисидаги очиқ ҳовли ёнидан махсус металлургия устахонаси очилди. Устахона шарқий деворига ёпиштириб (кенглиги 0,70 см, баландлиги 1 м.) қурилган супа устига қатор (5та) ўчоқчалар ўрнатилган. Ўчоқчаларнинг баъзи бирларида бронза хом ашёси эритиладиган тигел (қозон) парчалари топилди. Қозон тагида кўкимтир тус олган бронза эритмаси сақланган. Устахонанинг ғарбий деворига ёпиштириб (баландлиги 1 м.) квадрат шаклда (1,5x1,5 м.) қурилган яна битта супа очилди. Супанинг шимолий қисмига усти текис ёрғучоқ сифат ишчи майдони текис сандон ўрнатилган. Унинг устида бронзадан қандайдир асбоблар тайёрланганлигидан гувоҳлик берувчи кўкимтир металл заррачалари сақланган. Супа ёнидан 7 м. чуқурликда қудуқ очилди. Устахона ичидаги маданий

қатламни қазиш вақтида эса металл эритмасининг парчалари, металл шлаклар, бронза митти пичоқлар, болта, теша ва бошқа уй-рўзғор асбоблари топилди. Устахонадан топилган бронза буюмлари орасида биронта ҳам хўжаликда ишлатилишга яроқли асбоб-ускуна учратилмади. Демак, ушбу устахонада фақат марҳумлар учун, уларнинг касби-корига мувофиқ буюртма бажарилган. Бошқача қилиб айтганда, жарқўтон босқичининг иккинчи ярмидан бошлаб қабрларда учратилаётган митти бронза буюмлари марҳум эгалари томонидан унинг касби-корига кўра, махсус тайёрлатилган меҳнат ва жанговор курулларнинг имитацияси бўлган.

2) Ибодатхона хўжалик қисмининг жанубий-ғарбий бурчагида тенг иккига ажратилган коридорсимон хона жойлашган. Уларни қазиш вақтида девор остидан лойдан ишланиб, куйдирилмай қизил рангга бўялган бир неча одам хайкалчалари топилди. Одатда, бундай хайкалчалар кенотаф мозорларда (қадимда бедарак йўқолган қабиладошларининг майити ўрнига матодан ясалган кўғирчоқ ёки лойдан ишлаган хайкалча ёки бўлмаса, қабрга йўқолган одам жасади ўрнига марҳум мулкидан кўзичоқ кўмиш одати бўлган. Мана шундай мозорлар, одатда, кенотаф мозорлар, деб юритилади) учратилади.

Ибодатхона хўжалик-хизмат қисмини қазиш вақтида, унинг икки жойидан муқаддас ичимлик тайёрлайдиган "цех" излари топилди. Биринчи "цех" (ибодатхонанинг 2-босқичига тегишли) 9-хонани тўлиқ эгаллаган. Хона поли ва унинг деворлари оч-қизил юпқа гипс сувоқ билан сувалган. Хонанинг бироз пасайтирилган қоқ ўртасига, бўғзига қадар полга чўктирилган хум ўрнатилган. Хумга икки томондан қалин гипс сувоқли ариқчалар тортилган. Ҳар иккала ариқча бошида гипсланган чуқурчалар бўлиб, уларга сополбаркашлар қўйилган. Сопол баркашларнинг ичи ҳам ярмигача қатлам-қатлам гипс билан сувалган. Полга чўктирилган хум тагида қорайиб қотиб кетган қандайдир сувоқлик қолдиғи, узум уруғлари ва жийда данаги учратилди. Хум яқинидан хумо қуши қиёфасидаишланган сопол идиш топилди. "Цех" ёнида яна бир хона (10) бўлиб, унинг деворлари остидан бирнеча хумларнинг парчалари учратилди. Агар 9-хона муқаддас ичимликлар тайёрлаш " цехи" бўлса, 10-хона

"цех" қошидаги омборхона бўлиши мумкин. Худди шунга ўхшаш бошқа бир "цех" қолдиғи ибодатхонанинг (3-босқич) 11-хонасидан топилди. Бу жойда хонанинг шимолий қисмини икки томони супа қилиб кўтарилган, унинг ўртаси эса пол сатҳида қолдирилиб, унга катта сопол баркаш ўрнатилган. Супалар устига думалоқ резервуарлар ясалиб, уларни ичи гипсланган. Улардан сопол баркаш томон гипс сувокли ариқчалар тортилган. Хонанинг жанубий-шарқий бурчагидан қорнига қадар полга чўктирилган хум топилди. Хонанинг қоқ ўртасига эса айлана шаклда қурилган алтар ўрнатилган.

Гарчи бу икки "цех"да қандай ичимликлар тайёрланганлиги ҳақида гувоҳлик берувчи аниқ ашёвий далиллар бўлмасада, аммо, уларда оташпарастларнинг муқаддас ичимлиги тайёрланганлигига билвосита ишора қилувчи далиллар йўқ эмас. Масалан, қадимги Бақтриянинг жанубида (Шимолий Афғонистон) ҳамда қўшни Марғиёнада проф. В.И. Сарияниди бронза даври ёдгорликларида изланишлар олиб бориб, жанубий Бақтрия ёдгорликларининг учтасида (Дашли-3, Тиллатепа ва Қутлуқтепа) ва Марғиёнада уч жойда (Гонуртепа, Тўғолоқ-1 ва Тўғолоқ-21) оташпарастларнинг ибодатхоналарини очган. В.И. Сарияниди Гонуртепада гипс сувокли хона очиб, униоташпарастлик ибодатхонаси билан боғлайди. Шунингдек, ибодатхона қошидаги ёрдамчи хоналарнинг бири тўлалигича гипсланганлигини қайд этиб, унда (оқ хонада) эса кишини кайфиятини кўтарувчи муқаддас ичимликлар тайёрланган, деган хулосага келади. Унингбундай хулосага келишида қуйидагилар асос бўлган: 1) "оқ хона" девори остидан учта ичи қатлам-қатлам гипсланган сопол идишлар топилган. Уларни МДУ қошидаги махсус лаборатория текширувидан ўтгазилганда, идиш ичидаги гипс қатламлари орасидан,кутилмаганда, эфедра ўсимлиги излари ҳамда кўп миқдорда кўкнор ва наша уруғининг излари топилган<sup>60</sup>.

2) Худди шундай" оқ хона"лар Марғиёна воҳасининг бош ибодатхонаси Тўғолоқ-21 да ва "қишлоқ ибодатхонаси" Тўғолоқ-1 да ҳам учратилади. Бу

---

<sup>60</sup>Сарияниди В.И. В поисках страны Маргуш. Москва-1993, с. 333; Его же. И здесь говорил Заратуштра. Москва-1992, с. 101-102



хоналарда, худди жарқўтон ибодатхонасида учратилганидек, таги тешик конуссимон идиш – сопол сузгичлар топилганки, улардан хаома ёки кишини кайфиятини кўтарадиган махсус ичимлик тайёрлашда фойдаланганлар. Жарқўтонда узумчилик бўлганлиги ҳақида гувоҳлик берувчи далилларни эслар эканмиз, бунга шубҳа қолмайди.

3) Жарқўтон ибодатхонасининг хўжалик қисми, умуман жарқўтонда кўплаб учрайдиган меҳнат қуролларидан бири - қумтошлардан ишланган ҳар хил катта-кичикликдаги ёрғучоқлару, гранит ва чоқмоқтошлардан ясалган уларнинг устки тоши-янчигичлардир. Бу хилдаги қуроллар Дашли-3, Тўғолоқ-21, Тўғолоқ-1 ва Гонур тепада ҳам кўплаб топилган. В.И. Сарияниди уларнинг бир қисмини МДУнинг махсус лабораториясида биноккуляр микроскоп ёрдамида текширтганда, уларда (ишчи қисмида) кўкнор уруғининг заррачалари учратилган. Шунингдек, қорайиб кетган кўкнор уруғининг ўзи эса ибодатхона топилмаларидан бири, сиртига аниқ қилиб одам кўзлари туширилган найчасимон суяк ичидан топилган<sup>61</sup>.

В.И. Сариянидининг кузатувларига кўра, Марғиёна оташпарастрларини диний маросимларида эфедра ёғидан тайёрланадиган муқаддас ичимлик - хаома билан бирга (ҳозиргача Хиндистон зардуштлари ўзларининг хаома типидagi махсус муқаддас ичимликларини тайёрлаш учун Эронга келиб, эфедра мойини олиб кетадилар) кўкнор ва ёввойи нашадан ичимлик ёки чекимлик тайёрлаш ва улардан диний эътиқод меъёрлари даражасида фойдаланганлар<sup>62</sup>.

Шундай қилиб, қадимги Бақтрия ва Марғиёнада топилган бронза даврининг оташпарастрлар ибодатхоналари зардуштийлик динининг илдиэлари айнан мана шу вилоятларда яратилганлигидан гувоҳлик беради. Тўғри, баъзи бир фараэларга кўра, Зардушт милоддан аввалги VII асрнинг иккинчи ярми ва VI асрнинг боэларида ёки ундан аввал яшаган тарихий шахс сифатида янги динни яратмади, балки у қабиладоэлари қадимдан топиниб келаётган оташпарастрлар динини ислоҳ қилди. Боэқача қилиб айтганда, у эски диний

---

<sup>61</sup>Сарияниди В.И. И эдесь говорил Заратуэтра. Москва-1992, с.89.

<sup>62</sup>Сарияниди В.И. И эдесь говорил Заратуэтра... с. 89-90.

эътиқод ва тасаввурлар тизимига ўзгариб бораётган замон талаби асосида ўз карашларини, концепциясини киритди.

Қадимги Бақтрия ва Марғиёнанинг бронза даври оташпарастрлар ибодатхоналаридан кўриниб турибдики, Заратуштрага қадар бунёд этилган диний эътиқод масканлари ўзларининг монументал маҳобати ва диний маросимларининг бой ва ҳашамлиги билан ажралиб турган. Эфедра, кўкнор наша каби гиёҳванд ўсимлик қолдиқларини ибодатхона комплексларида кўплаб учраши, Авеста ва Веда анъаналарида хаома ичимлигига меъёрий ўлчамларда ўрин беришга олиб келганлигидан далолат беради. Ишонч билан айтиш мумкинки, Марғиёнада Зардушт ислоҳига қадар оловга топиниш ва хаома ичимлигини илоҳийлаштириш кучли бўлган. Бу эътиқод объектлари Зардушт таълимотида ҳам ўзгариб бораётган замон талаби асосида ўз ўрнини топган.

Шундай қилиб, юқорида баён этилган археологик изланишлар ва қазишмалар жараёнида топилган ашёвий далиллар таҳлилидан келиб чиқиб, қуйидаги якуний хулосага келиш мумкин:

1) Ўзбекистон Республикасининг жанубий вилоятларида милoddан аввалги II минг йилликнинг биринчи ярми давомида Қадимги Шарқ цивилизациясига хос урбанистик тарихий шароитда юксак ривожланган илк шаҳар маданияти таркиб топди. Ушбу илк шаҳар маданиятининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий асослари Сурхондарё вилоятининг Шеробод ваҳосида қад кўтарган ноёб ёдгорликлар – Сополлитепа ва Жарқўтон мисолида ўрганилди.

2) Агар Сополлитепа ўзининг қадимги шаҳарсозлик маданиятига хос барча аломатлари билан протошаҳар, яни Авестада тилга олинган Вара қалъа - кўрғонини эслатса, Жарқўтон ёдгорлиги Ўзбекистон ҳудудида биринчи бор таркиб топган том маънодаги энг қадимги илк шаҳар эди. Жарқўтон ёдгорлиги тарихий топографияси ва кенг майдони жиҳатидан ҳам Қадимги Шарқ илк шаҳарларидан фарқ қилмайди.

3) Жарқўтондан топилган ашёвий далиллар уни мил.авв. II минг йилликнинг ўрталарига таалуқли эканлигини тасдиқлайди. Шу даврга оид ўнлаб ёдгорликлар бутун Жанубий Ўзбекистон бўйлаб ва Тожикистоннинг унга

туташ ҳудудларидан топиб ўрганилган. Улар орасида майдони ва ички топографик таркиби жиҳатидан шаҳар талабига жавоб бериши мумкин бўлган ёдгорлик Жарқўтон бўлиб, у ўз даврининг нафақат йирик шаҳри, балки, Шимолий Бактрия ҳудудида биринчи бор ташкил топган илк давлат – Қадимги Бактрия подшолигининг бош шаҳрибўлган, бўлиши ҳам мумкин<sup>63</sup>.

4) Жарқўтон ёдгорлигида узоқ йиллар давомида изланишлар олиб бориш туфайли, уни дастлаб Қадимги Шарқ цивилизациясига хос илк деҳқончилик маданияти ёдгорлиги сифатида тавсиф этилган бўлса<sup>64</sup>, кейинги тадқиқот натижалари Жарқўтонни илк шаҳар<sup>65</sup> сифатида изоҳлашга имкон берди.

5) Жарқўтон ибодатхонасида олиб борилган тадқиқот натижалари зардуштийлик динининг илк куртаклари мил.авв. II минг йилликнинг иккинчи ярмида пайдо бўла бошлаганлигини тасдиқламоқда. Шунингдек, бу ерда очилган монументал ибодатхона ва оташгоҳлар бронза даврида қадимги деҳқон жамоаларининг илк шаҳарлар таркибида қад кўтаргани, бу дин ўзбек илк давлатчилигининг мафкуравий асосини ташкил этганлигини кўрсатмоқда. Зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”да акс этган жамиятнинг ижтимоий таркиби ва рамзий белгилари бронза даври ибодатхоналарида, айнан, Жарқўтон ибодатхонасида ва шу давр дафн маросимлари билан боғлиқ удумларда яққол аксини топган.

Маълумки, зардуштийлик дини маълум тартиб-қоидалар, удумлар асосида муайян бир даврда шаклланди. Диннинг пайдо бўлиши, унинг махсус тизим асосида шаклланиши жамиятда инсонларнинг ишонч-эътиқодини қозонишига ва мафкуравий-сиёсий ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун зарур восита ҳисобланади<sup>66</sup>.

Ўрта Осиёнинг қадимги халқлари ҳақида маълумот берувчи илк ёзма манба “Авесто”да жамиятнинг тузилиши ва унинг таркиби ҳақида ҳам маълумот берилган. “Авесто”нинг энг қадимги қисмлари “Гатлар” деб аталиб,

---

<sup>63</sup>Асқаров А. Тарихимизнинг уч муаммоси ва уларнинг ечими ҳақида янгича мулоҳазалар // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – № V, – Т.: 2000. 24-28бетлар.

<sup>64</sup>Асқаров А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Т.: Фан, 1977.

<sup>65</sup>Ширинов Т. Ранняя городская культура .... автореф. дис...д-ра.ист.наук.

<sup>66</sup>Эсанов М. “Авесто” жамиятининг археологик материалларда ... // Т.ф.н. дис. –Т., 2007. – Б. 52.

унда пайғамбар Заратуштрининг бешлик кўшиқлари, олий худо Ахурамазда ва унинг маъбудалари ҳақидаги олқишли мадҳи батафсил келтирилган<sup>67</sup>. Гатларда кўтарилган ғояларда бронза даври жамияти муносабатларини Қадимги Бактрия ва Марғиёнада давлат тузилмалари шаклланишга қадар бўлган даври ёритилган<sup>68</sup>. Чунки, Қадимги Бактрия ва Марғиёна бронза даври аҳолиси зоолатрик диний қарашларидаги жониворлар тасвири, гатларда мадҳ этилган худо ва маъбудаларнинг диний-руҳий оламидан моддийликка кўчган кўриниши бўлиб, “Авесто” жамиятининг илк белгилари шакллана бошлаганлигидан далолат беради<sup>69</sup>.

“Авесто” жамиятининг ижтимоий – таркибий тузилиши ҳақида А.Асқаров<sup>70</sup>, А.Сагдуллаев<sup>71</sup>, Ш.Шайдуллаев<sup>72</sup>лар ўз ишларида изоҳлаб ўтадилар. Бунга кўра, “Авесто” жамиятини тўрт қатламга ажратиб кўрсатадилар. Булар – катта патриархал оила – “нмана”, уруғ жамоаси – “вис”, қабила – “занту”, вилоят, мамлакат – “дахью” ларга бўлинади. Бу ижтимоий тузилишнинг биринчи, иккинчи ва учинчиси Сополли маданияти материалларида бевосита кузатилади.

Археологик белгиларни кузатар эканмиз, Сополлитепа қалъа-кўрғони 8 та кварталдан иборат бўлса, шу кварталларнинг ҳар бири, биттадан нманани ташкил этган. Вис – бу нафақат қишлоқ жамоаси, балки хусусий ишлаб чиқарувчилар уюшмаси, бутун қишлоқ жамоаси маъносини англатиб, Сополлитепа қишлоғини Висга қиёслаб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Демак, Сополлитепа нманалардан ташкил топган Виснинг қароргоҳидир<sup>73</sup>. Қишлоқ жамоаси тепасида нманатилар орасидан сайлаб қўйилган уруғ оқсоқоли Виспати турган бўлиб, бутун сополлитепаликлар Виспати назорати

---

<sup>67</sup>“Авесто” Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ. 2001.8-34 бетлар.

<sup>68</sup>Эсанов М. “Авесто” жамиятининг археологик материалларида ... // Т.ф.н. дис. –Т., 2007. – Б. 52.

<sup>69</sup>Эсанов М. Бронза даврида Қадимги Бактрия ва Марғиёна аҳолисининг зоолатрик диний қарашлари // Ўзбекистон моддий маданият ёзма манбаларида. Т.: Фан.92-97 бетлар.

<sup>70</sup>Асқаров А. Ўрта Осиё қадимги дунёсининг асосий хусусиятлари.// Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1994. – № VI.31-35бетлар.

<sup>71</sup>Сагдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларида. Т.: 2002.22-25 бетлар.

<sup>72</sup>Шайдуллаев Ш. “Авесто” ва моддий маданият // Ўзбекистон тарихи. 2004. №III.3-12бетлар.

<sup>73</sup>Асқаров А., Ширинов Т. Ранняя городская культура ...стр. 119.

остида бўлганлар<sup>74</sup>. Давлатчилигимизнинг энг дастлабки бўғини ана шу вислар, яъни қишлоқ жамоаларидан бошланган<sup>75</sup>.

“Авесто”нинг қадимги қисмида акс этган давлатчилик атамасининг яна бир кўриниши – занту бўлиб, у қабилавий уюшмани англатади. Қабила уюшмаси бир неча висларни бирлаштирувчи, бир неча уруғ жамоалари устидан назорат қилиб турувчи бошқарув органи ҳисобланган. Жарқўтон ҳудудида жойлашган шаҳар ибодатхонаси ушбу илк шаҳар-давлатнинг бошқарув органи бўлиб, бошқарув тизимида диний раҳнамоликнинг ўрни катта бўлган. Қишлоқ жамоаларини бирлаштирувчи зантуни бошқаришда диний-мафкуравий жиҳатдан Жарқўтон шаҳар иботадхонаси муҳим роль ўйнаган. Ҳар бир уруғга юқори обрўга эга, юксак ибрат соҳиби, ўз ишининг устаси бўлган кишилар саркардалиқ қилганлар<sup>76</sup>.

Сополли маданиятининг Жарқўтондек ноёб ёдгорлиги мисолида ўзбек давлатчилигининг илк илдизлари кузатилар экан, ушбу ёдгорликдан топилган топилмаларнинг тарихий таҳлилига кўра, Сополли маданиятида пайғамбар Зардушт ислоҳатиға қадар оловга топиниш, уни муқаддас билиб, эътиқод даражасига кўтариб эъзозлаганлар. Зардуштийлик дини эътиқоди билан боғлиқ бўлган диний маросим ва байрамларда муқаддас ичимлик сифатида истеъмол қилинган хаома ичимлигини илоҳийлаштириш муқаддас ҳисобланган.

Сўнгги йилларда ибодатхона жойлашган тепалиқда Ўзбек-Олмон экспедицияси қазилма ишларини олиб бориб, ибодатхона қурилишиға қадар ҳам бу тепалиқда маҳобатли иншоот бўлганлигини аниқладилар. 6 – тепалиқнинг энг қуйи қатламида жойлашган ушбу бино Жарқўтон даврида қайта тикланган ва бизгача у бинонинг бир қатор ғишт баландлигидаги ҳолати сақланган. Ўрганилган бино тўғритўртбурчак шаклида бўлиб, 0,90 метр қалинлиқдаги девор билан ўралган. Ушбу бино ичида томонлари 7 метрдан иборат квадрат шаклидаги зал, атрофида эса, йўлаксимон хоналардан иборат

---

<sup>74</sup>Эсанов М. “Авесто” жамиятининг археологик материалларда ... // Т.ф.н. дис. –Т.: 2007.48-б.

<sup>75</sup>Асқаров А. Ўзбек давлатчилигининг тарихий илдизлари // Давлатчиликнинг илк босқичларида – Ўзбекистон. (Республика илмий-амалий конференция материаллари). Т.: 2010. 10-б.

<sup>76</sup>Эсанов М. “Авесто” жамиятининг археологик материалларда ... // Т.ф.н. дис. Т.: 2007. 49-б.

бўлган мажмуа очилган. Мажмуа деворлари ва поллари гипс билан сувалган ва бевосита бронза даври шохона саройи, яъни “оқ сарой”ни эслатади<sup>77</sup>. Бу монументал бинони ишонч билан сарой деб аташ мумкин, деган илмий хулосага келинди.

Жарқўтон ибодатхонаси мажмуасида тадқиқотчилар томонидан жами тўртта қурилиш даври кузатилган бўлиб, унинг энг қуйи қатлами юқорида айтиб ўтилган “оқ сарой” ҳисобланади.<sup>78</sup> Ш.Шайдуллаев ўз тадқиқотларида Жарқўтон шаҳар-давлатининг асосий бошқаруви “Жарқўтон олов ибодатхонаси”дир<sup>79</sup>, деб эътироф этади. Бизнингча ҳам 6 – тепаликда жойлашган ушбу маҳобатли иншоот Жарқўтон босқичида дастлаб, “оқсарой” мавқеидаги қалъа, сўнг унинг қайта қурилишидан кейин бош оташкада жойлашган ибодатхона вазифасини ўтаган. У иншоот 7x7 метрли шохона саройдан иборат бўлиб, унинг атрофи йўлаксимон хоналар билан ўраб олинган, хоналар оқ гипс билан сувалган. Фараз қилиш мумкин, бу белгилар Жарқўтон ибодатхонаси ўрнида ибодатхона қурилишидан аввал жамият бошқарув маҳкамасига ўхшаш махсус марказ бўлганлигини тасдиқлайди.

Сополли маданиятининг Жарқўтон босқичидан бошлаб динга эътибор, диннинг илк марказлашув жараёнлари бошланган даврларда, жамият бошқаруви тепасида турган шахслар диний раҳнамоликни ҳам ўз қўл остига олган бўлишлари табиий ҳолдир. Шу сабабли, бу жой кейинги босқичларда жамият аъзоларининг эътиқоди орқали бир жойга тўпловчи масканга, аниқ режали ибодатхонага айланган.

Тарихдан маълумки, бу даврларда зардуштий мубодларининг жамиятдаги мавқеи анча юқори бўлган. Ибодатхона инсонларнинг ишонч, эътиқод масканига айланган ва муқаддас саждагоҳ сифатида улуғланиб, бу ерда турли хил диний маросимлар ўтказилган. Зардуштийликнинг энг муқаддас тимсоли

---

<sup>77</sup>Шайдуллаев Ш., Хуфф Д., Рахимов К. Жарқўтон – 2002 // Археологические исследования в Узбекистане 2002 года. Т.: 2003. стр 202-204.; Шайдуллаев Ш. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ... Т.ф.д. дис.... автореф. –Самарқанд, 2009. 23-б.

<sup>78</sup>Аскарлов А., Ширинов Т. Ранняя городская культура ...– С. 63.

<sup>79</sup>Шайдуллаев Ш. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ... Т.ф.д. дис.... автореф. –Самарқанд, 2009. 23-б.

олов – бронза давридан эътиборан илк шаҳар-давлатнинг диний бошқаруви коҳинлар кўлида бўлганлигини ва улар илк шаҳар-давлатнинг маънавий-илоҳий ҳукмдори эканлигини англатади. Ибодатхона инсонлар учун муқаддас масканга айлангач, унинг тасарруфида унумдор ерлар кўпайиб, уларни бошқариш ҳам коҳинларнинг назорати остида бўлган.

Ҳукмдор илк сиёсий уюшма – шаҳар-давлат тепасида турган шахс бўлиб, бир вақтнинг ўзида ҳам диний, ҳам дунёвий, ҳам ҳарбий ишларни ўз кўлида бирлаштирган кави мавқеига эга бўлган. Унинг тўлиқ ҳукми остида давлат ишлари амалга оширилган. Шу нуқтаи-назардан қараганда, Жарқўтон ибодатхонаси ва унинг хронологик қатламларидан топилган ашъвий далиллар унинг сарой – ибодатхона вазифасини бажарган объект сифатида қарашликни тақазо этади.

Жарқўтоннинг №5 тепалигида олиб борилган археологик қазилма ишлари жараёнида, бир уруғ жамоасига тегишли уй-жой мажмуалари очилган. Ушбу мажмуанинг марказий қисми Сополлитепадан кўчиб келган катта патриархал оилага тегишли эканлиги аниқланган. Бу ҳақда у ердан топилган археологик материаллар гувоҳлик беради. Ушбу уй-жой мажмуалари Бўстонсой ҳосил қилган соҳилга яқин жойда катта хом ғиштлардан платформа устида қад кўтарган. Платформанинг шимолга қараган сув томони очик, қолган уч томони платформа айланаси бўйлаб, қалин мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Ушбу платформанинг жанубий-шарқий томонидан мудофаа деворига тақаб қурилган 4 хонали бир патриархал оилага тегишли уй-жой мажмуаи очилган. Унинг аҳамиятли томони шундаки, ҳовлидан биринчи хонага киришда, унинг қоқ ўртасида 7 метр чуқурликда қудуқочилган. Қудуқнинг оғзи катта ҳажмдаги ясси тош қоққоқ билан ёпиб қўйилган бўлиб, ушбу хонани “қудуқхона”, деб атадик. Унинг жанубий девори ўртасида эшик ўрни бўлиб, ундан майдони кенгроқ иккинчи хонага ўтилган. Унинг ғарбий деворида мўрилли ўчоқ очилган. Хонанинг шарқий ярмида супа жойлашган. Ушбу ўчоқли ва супали хонани оила ошхонаси бўлса керак, деган хулосага келинди. Ошхонанинг шарқий девори орқасида кичкина хонача бўлиб, у ердан бир неча хум парчалари

топилган. Хоначага кичик дарча орқали ошхонадан ўтилган. Эҳтимол, у озиқ-овқат маҳсулотлари сақланадиган омборхона бўлган бўлиши мумкин. Кудукхонанинг жанубий девори бўйлаб, шарққа томон тор йўлакча кетган. Йўлакчанинг шимолий девори орқасида бошқа уй-жой мажмуаси жойлашган. Йўлакчанинг жанубий девори тугаш жойида эшик ўрни бўлиб, у орқали оилавий алтархонага ўтилган. Унинг майдони тор, аммо катта қисмида супа жойлашган. Супа тўрисида, хоначанинг жанубий девори остига алтар ўрнатилган. Алтар чуқурчасида майин, оппоқ кул, деворларида эса ёнган ёғли пилик излари яққол кўзга ташланади. Алтархона ичи тоза, ҳеч бир мато қолдиқлари учратилмайди. Демак, ушбу тўртинчи кичик хона оилавий эътиқод қилиш, топиниш хонаси – алтархона бўлган. Ушбу тўрт хонали уй-жой мажмуасидан топилган археологик топилмалар Сополли маданиятининг Жарқўтон босқичи билан характерланади.

5-тепаликнинг Кўзали босқичи уй-жой мажмуаларига оид қатламдан жамоавий эътиқод маскани – оташкада топилган. Бу даврга келиб 5-тепалик уй-жой ҳудуди кенгаяди. Жарқўтон даврида дастлабки уй-жой мажмуаларини ўраб олган мудофаа деворларининг фаолияти тўхтаб, майдон текисланиб, унинг устида янги уй-жой мажмуалари қад кўтарган бўлиши мумкин. Улар ҳам тарих тақозасига кўра, вайронага учрайди. Бу ҳолат Жарқўтон жамоалари устига шимолдан жанубга кириб келган, Евроосиёнинг Андронова маданиятига тегишли чорвадорлар фаолияти билан боғлиқлиги, ҳақиқатга яқиндир. Бунинг далили сифатида Кўзали даври уй-жой мажмуалари вайроналарида Андронова уруғ жамоаларининг қабрлари учрашини айтиб ўтиш мумкин. Андронова қабилалари анъанавий дафн маросимларига кўра, тош яшиқлар ясаб, кремация қилган қабилadoшларини кул ва куйган суяк парчаларини тош яшиқларга солиб кўмадилар<sup>80</sup>. Афсуски, барча тош яшиқлар ўғирланган бўлиб, улардан баъзи бир сопол парчаларидан бошқа ҳеч бир нарса сақланиб қолмаган.

Аммо, тош қабрлар яқинида кремация кўраси очилди. У овал шаклида бўлиб, сатҳи кенг 3 м<sup>2</sup> майдонни эгаллайди, чуқурлиги 1,40 см, кремациянинг

---

<sup>80</sup>Аскарлов А., Ширинов Т. Ранняя городская культура ...– С. 43-44.



овалсимон майдони то сатҳигача бир хил тухум тошлар билан қопланган<sup>81</sup>. Демак, ушбу қурилмани Андронова чорвадорларининг кремацияси сифатида талқин этиш мумкин.

Бироқ, андроноваликлар маҳаллий аҳолининг диний тасаввурларини ўзгартириб юбора олмайдилар. Қуёшга, унинг ердаги парчаси оловга бўлган эътиқод давом этади. Диний тасаввурлар ва уларнинг ривожланиши жамиятда диний-мафкуравий кучларнинг мавқеини ошириб боради. Ибодатхона вужудга келгунича ва фаолият бошлаган кезларда ҳам аҳолининг оилавий ва жамоавий саждагоҳ масканлари ўз ўрнини йўқотмаган. Бошқарувнинг шаҳар – давлат даражасига кўтарилган даврига келганда, марказий монументал иботадхонанинг пайдо бўлиши юз беради. Демак, оилавий ва жамоавий саждагоҳларда аждодларимиз оила ва фақат ўзларининг жамоалари билан ўтказиладиган диний маросимларни бажариб келган, марказий ибодатхонада эса, бутун шаҳар аҳолиси диний маросим ва байрамларни ўтказган бўлиши мумкин.

Дин нафақат, кишилиқ жамиятининг дастлабки босқичларида, балки давлат бошқарув тизимида ҳам катта роль ўйнайди. Давлат ва жамиятда диний ғоялар асосан унинг кучли ва мустақкам бўлишини таъминлайди. Қаердаки диний тизим кучсиз бўлса, ўша давлат, ҳокимият жуда тез парокандаликка учрайди<sup>82</sup>.

Йирик дарёларнинг қуйи ҳавзаларида, сертармоқ ўзанлари бўйлаб ташкил топган “вис”лар протошаҳар ёки йирик шаҳармонанд қишлоқларни ташкил этса, уларни сиёсий – маъмурий ва диний бошқарув жиҳатдан бирлаштирган бир неча микровоҳаларнинг бош шаҳри шаҳар – давлат мақомида бўлган<sup>83</sup>.

Жарқўтон ёдгорлигида олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида, бу ерда илк шаҳарга хос бўлган хусусиятлар, яъни арки аъло, унинг ҳудудий доирасида ҳукмдор саройи, мудофаа қурилиши, хунармандчилик иншоотлари,

---

<sup>81</sup> Аванесова Н.А., Ташпулатова Н. Символика огня в погребальной практике сапаллинской культуры. (по материалам исследования могильника Бустан VI). ИМКУ, вып.30. Самарканд, 1999. – С. 27-36.

<sup>82</sup>Васильев Л.С. История религий востока. .... – С. 14.

<sup>83</sup>Асқаров А. Ўзбек давлатчилигининг тарихий илдизлари // – Т.: 2010. 11-б.

бўлажак шаҳристон доирасида ибодатхона, аҳоли яшайдиган турар-жой массивлари ва шу ерлардан топилган моддий маданият намуналари Жарқўтон ёдгорлигини илк шаҳар тоифасига киритиш имконини беради.

Агар у ёки бу ёдгорликни қадимги шаҳар деб аталиши учун қўйиладиган илмий талаблардан келиб чиқилганда ҳам Жарқўтон у талабларга жавоб бериши мумкин бўлган ноёб ёдгорликдир. Қадимги шаҳарларга хос бўлган биринчи аломат - шаҳар майдонида арки аъло ва шаҳристонни таркиб топган бўлиши бўлса, Жарқўтонда бу содир бўлган, яъни 100 гектарли Жарқўтонни 3 гектари арки аълоси ва унга туташ кенг “шаҳристон” бор.

Иккинчи аломат – ўтроқ деҳқончилик маданияти аҳолиси зич жойлашган маскан мудофаа деворлари билан ўраб олинган бўлиши керак. Сополлитепа ва Жарқўтонда бу мудофаа иншооти ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Учинчи аломат – шаҳарнинг арк қисмида монументал маҳобатли бино яъни шаҳар ҳокимининг ўрдаси-қароргоҳи бўлиши керак. Жарқўтон кўхандизи майдонининг жанубий-ғарбида шундай монументал бино қад кўтарган. Бу ҳукмдор қароргоҳи Жарқўтонда ўз аксини топган.

Тўртинчи аломат – шаҳар майдонида барча учун баробар хизмат қилувчи бош саждагоҳ жойлашган ибодатхона - диний мафкура маркази шаклланган бўлиши керак. Жарқўтонда шундай бош саждагоҳ - маҳобатли монументал ибодатхона таркиб топган.

Бешинчи аломат – қадимги шаҳарда ҳунармандчиликнинг турли тармоқларини профессионал даражада таркиб топган бўлиши керак. Сополлитепа ва Жарқўтонда бу йўналиш юксак даражада ривожланган. Бу икки объектда айниқса, кулолчилик, металлургия, тўқимачилик, амалий санъат, уй-жой қурилиши соҳалари бўйича ихтисослашиш жараёни профессионал даражада бўлганлиги яққол кўзга ташланади.

Шаҳар ҳунармандчилик маҳсулотлари нафақат ички бозор, балки ташқи бозор учун ҳам кенг кўламда ишлаб чиқарилган. Масалан, ушбу қадимги шаҳар маданиятига тегишли кулолчилик маҳсулотларини узок Хитой худудларигача кириб борганлиги ҳақида гувоҳлик берувчи ашёвий далиллар мавжуд. Демак,

бу ўша давр шаҳар аҳолиси таркиби ҳақида фикр юритишга ишора бўлиб, қадимги Жарқўтон шаҳар аҳолиси эркин деҳқон жамоалари-кашоварлардан, шаҳарнинг хунар ва савдо аҳли "озодкор" ва "гувокор"лардан иборат бўлган. Шаҳар ҳаёти нафақат диний, балки дунёвий жиҳатдан ташкил этилган бошқарув тизими асосида қурилган. Шаҳар ҳукмдорининг монументал қошонасининг Арки аълода барпо этилиши бунга далолатдир.

Юқорида санаб ўтилган археологик белгилар Жарқўтон ёдгорлигида ўзининг тўлиқ аксини топган. Ушбу белгиларга қўшимча сифатида ёзувни бўлишлиги тадқиқотчилар томонидан шаҳарларнинг асосий белгиларидан бири сифатида тан олинган<sup>84</sup>.

Ўзбекистон ҳудудида илк давлатчиликнинг пайдо бўлиши масалалари бўйича тадқиқот ишларини олиб борган Ш.Шайдуллаев илк шаҳарлар, шаҳарлар билан бир тарихий жараёнда вужудга келадиган илк давлатларда бошланғич ёзув усулини бўлишлиги зарурий белгидир, зеро, инсон ўз фикрини ифода этишисиз давлатнинг ҳам вужудга келиши мумкин эмас. Бойликнинг ортиши санокқа, хўжалик бошқарувидаги мураккабланиш ёзувга бўлган эҳтиёжни туғдиради, деб таъкидлайди. Сополлитепа ёдгорлиги сополларидан топилган 29 та белги ва кейинги тадқиқотлар натижасида Жарқўтон ёдгорлигидан топилган 52 хил белги-ёзув бронза даврида илк ёзув пайдо бўла бошлаганини кўрсатади. Бу белгиларни пиктографик ёзув, деб аташ ҳақиқатга яқин эканлиги асослаб берилган<sup>85</sup>.

Ҳақиқатдан ҳам илк шаҳарга хос бўлган барча омиллар шаклланиш ҳудудда ўз даври учун ёзувнинг бўлиши муҳим омил ҳисобланади. Чунки юқори даражада ривожланган хунарамандчилиги, сарой иншоотлари, ибодатхонаси, савдо-сотиқнинг ривожланганлигини кўрсатувчи далилларга эга бўлган ҳудуднинг ўзлари учун муомалада бўладиган ёзуви бўлмаслиги мумкин эмас. Шундай экан, бу маданият айрим тадқиқотчилар айтганидек, сўнгги

---

<sup>84</sup>Childe V.G. The urban revolution // Town planning Review. Vol. 21. 1950, - P.9-16; Гуляев В.И. Города государства Мая. (Структура и функции города в раннеклассовом обществе). – Москва. 1979. - С. 19.

<sup>85</sup>Шайдуллаев Ш. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши... Т.ф.д. дис... 137-б; Аскарлов А. Сополли маданияти пиктографик ёзув белгиларини ўқишдаги дастлабки изланишлар. "Марказий Осиё халқлари тарихи манбашунослиги ва тарихшунослиги масалалари". V-сон, Т.:2013, 12-38 бетлар.

бронза даври илк шаҳар ёдгорликлари “бронза даврининг урбанизациялашган кишлоқлари” ва яна бошқа олимлар “шаҳармонанд” (протогород) деб айтганларидек эмас, балки тарихий далиллар, моддий маданият намуналари асосида сўнги бронза даври илк шаҳар ёдгорликлари дейишга ҳақли тарзда имкон беради.

Ўзбек давлатчилигининг илк босқичларида дастлаб, жамоанинг бошқарув тизимида диний – илоҳий қудрат катта нуфузга эга бўлганлиги туфайли, маҳкамачилик ишлари шаҳар бош ибодатхонаси қошида мужассамлашган. Шунинг учун ҳам илк шаҳарларнинг бош ибодатхоналари монументал характерга эга бўлиб, шаҳарнинг Бош оташгоҳи ибодатхона мажмуаини ташкил этган. Шу билан бирга жамиятни бошқариш ҳам ибодатхона билан боғлиқ бўлган. Бош оташқада қоҳинларнинг илк давлатчилик жараёнларида фаол қатнашиб, диний-дунёвий ҳокимият эгаси бўлганлигига ишора қилади. Чунки, муқаддас кулхонада бош оташқада кулларининг сақланиши, ибодатхона саждагоҳининг бош ибодат маркази эканлиги, диний маросим, культ билан боғлиқ удумларнинг ибодатхона бошқарувида ўтказилиши, муқаддас ичимлик ибодатхона қошидаги “цеҳ”ларда, “оқ хона”ларда тайёрланиб, шахсан мубодлар назоратида бўлганлиги буни исботлайди<sup>86</sup>.

Шулардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкин-ки, археологик ёдгорликлар ва уларнинг тарихий таҳлилига кўра, Шимолий Бақтрия жумладан, ўзбек давлатчилигининг тарихий илдизлари бронза даврига бориб тақалади. Айнан шу даврдан бошлаб, мулкчиликдан ерга ва чорвага эгалик қилишликнинг хусусий шакли пайдо бўлади. Ерга эгалик қилиш, жуфт оилаларнинг пайдо бўлиши ва уларни катта патриархал оила даражасига ўсиб чиқишидан бошланади. Давлатчиликнинг дастлабки, илк куртаклари патриархал оилалардан бошланиб, уларни мужассамлаштирган қишлоқ жамоалари – вислар даражасидаги кўриниши илк давлатчиликнинг тарихий илдизларини ташкил этади. Вислар илк давлатчилик куртаги ҳисобланса, “Авесто” жамиятининг занту босқичида вислардан ташкил топган илк шаҳар шаҳар –

---

<sup>86</sup>Эсанов М. “Авесто” жамиятининг археологик материалларда ... т.ф.н. дис... – Т.: 2007. 71-б.

давлатчилигининг асосини ташкил этган. Шаҳар – давлат амалда бир неча микровоҳа доирасидаги висларни диний ва сиёсий жиҳатдан бирлаштирган “воҳа давлатчилиги” нинг бош шаҳри, сиёсий ва диний қароргоҳидир. Шундай экан, Жарқўтон нафақат шаҳар – давлат, балки Сурхон-Шеробод воҳаси доирасидаги воҳа илк давлатчилигининг диний бошқарув маркази ҳамдир.

Шимолий Бақтрияда бронза даври деҳқон жамоалари учун хизмат қилувчи ноёб диний марказ- монументал иншоот- Жарқўтон ибодатхонаси ва унинг қошида диний маросимлар учун керак бўладиган ишлаб чиқариш хўжалик-хизмат қисмини ташкил этилиши ва унинг фаолияти ўз даври учун муҳим аҳамият касб этади. Диннинг марказлашув жараёни юз бера бошлайди. Диний дунёқарашда олов муҳим аҳамият касб этганлиги сабабли олов билан боғлиқ курилмалар, оловнинг рамзлари инсонлар диққат марказида бўлганлиги моддий маданиятда кузатилади. Жарқўтон ибодатхонаси фаолият кўрсатиши билан бирга жамоавий алтархоналар ҳам эътиборда бўлган. Булардан ташқари хали одамларнинг онгида ибтидоий диний қарашларнинг айрим кўринишлари, яъни зоолатрик диний қарашларга эътиқод сақланиб қолган бўлиб, маълум вақт ўтгач, деҳқон жамоалари ҳаётида олов, ер, сув ва ҳаво энг зарур ҳаёт манбаи эканлигини тушуниб етгач, зоолатрик характердаги ҳайвонлар фақат туморларда, муҳрларда сақланиб қолади. Уларнинг ҳаётида табиатнинг тўрт унсурини эъзозлаш биринчи даражага кўтарилади. Бу тўрт унсур эса зардуштийлик динининг муҳим устунлари, асосий белгисидир. Тўрт унсурнинг учтаси (олов, ер, сув) Жарқўтон ибодатхонасида ўз аксини топган. Аҳоли яшаш манзилидан четда шаҳар қабристонининг вужудга келиши зардуштийликдаги табиатнинг тўртинчи устуни ҳавони муқаддаслаштириш расмий тус олганлигидан далолат беради. Бироқ, бу зардуштийлик дини узил-кесил шаклланди, дегани эмас. Шу сабабли, бу даврни зардуштийлик динининг шаклланиш жараёни бошланган давр, яъни илк зардуштийлик, дейилса тўғрироқ бўлар эди. Жарқўтон нафақат диний марказ, балки жамиятнинг бошқарув маркази ҳам бўлган. Бу эса илк подшолик яъни Қадимги Бақтрия подшолиги давридаги кавининг кўл остида диний, дунёвий ҳокимиятнинг

жамланиши билан қиёслаш мумкин. Бу ибодатхона мубодларининг обрўси ортиб боришига, уларнинг қўлида унумдор ерларнинг тўпланишига олиб келади. Илк шаҳар ҳокимиятининг бошқарув маркази бўлганлигини кўрсатувчи факт Жарқўтон ибодатхонасининг қуйи қатламида олиб борилган изланишлар туфайли исботланди. Бу ерда ибодатхона қурилишигача қандайдир бошқарув маркази “сарой” га ўхшаш иншоот бўлганлигига ишора қилувчи ашёвий далиллар топилган. Бундан кўриниб турибдики, бу иншоот аввал жамиятнинг бошқарув маркази бўлган. Кейинроқ, дин марказлашиб борган сари, кейинги қурилиш давларида бу ерда ибодатхона қад кўтарган ва шу ердан жамият ҳам диний, ҳам сиёсий томондан бошқарилган. Бу далиллар нафақат Шимолий Бақтрияда, балки Ўзбекистон ҳудудида давлатчилик илдизлари мил.авв. II минг йилликнинг ярмига бориб тақалишига асос бўлади.

## III –БОБ. ЎРТА ОСИЁНИНГ ИЛК МУДОФАА ТИЗИМИ ҲАҚИДА УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

### III.1. Сополлитепа мудофааси жаҳондаги энг қадимги лабиринт тизими.

Ўрта Осиёда бронза даври мил.ав. III мингйиллик ўрталаридан то I мингйилликнинг бошларига қадар бўлган инсоният ҳаётининг деярли бир ярим минг йиллик турмуш тарзини ўзида акс этади.

Бронза даврига оид Сополли маданиятини том маънода геометриялашган маданият деб аташ мумкин. Унинг монументаль меъморчилик обидалари симметрик қоидалар асосида бунёд этилган бўлса, мудофаа иншоотларига лабиринт тизими хосдир. Бизнинг кузатувларимизга қараганда Сополлитепа ва Даштли мудофаа иншоотлари тизими жаҳон халқлари меъморчилигидаги энг қадимги лабиринт тизимидан биридир.

Ёзма манбаларда эртак қаҳрамони Тоссенинг Менотаврни<sup>87</sup> Крит лабиринтида ўлдирганлиги ҳақида маълумотлар бор<sup>88</sup>. Албатта, бу ҳикоя, эртак. Шундай бўлсада, Крит лабиринти адабиётларда жаҳондаги энг қадимги лабиринт сифатида эътироф этиб келинмоқда<sup>89</sup>. Сополли ва Даштли ёдгорликлари мисолида Бактрияда лабиринт тизимининг пайдо бўлиши ва эволюциясини ўрганиш алоҳида илмий мавзу эканлигини эътироф этган ҳолда айтиш мумкинки, Сополли маданиятининг нафақат меъморчилик, балки моддий маданият турларининг деярли барчаси - кулолчилик буюмлари, металлсозлик ашёлари, тошдан ясалган ҳар хил аслаҳалар табиат қонунияти – симметрик қоидалар асосида ясалган.


Сополлитепа Музработ туманида шимолий шарқий  $E 66^{\circ}48'/N 37^{\circ}42'$  градус бурчаги остида, денгиз сатҳидан 587м баландликдаги, Уланбулоқсой ўзанида жойлашган<sup>90</sup>. Ёдгорлик 1968 йили Л.И. Альбаум томонидан топилган. У академик Аҳмадали Асқаров томонидан тўлиқ ўрганилган.

<sup>87</sup>Гавдаси инсон, боши хўкиз кўринишидаги маклук.

<sup>88</sup>БидерманГанс. Энциклопедия символов. М., Изд. “Республика”, 1996. – С. 141.

<sup>89</sup> Bord J. Mazes and habyrinths of the World. Iondon.1976.

<sup>90</sup>GPS information.



Сополлитепа.

Сополлитепа қалъа ва унга туташ қишлоқ қисмлардан иборат. Қалъа қисми тўлиқ қазиб ўрганилган, тархлари 82x82 метрга тенг, ички йўлакчи, уч қатор мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Қалъада саккиз маҳалла жойлашганлиги аниқланган, қалъанинг марказий қисми ҳовли сифатида очик қолган.

Сополлитепа ёдгорлигидан топилаган 158 та қабр ва улардан топилган ашёлар сонининг статистик таҳлиллари Сополлитепа аҳолисининг тенг ҳуқуқли бўлганлигини тасдиқлайди<sup>91</sup>. Вафот этганлар алоҳида қабристонда эмас, балки уйларнинг деворлари ёки поллари тағларига кўмилган. Қабрлар оддий ўра ёки лаҳад шаклида бўлиб, аёллар ўнг, эркеклар эса чап ён томонларига ётқизиблиб дафн этилган. Жасад билан бирга ҳар хил сопол идишлар, бронза ва бошқа қимматбаҳо буюмлар қўшиб кўмилган.

Шундай қилиб, Сополлитепанинг мудофаа девори лабиринт тизимида қурилган. Фанда лабиринтга адаштирувчи йўл деб таъриф берилиб, меъморчиликда у антик даврларда Скандинавияда пайдо бўлган деб ҳисобланади<sup>92</sup>. Готланд оролида тошлардан айланма йўл қурилган ва шу йўл энг қадимги лабиринт деб аталган. Европанинг кўплаб ўрта асрларга оид христианлик соборларида айланма лабиринтлар қурилган ва “Иерусалимги

<sup>91</sup>Ионесов И.В «Становление и развития раннее крессовых отношений в оседлоземледельческом обществе Северной Бактрии». Автореферат, дис...к.и.н. Самарканд 1990.

<sup>92</sup>БидерманГанс. Энциклопедия символов. М., Изд. “Республика”, 1996. – С. 247.



йўл” деб аталган<sup>93</sup>.

*Лабиринт* -бутун дунёда сирли ҳаёт симболи. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек Сополли маданияти аҳолиси лабиринтни кашф этган ва меъморчилик ансамбллари куришда моҳирона фойдаланган<sup>94</sup>. Лабиринт Сополли маданиятининг бошқа моддий манбаларида ҳам акс этган.



Лабиринт тасвирланган муҳр. Тиллабулоқ.

Тиллабулоқ ёдгорлигидан топилган муҳрда айлана шаклли лабиринт тасвирланган<sup>95</sup>. Бир қарашда у илоннинг ғужанак бўлиб турган ҳолатини ҳам эслатади. Аммо, муҳрни лой парчасига ёки пластилинга босиб кўрилганда илондан кўра лабиринт тасвирланганлиги кўринади. Лабиринт муҳр параметридан (гардиш) бошланиб, айлана шаклида марказгача борган. Психологик жиҳатдан лабиринт марказни топишдан иборатдир. Тиллабулоқ муҳрида уч айланали лабиринт ва марказга этакловчи йўл тасвирланган.

Юқорида Тесеенинг Крит лабиринтида Менотаврни ўлдирганлиги ҳақидаги маълумотни келтирдик. Крит лабиринти легенда, Сополлитепа лабиринти эса археологик ҳақиқат ва тадқиқотчилар ҳозирги кунгача эътибор бермаган илмий йўналишдир.


<sup>93</sup>БидерманГанс. Энциклопедия символов. М., Изд. “Республика”, 1996. – С. 247.

<sup>94</sup>Аскарлов А.А. Сапаллитепа. Ташкент, 1973.

<sup>95</sup>Kai Kaniuth, Martin Gruber, Anna Kurbangaliev, Frances Sachs, Aliser Sajdullaev, Mohsen Makki, Peter Biro. “Tilla Bulak – 2009 Vorbericht zur dritten Kampagne” Archacologische Mitteilungen aus Iran un Turan. Band 42. 2010. Berlin.

### III.2. Ўрта Осиёнинг бронза даври мудофаа иншоотларининг қурилиш усули ва вазифаси.

Бронза даврида Ўрта Осиёнинг кенг чўл ва адирларида чорвадорлар маданиятининг раўнақи кузатилса (Андронова маданияти ёдгорликлар), жанубий ҳудудларида хунармандчилик хўжалиги тараққий этган бобо деҳқонларимизнинг илк шаҳар маданияти таркиб топаётгани кузатиш мумкин (Сополли, Номозгоҳ маданияти ёдгорликлари), бронза даврининг охириги босқичларида Ўрта Осиёнинг қадимги деҳқончилик районларига шимоли-шарқдан чорвадор қабилаларнинг кириб келиши кузатилади<sup>96</sup>. Бронза даврида ўтроқ ва кўчманчи маданиятларнинг ўзаро маданий хўжалик алоқалари таъсири остида улар ўртасида контакт ҳудуд маданиятлари таркиб топади (Зомонбобо, Тозабоғёб маданиятлари).




Жарқўтон ибодатхонаси.

Сополли маданияти аҳолиси хунармандчиликнинг деярли барча турларини (кулолчилик нафис санъат – тақинчоқлар, бронзадан ясалган ашёлар), уй-жой қурилиши, ҳарбий ишлар, деҳқончиликни ривожлантирган.

<sup>96</sup>Ўзбекистон халқлари тарихи. 1-жилд 16-17 вар., Фан нашриёти. Тошкент 1992.

Сополли даврида деҳқончиликдан иккинчи меҳнат таҳсимоти – хунармандчиликнинг ажралиб чиқиши юз берган. Хунармандчиликнинг тўқимачилик соҳасида йигирув ва тўқув дастгоҳининг, кулолчиликда чархнинг ва мураккаб хумдоннинг, металл эритиш ва қуйиш технологиясининг кашф этилиши, уй ҳайвонларидан транспорт воситаси сифатида фойдаланишга ўтилиши, қурилишда режа асосида уй-жой ва монументал бинолар қуришга ўтилиши бой моддий манбалар асосида ўрганилган.<sup>97</sup>

Биз ўрганаётган мудофаа иншоотлари ҳақида тўхталсак. Биринчидан, қандай иншоотлар мудофаа тизимига эга, иккинчидан мудофаа иншоотларининг характери қандай каби масалаларга ечим топсак мақсадга мувофиқ бўлади.



Жарқўтон саройи.

Биринчи саволга Бактриянинг илк шаҳар-давлати ҳисобланган Жарқўтоннинг мудофаа девор билан ўралган ёдгорликларини санаб ўтсак. Булар Жарқўтон саройи ва ибодатхонаси. Бошқа иншоотлар мудофаа деворига эга эмас.

Жарқўтоннинг саройи ҳам ибодатхонаси ҳам 5 метр қалинликдаги девор билан ўралган. Сарой девори тўртбурчак, ибодатхона эса ярим доира шакли башнялар билан мустаҳкамланган. Симметрия қоидасига кўра қалинлиги 5 метр

<sup>97</sup>Аскарлов А.А. Древнеземледельческая культура эпоха бронз юга Узбекистана. Тошкент. 1977.


бўлганда, деворнинг баландлиги камида 7 метр бўлади.

Демак, бу иншоотлар эгаллаб бўлмас истехкомга айлантирилган. “Бу деворлар кимларга қарши қурилган” деган табиий савол туғилади. Албатта, бу саволга “ташқи душманларга қарши қурилган” деган биринчи жавоб берилади. Афсуски, бу жавоб бизни қониқтирмайди. Биринчидан, ташқи душманлар шаҳарнинг бошқа аҳолисини қириб ташласа, сарой билан ибодатхонада яшаётган ҳукмдор аҳоли ўз-ўзидан аср тушиши ҳаммага маълум. Иккинчидан, ташқи душман бўлиши мумкин бўлган, шимолда жойлашган кўчманчи қабилалар Бухоро ҳудудида ўрнашган Замонбобо ёдгорлиги аҳолиси бўлиб, оралиқ масофа 700 кмдан ортиқ. Демак, бронза давридаги илк шаҳарларнинг мудофаа деворлари ташқи душманларга қарши қурилган деган фараз нотўғри.

Бизнинг фикримизча, бу деворлар ҳукмрон аҳолининг қудратини кўрсатиш учун, илк марта шаклланган ҳукмдор синф томонидан шаҳардаги ички душманларга қарши қурилган.

ИЛОВАЛАР:


## Сополлитепа




# Даштли



# Даштли 15




# Тоголок-21







# Жарқұтон. Арк.



# Жаркўтон олов ибодатхонаси






Гонур қалъаси

# Гонур саройи




# Алтиндепе.

A



B



# Тюренгдепе



Figure 1.6. Türenğdepe: general view of the platform (All Photographs by I.



Figure 1.7. Türenğdepe: close-up view of the masonry (All Photographs by I.





# Алтиндепе. Дарвоза.



## Жарқўтон ва Ур шаҳар-давлатларининг тарихий топографияси





Адабиётлар:

1. Ислом Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Тошкент, “Шарқ” нашриёти, 1998, 29-бет.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т., “Ўзбекистон”, 1997. – Б. 145.
3. Каримов И.А. БМТ Бош Ассамблеясининг 48 сессиясидаги маъруза. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1993, Б.4.
4. “Авесто” Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. 8-34 бетлар.
5. Аванесова Н.А. Новые материалы эпохи бронзы Зарафшанской долины. «Археологические исследования в Узбекистане-2001 год» стр. 20-21;
6. Аванесова Н.А., Ташпулатова Н. Символика огня в погребальной практике сапаллинской культуры. (по материалам исследования могильника Бустан VI). ИМКУ, вып.30. Самарканд, 1999. – С. 27-36.
7. Асқаров А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Изд. “Фан”, Т.: 1977. с. 13-32.
8. Асқаров А., Абдуллаев Б. Джаркутан. (К проблеме протогородской цивилизации на юге Узбекистана). Изд. «Фан», Т.: 1983, с. 8-9.
9. Асқаров А., Ширинов Т. Равняная городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Самарканд-1993, с. 7-24, 47.
10. Асқаров А. Сапаллитепа. Изд. “Фан”, Т.: 1973. с. 42-70;
11. Асқаров А. Сополли маданияти пиктографик ёзув белгиларини ўқишдаги дастлабки изланишлар. “Марказий Осиё халқлари тарихи манбашунослиги ва тарихшунослиги масалалари”. V-сон, Т.:2013, 12-38 бетлар.
12. Асқаров А. Тарихимизнинг уч муаммоси ва уларнинг ечими ҳақида янги мулоҳазалар // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – № V, – Т.: 2000. 24-28 бетлар.
13. Асқаров А. Ўзбек давлатчилигининг тарихий илдизлари // Давлатчиликнинг илк босқичларида – Ўзбекистон. (Республика илмий-амалий конференция материаллари). Т.: 2010. 10-б.
14. Асқаров А. Ўрта Осиё қадимги дунёсининг асосий хусусиятлари.// Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1994. – № VI.31-35 бетлар.
15. Асқаров А. Энг қадимги шаҳар. Т.: “Маънавият”. 2001. 11-бет.
16. Баженов Е.Б. Неолитические памятники юго-восточного Устюрта // Древняя и средневековая культура юго-восточного Устюрта. Ташкент, 1978.
17. Баженов Е.Б. Первое неолитическое погребение на Устюрте // СА, 1985, № 1.
18. Баженов Л.В. (Ред.). Древние авторы о Средней Азии. Хрестоматия. Ташкент, 1940.
19. Баженов Л.В. Народы Средней Азии в древнейший период (VI-II вв. до н.э.) // Исторический журнал, 1938, № 6.
20. Баженов Л.В. Средняя Азия в древний период между шестым и

вторым веками до нашей эры. Ташкент, 1939.

21. Бидерман Ганс. Энциклопедия символов. М., Изд. "Республика", 1996. – С. 141.

22. Бобомуллоев С.Б. Верховья Зарафшана во II тыс. до н.э. Душанбе-1998;

23. Бобомуллоев С.Б. Раскопки гробницы бронзового века на верхнем Зерафшане. *Stratumplus*, № 2. СПб.-1999.

24. Варга Д. Древний Восток. Будапешт, 1979, с. 10-44.

25. Васильев Л.С. История религий востока. .... – С. 14.

26. Виноградов А.А. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья. Москва, 1981.

27. Виноградов А.В. Неолитические памятники Хорезма // МХЭ, 1968, вып. 8.

28. Виноградов А.В., Итина М.А., Яблонский Л.Т. Древнейшее население низовья Амударьи. Москва, 1986.

29. Виноградов А.В., Мамедов Э.Д. Комплексные археолого-геоморфологические работы в юго-западных Кызылкума // АО, 1978. Москва, 1979.

30. Виноградов А.В., Мамедов Э.Д. Первобытный Лявлякан. Этапы древнейшего заселения и освоения Внутренних Кызылкумов (МХЭ, 1975, вып. 10).

31. Всеобщая история архитектуры. «Архитектуры древнего мира». Том I, Москва-1970, с.311.

32. Гиршман Р.М. Terrasses Sacres de Bard-e Nechander et Masjed-I Solomanb. Paris- 1976. с.67.

33. Гиршман Р.М. Происхождение «Чахартака». Культура Востока. Древность и средневековье. Ленинград- 1978. с.69.

34. Гиршман Р.М. Религия Ирана от VIII в. до н.э. до периода ислама. «Культура Востока. Древность и средневековье. Ленинград-1978;

35. Гуляев В.И. Города государства Мая. (Структура и функции города в раннеклассовом обществе). – Москва. 1979. - С. 19.

36. Джуракулов М.Д., Холушкин Ю.П., Батыров Б.Х. и др. Самаркандская стоянка и ее место в позднем палеолите Средней Азии // Палеолит Средней Азии и Восточной Сибири. Новосибирск, 1980.

37. Джуракулов М.Ж., Мамедов Э.Д. Геология и археологические памятники Зарафшана. Ташкент, 1986.

38. Джуракулов М.Ж., Мамедов Э.Д. Работы в Низовьях Зарафшана // АО, 1984. Москва, 1986.

39. Джуракулов М.Ж., Холматов Н.У. Джангал – новый памятник Среднего Зарафшана // ИМКУ, 1996, вып. 23.

40. Джуракулов М.Ж., Холматов Н.У. Мезолит и неолит Среднего Зарафшана. Ташкент, 1991.

41. Дьяконов И.М. Города-государства Шумера. История древнего мира. Том I. Москва, 1983. с.49-63, 64-74;

42. Ионесов И.В «Становление и развития раннее классовых отношений в оседлоземледельческом общество Северной Бактрии». Автореферат, дис...к.и.н. Самарканд 1990.
43. Исаков А. Саразм (К вопросу становления раннеземледельческой культуры Зеравшанской долины. Раскопки 1977-1983 гг.) Душанбе- 1991, с. 72-73.
44. История Узбекской ССР, том I. Т.: 1967. стр. 46.
45. Массон В.М. Алтын-Депе. Ленинград-1981, с. 56-80.
46. Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы. Москва-1959;
47. Массон В.М. Основные направления культурно-исторического процесса // Становление производства в эпоху энеолита и бронзы. М.. Наука, 1981. - С. 31-48.
48. Массон В.М. Первые цивилизации. - Л.: 1989. – С. 291.
49. Массон В.М. Поселение Джейтун. - Л., 1971. – С . 324.
50. Массон В.М. Средняя Азия и Древний Восток. - М.: -Л., 1962. – 423 с.
51. Массон В.М. Формирование раннеклассовых обществ и вопросы типологии древних цивилизаций // Древний Восток и античный мир. - М.: МГУ, 1980. - С. 12-40.
52. Массон В.М. Экономический и социальный строй древних обществ. - Л., Наука, 1976. - С. 184.
53. Рахманов У. Керамическое производство эпохи бронзы южного Узбекистана. Автореф. канд. дисс. Самарканд,1987, с. 16-17.
54. Сагдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Т.: 2002. 22-25 бетлар.
55. Сарианиди В.И, Кошаленко Г.И. Средняя Азия в раннежелезном веке // Археология СССР. Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. - М.: 1985. - С. 202-237;
56. Сарианиди В.И. И здесь говорил Заратуштра. Москва-1992, с. 101-102
57. Сарианиди В.И. В поисках страны Маргуш. Москва-1993, с. 333;
58. Сарианиди В.И. Древние земледельцы Афганистана. Москва-1977;
59. Сарианиди В.И. И здесь говорил Заратуштра. Москва-1992, с.89.
60. Сарианиди В.И. Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб. Ашгабат-2002.
61. Сарианиди В.И. Некрополь Гонура и Иранское язычество. Москва-2001;
62. Сарианиди В.И. Энеолитическое поселение Геоксюр (Результаты работ 1956-1957гг // Тр. ЮТАКЕ, Т. X. Ашгабат, 1960. – С. 34-48.;
63. Ўзбекистон халқлари тарихи. 1-жилд 16-17 вар., Фан нашриёти. Тошкент 1992.
64. Чайлд Г. Древнейший Восток в свете новых раскопок. Москва. 1956, с.162;

65. Шайдуллаев Ш. “Авесто” ва моддий маданият // Ўзбекистон тарихи. 2004. № III.3-12бетлар.
66. Шайдуллаев Ш. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ... Т.ф.д. дис.... автореф. –Самарқанд, 2009. 23-б.
67. Шайдуллаев Ш., Хуфф Д., Рахимов К. Жаркўтон – 2002 // Археологические исследования в Узбекистане 2002 года. Т.: 2003. стр 202-204.;
68. Ширинов Т. Ранняя городская культура .... автореф. дис...д-ра.ист.наук.
69. Эсанов М. “Авесто” жамиятининг археологик материалларда ... // Т.ф.н. дис. –Т., 2007. – Б. 52.
70. Эсанов М. Бронза даврида Қадимги Бактрия ва Марғиёна аҳолисининг зоолатрик диний қарашлари // Ўзбекистон моддий маданият ёзма манбаларда. Т.: Фан.92-97 бетлар.
71. Adams R. Heartland of Cites. Chicago, 1982;
72. AvanesovaN., S. Sajdullaev, A. Ёrkulov. Gzam-ein neuer bronzezeitlicher Fundort in der Sogdiana. rchaologische mitteilungen aus Iran und Turan”. Berlin-2001. p. 63-72.
73. Bord J. Mazes and habyrinths of the World. Iondon.1976.
74. Childe V.G. The urban revolution // Towh planning Review. Vol. 21. 1950, - P.9-16;
75. K.Kaniuth, M.Gruber, A.Kurbangaliev, F.Sachs, A.Sajdullaev, M.Makki, P.Biro. “Tilla Bulak – 2009 Vorbericht zur dritten Kampagne” \\ AMIT. Band 42. 2010. Berlin.
76. Stronach D.B. TepeNush-i Jan: Excavation in Iran. Oxford-1972, p. 296.







